


**Гулжаҳон Мардонова**

# **ЎЗБЕК МИЛЛИЙ ЎЙИНЛАРИ**

**Оммабоп-адабий нашр**



**“BOOKMANY PRINT”  
ТОШКЕНТ – 2022**

**УЎК: 793.4(575.1)**

**КБК: 75.5**

**М 26**

**ISBN 978-9943-8398-9-2**

Мардонова Гулжахон Амоновна

Ўзбек миллий ўйинлари [Матн]: Оммабоп-адабий  
нашр / Г.А.Мардонова. – Тошкент: Bookmany print,  
2022. – 158 б.

С ў з б о ш и м у а л л и ф и:

педагогика фанлари доктори, профессор

Муҳаммаджон Қуронов

Т а қ р и з ч и:

филология фанлари доктори, профессор

Кудратилла Омонов

Болаларнинг бадиий адабиёт, халқ оғзаки ижоди билан яқиндан танишишлари улар ўйнаётган ўйинлар мазмунни билан боғлиқ. Ўйинларда инсон ҳаёти, бошидан кечираётган воқеа-ҳодисалар ва ана шу воқеа-ҳодисаларга нисбатан муносабат намоён бўлади. Булар эса болаларда бадиий адабиётнинг энг муҳим вазифаларидан бўлган – одоб, ахлоқ, жасурлик, мардлик, ватанпарварликни тарбиялашда катта ҳисса қўшади. Муаллиф томонидан юртимизнинг барча вилоят ва Қорақалпоғистон Республикасидан ёзиб олинган юздан ортиқ маданий меросимиз дурдоналари ушбу “Ўзбек миллий ўйинлари” китобидан жой олди. У маънавият тарғиботчилари, мактаб ўқитувчилари, мураббийлар ва кенг китобхонлар оммасига мўлжалланган.

© Мардонова Г.А.  
© “Bookmany print” нашриёти, 2022.



Келажагимиз эгалари –  
Янги Ўзбекистон ёшларига  
багишиланади.

## Болалар ўйинлари – ҳаёт машқлари

Кўп ҳаракат қилган организм яшовчан бўлади. Боболаримиз кечираётган ҳаёт тарзларига, ҳаракатларга қараб ўйинларни кашф этганлар. Одам умри давомида қиладиган ҳатти-ҳаракатлар, тирикчилик ташвиши, четдан бўладиган турли қаршиликларни енгиш, оилани ҳимоя қилиш каби ҳаётий вазиятлар бу ўйинларга мавзуу бўлган.

Дастлабки ўйинлар инсониятнинг болалиги бўлган териб ейиш даври билан боғлиқлиги фикримиз исботидир. Кейинчалик ўйинлар мундарижасига овчилик, чорвачилик, дехқончилик, ҳунармандчилик билан боғлиқ турлари кириб келдики, бу ҳаётий жараёнлар, яшаш учун ҳаракат қилиш, интилиш билан боғлиқларидир. Таъбир жоиз бўлса, бу ўйинлар ўша даврдаёқ одамларнинг табиат инжиқликларига дош беришларига, турли касалликларни енгиб ўтишларига замин ҳозирлаб борди.

Ўйинларда теварак-атрофда юз берадиган воқеа-ходисалар сюжетлари жонлантириб борилган. Сюжетлар одамларнинг ҳаёти билан бевосита боғлиқ ҳолда шаклланган. Ўйинлар инсонни маънан, ахлоқий, эстетик жиҳатдан тарбиялайди. Чунки ўйинлар жамият ҳаётида меҳнатдан кейинги ҳодиса саналади. Ибтидоий замонларда одамлар ўйинлар орқали овчилик жараёнларини акс эттирганлар.

Шу маънода Гулжахон Мардонова томонидан ёзиб олинган ўйинларнинг айримлари бир қадар унутилганилиги, ноёблиги, қолаверса замонавий болаларнинг кун-

далик машғулотларидан айтарли четлашганлиги билан ҳам қимматга эга. Улар билан танишар экансиз халқнинг миллий тарбия мактаби нечоғлик қадим тарихга эгалигига тан берасиз.

Ўзбек халқида йигитнинг белбоғи ҳам, қизнинг рўмоли ҳам оддий мато, аксессуарлар эмас. Улар мардлик, ор-номус, хаё, садоқат, покликнинг матода намоён бўлиши. Шунинг учун ҳам халқимизда белбоғ қадимдан ализланган. Ўз сўзида турадиган, айтганидан қайтмайдиган йигитлар “Белида белбоғи бор” деб мақталган. Белбоғ йигитнинг кўрки, номуси, ори саналган. Халқ тўқиган достон ва эртакларда ҳам белбоғга нисбатан юкори баҳо берилади. Демак, ўғил болалар ўйинлари орасида белбоғнинг восита сифатида ишлатилишида катта миллий маъно бор.

“Белбоғ” ўйинининг энг афзал томонларидан бири унга маҳсус тайёрланадиган восита шарт эмас. Қолаверса, бу ўйин билан исталган жойда ҳамроҳ бўлиш мумкин. Баҳсга киришган болалар бўйи, ёши, кучи тенг бўлиши талаб қилинади. Ўйин давомида иштирокчи нималарга эътибор бериши керак? Энг аввало, у зийрак бўлиши, ўйинбошининг ҳатти-ҳаракатини диққат билан кузатиб туриши керак. Сабаби, ўйинбоши “бошланг” ишорасини берганда бир лаҳза кеч бошланган ҳаракат инсоннинг мағлуб бўлишига сабабчи бўлади. Оёқлар тагига ташланган белбоғни биринчи бўлиб эгаллаб олиш ва уни бош узра баланд кўтаришга рақибдан олдинроқ улгуриш керак.

Бойсун туманидан ёзиб олинган “Зар қалпок” ўйинида восита сифатида бош кийим танланган. Халқ ўйинларида бош кийимнинг восита сифатида танланиши ҳам бежиз эмас. Бош кийим инсоннинг обрўси, хурмати, шахсини англатади. Ҳатто бошдаги дўппининг ҳолатига қараб эгасининг қандай инсонлигини билиб



олиш қийин эмас. “Зар қалпок” ўйини болаларни зийрак ва тийрак бўлишга ўргатади. Яъни қалпокни кўйнига яширган иштирокчининг кўзларига қараб қалпок қайси боланинг қўйнида эканлигини топиш керак. Бунда зийраклик иш беради. Ҳар бир боланинг кўзига диққат билан тикилиш, унинг кўзлари тубидаги сирни англай олиш керак. Агар ана шу сезгирилик иштирокчида етишмаса панд ейди.

“Зар қалпок” ўйинида мағлуб бўлган иштирокчи тенгқурларининг ҳар хил шартларини бажаради. Шартлар иштирокчиларнинг кайфияти, фаслга боғлиқ танлангани учун хилма-хил бўлиб, рақсга тушиш, қўшиқ, тез айтиш, топишмоқнинг жавобини топиш, шеърни ёддан ўқиш каби бўлиши мумкин. Демак, иштирокчи ана шу нарсаларга ҳам доим тайёр турмоғи керак.

Халқ ўйинлари орасида табиат билан, айниқса дўстларимиз саналган қушлар билан боғлиқ ўйинлар кўпладб учрайди. Бу эса бежиз эмас. Демак, боболаримиз қушларнинг ҳаётини диққат билан кузатиб боришган. Қорақалпоқ халқига хос бўлган “Шағала” ўйинида айнан ана шу жиҳатларни кўриш мумкин. Ерга тугиб, ташлаб қўйилган белбоғ рамзий маънодаги балиқдир. “Катта чағалай”лар “полопон”га ана шу “балиқ”ни олиш илмидан сабоқ беришапти. Ўйинда иштирок этаётган болалар қушларга қиёсан қанотларини кенг очиб турадилар. Уларнинг меҳрибон товуши ёш “чағалай”га куч ва қувват беради. Полопон ролини бажараётган бола қанотларини кенг ёзиб катта “чағалай”лар атрофида айланади. Бу билан ўзининг тажрибасиз эканлигини, мабодо “балиқ”ни олишни эплолмаса, улардан маънавий кўмак зарурлигини эслатиб туради. Катта “чағалай”лар эса уни бор овозларида қўллаб турадилар. Бу манзара барчага таниш. Қушларнинг ҳаёти ҳам одамларникига қайсиидир маънода ўхшаб кетади. Бу ўйинни ўйнаётганда болалар қалбida атрофдагиларни қўллаб-

кувватлаш қанчалар мұхим эканлигини унутмасликка үндайды. Бу боланинг мана шу ўйиндан олган дастлабки сабогидир.

Миллий ўйинларимиз орасида воситали, ҳаракатли, қасб-хунарга оид турлари қатори мавсумий ўйинлар талайгина. Чунки бизгача яшаб ўтган аждодларимиз инсоннинг ҳар томонлама камолотта етишувида ўйинлар узвийлиги ва узлуксизлигига ҳам эътибор қаратгандар. Шундан ҳам улар орасида йилнинг барча фаслларига мос ўйинлар ўйлаб топилган.

Баҳорий ўйинлар кенг ўтлоқлар, сой бўйлари, қирда ўйналган. Бу ҳам юқорида таъкидлаганимиздек, инсон рухиятининг табиат билан уйғунылигидир. Чунки ўйинларнинг завқу шавқ билан ўйналишида табиатнинг кўркем таровати ҳиссадор бўлади. Ўйинлар учун танланадиган лиbosларда ҳам айнан табиат гўзаллиги акс этади. Ўғил болалар киядиган яктаксимон лиbosларга йўрма усулида кашталар тикилади. Кимлардир камалак жилоли бекасам лиbosни афзал кўради. Қизлар учун эса ёрқин рангдаги шойи, атлас лиbosлар, босма дўппилардан яхшироқ лиbos йўқ. Бундай лиbosнинг ўзиёқ инсон кўнгил оламини товлантириб юборади.

“Чуррак” ўйини ўрдаклар ҳаётидан олинган. Ўрдаклар ҳам ўз полопонини учишга ва ҳаётда ризқ топиб яшашга ўргатади. У то эркин қанот қоққунча назоратда сақлайди. Ўйин болаларни уқувли қиласди. Бир хил узунликдаги чўпларни текис ва чиройли қилиб йўнилади. Мана шу иш жараёнида болаларнинг диди ҳам имтиҳондан ўтади. Чунки кимдир чўпни чала, қобигини текис йўнмасдан тайёрласа, кимдир аксинча, пишик қиласди. Демак, чўплардан иборат маҳсус йўлакни ҳозирлашнинг ўзиёқ болаларни ҳаётга тайёрлади. Энди ўрдак болалари рамзий маънода “учишга” ҳозирлик кўрадилар. Уларни битта назоратчи бола кузатиб туради.

Мана йўлак бўйлаб югуриб ўтган “полопон” бола назоратчи қошига эниб бориб, ерга энгашганча, бир қўли билан қулоғини ушлаб етти марта айланади. Бу унчалик осон эмас. Тўғри, ҳар доим машқ қилиб, чиникиб юрган болалар учун осон. Аммо ҳамма болалар ҳам шундай эмаску. Демак, улар бу машқни бажариш асносида чиникиб боришади. Чунки ҳаётда нимагадир эришмоқ, сафнинг олдида бормоқ, бошқаларга ўрнак бўлмоқ учун ақлий салоҳият билан бир қаторда жисмоний қувват ҳам юкори бўлиши керак.

“Соққа ошиқ” ўйини аждодларимизнинг овдаги ҳатти-ҳаракатларини ифодалайди. Ўйинбоши кекса овчи. У ов тартибига кўра иш тутади. Ўртага терилган ёнгоқлар ёввойи ҳайвонлар. Икки томонга тортилган чизиклар эса хавфли майдонни эслатувчи ихота чизикларидир. Ичкарига кирган овчини ҳалокат кутган. Овчини бутун жамоа қўллаб-қувватлаб туради.

Қадимда овга ҳам эркаклар кўпчилик бўлиб боришган. Катта, чапдаст, кучли ва жасур эркаклар ов майдонига кирган. Энг жасур, чапдаст овчи бошлаб борган. Ёшлиар эса уларнинг ҳатти-ҳаракатини кузатиб туришган. Мана шу тариқа ов сирлари ўргатиб борилган.

“Соққа ошиқ” ўйини воситали ўйинлар сирасига кириб, ундаги воситалар кичик тошча, ёнгоқлар ва ошиқдир. У болаларда мўлжални аниқ олиш техникасини ривожлантиради ва ҳаётда ҳалол бўлишга ўргатади. Уни бемалол ҳовлида, уй атрофларида ўйнаса бўлади. Ҳаётда ҳамма овчи бўлмайди. Лекин ҳатти-ҳаракатда, сўзлашаётганда, муомала маданиятида бу ўйинда ортирган кўйикма аскотади. Яъни бу ўйин орқали ортиқча ҳис-ҳаяжонга берилмаслиқ, муомалада эҳтиёткор бўлиш ва креативлик каби хислатлар тарбияланади.

“Ёнгоқ” ўйини ҳам қадимий ов ўйинларидан хисобланади. Болалар томонидан кавланган чуқурча – ов

майдони. Овда ҳар хил ҳолат содир бўлиши мумкин. Ёввойи ҳайвонлар жарлик ичида, овчилар эса юкоридан туриб уларни мўлжалга олишади. Ўйинда “ёввойи ҳайвон”ни мўлжалга олиш отилган ёнғоқнинг чукурчага тушиши билан белгиланади.

Қайсиdir иштирокчи навбати етиб келмагани учун мутлақо ёнғоқларидан айрилиши мумкин. Бунга ҳам чидаш керак, мардлик керак. Кимdir эса ўз қўйинини ёнғоққа тўлдира олиши ҳам мумкин. Демак, ҳар бир боланинг қандай ютуқ ёки мағлубиятга учраши ўзига боғлиқ. Мўлжални тўғри ололган, эътиборли бола ғолиб бўлади. Бу эса болаларда ўз устида ишлаш, ҳаракатни кучайтиришга туртки бўлади.

Ўйинларда ёш организмнинг талаб ва эҳтиёjlари қондирилиб, ижодий фаоллик яратилади. Топқирлик, тезкорлик, шижаот тарбияланади. Қолаверса, ўйин орқали болалар жуда кўп нарсаларни билиб олади. Демак, билишга бўлган когнитив талаб ҳам ўйин орқали адо этилади. Ўйинлар ранг-баранг. Уларнинг мазмуни, ташкил этилиши, қўлланиладиган буюмлари турлича. Улар орасида креатив (ижодий) ва қоидали ўйинлар мавжуд. Ижодий ўйинларни болаларнинг ўзлари ўйлаб топадилар. Унда кўпроқ образлар иштирок этади. Бир қарасангиз сахна кўринишининг содда вариантига ўхшаб кетади. Бу албатта эҳтиёjга қурилади. Қоидали ўйинлар эса катталар томонидан яратилади ва болалар ҳаётига олиб кирилади.

“Қармоқча” ўйини Шофирконлик болаларнинг ижод маҳсулидир. У балиқ ови ҳақида. Балиқчи ҳам, балиқлар ҳам болаларнинг ўзи. Уларнинг қандай танланишини иштирокчи болаларнинг ўзлари ҳал қиласидилар. Овчи образидаги бола ярим чўк тушганча қўллари билан учига қум тўлатилган қопча ўрнатилган арқонни айлантира бошлайди. Болалар эса рамзий маънодаги



қармоққа тушиб қолмаслик учун жон ҳолатда сакрайдилар.

Шунинг учун ҳам “Қармоқча” ўйинида чаққонлик, сезирлик, зийраклик керак. Сусткаш бола қармоққа тушиб қолади. Овчи ҳам фаол ҳаракат қилиши керак. Лекин кўзланган режа, мақсад, кутаётган натижа амалга ошмай қолиши руҳиятга таъсир қилиши мумкин. Одамни мағлубият ҳам тарбиялади. Аммо асло чекиниш керак эмас.

Шоштепалик болалардан ёзиб олинган “Жойингни топ” ўйини ҳам уларнинг кашфиёти. Теварак-атрофдаги катталар, тенгдош болалар ҳаёти, фаолияти бу ўйин мазмуни учун асос бўлган. Ўйинда кисқа масофа белгиланган. Ҳар бир бола тўғри тўртбурчак ичида тез ва чаққон ҳаракат қилиб ўзи истаган бурчакни эгаллаши керак. Ўртада турган қоровул эса бунга йўл қўймасликка интилади. Тўртта бурчакни ишғол этган болалар унинг қўлига тушмасликка ҳаракат қиласидилар. Қоровул қайси болани ушлаб олса ўрин алмашади.

“Ташлама таёқ” ўйини болаларни серҳаракат бўлишга ундаиди. Ўйинда ҳар бир болага рақам қўйилади. Улар доира шаклида айлана бошлайдилар. Ўртада ўртабоши таёқни ушлаганча турли ҳазиллар билан болаларни чалғитади ва кутилмагандан болалардан бирининг рақамини айтади. Ана шу бола зудлик билан таёқни ушлаб олиши керак. Агар бунга улгурмаса, у болалар айтган турли шартларни бажаради. Айтайлик, бир оёқда юз метрга сакраб бориб келиш. Ёки худди бақадек икки оёқлаб сакраб юриш. Бунинг ўрнига зийрак бўлган осон эмасмиди?

Бадахшонлик болалардан ёзиб олинган “Чавандоз ва эгарчи” ўйини мазмуни ўз ишига совуққон эгарчи ва унинг болаларининг панд ейиши ҳақида. Бундай масъулиятсизликдан жаҳли чиққан чавандознинг

кайфияти ва эгарчининг муносабатини ифодалаган бу ўйин бир томондан, болаларда ўз ишига масъулият билан ёндашиш маданиятини юксалтиради, иккинчи томондан эса истеъмолчилик маданиятини эгаллашга, ўз хукукларини ҳимоя қилишга ўргатади.

“Чучмомо” ўйинини муаллиф Бойсунлик болалардан ёзиб олган. У баҳор фаслида ўйналади. Ўйинда ўғил ва қиз болалар иштирок этадилар. Ўйин баҳорнинг бошланиши, табиат уйғониши билан боғлиқ. Ўйиннинг бошидан то охирига қадар восита сифатида чучмомо ишлатилади. Бу эса яна кўкламга эсон-омон етганлиқ, шукроналик белгисидир. “Чучмомо” ўйинида иштирок этиш учун жисмонан бакувват бўлиш керак.

Халқимиз азалдан экологик ўйинларни ардоклаган. Чунки асрлар давомида табиатни асраш, авайлаш, унга меҳр қўйиш ота-боболаримиз томонидан қадрият дара-жасига кўтарилиган. Шунинг учун ҳам Турна, Қарға, Олмахон, Лайлак билан боғлиқ ўйинлар халқимиз бисотида талайгина. Муаллиф томонидан Қарши шахридан ёзиб олинган “Лайлак келди” ўйинида ҳам асосий мотив лайлак болаларнинг кўпайиши билан боғлиқ.

Ҳаётда зийрак ва эҳтиёtkор бўлиш жуда керак. Эҳтиёtkор деганда қўркувни тушунмаслик лозим. Ҳамма масалада меъёрни асраш, эҳтиёtsиз ҳатти-ҳаракатдан, сўзлашдан тийилиш инсонга баҳт ва омад келтиради. Бу эҳтиёtkорликни табиатга нисбатан ҳам тушуниш мумкин. Инсоннинг кичик эҳтиёtsизлиги туфайли қушлар озор чекишидан асралиш керак. “Лайлак келди” ўйини болаларнинг табиатга меҳр-муҳаббати ошишида ҳам ҳиссадор бўлади.

Кўплаб ўйинлар қаторида тош иштирокидаги ўйинларнинг ўрни бўлакча. Бу ўйинлар асосан ҳовлида қизлар томонидан ўйналган. У ҳаракатли ва воситали ўйинлар сирасига киради. Бешта тош ёрдамида ўйналадиган



бу ўйин республикамизнинг жанубий вилоятларида “Ҳаппак”, деб номланиб ўйин шартларини қизларнинг ўзлари ўйлаб топадилар. Тандир, куви, уй, кўприк, девор, қайчи, тошбақа, бўри каби шартларда ерга ташланган тошларни ана шу шартларга ҳамоҳанг акс эттирилган бармоқлар орасидан олиб ўтиш керак. Мабодо иштирокчи шартни бажара олмаса, у мағлуб.

Наманган вилоятининг Исковат қишлоғидан ёзиб олинган “Ошқовоқ узди” ўйини қизларда қандай хислатларни таркиб топтиради? У энг аввало қизларни аҳилликка, иноқликка ўргатади, жисмоний томондан тоблайди. Чунки сиз рамзий локомотивдан ажралмаслик учун янада кучлироқ бўлишга ҳаракат қиласиз.

Биз XXI аср – ахборот, фан ва техника юксак тараққий этган даврда яшаяпмиз. Болаларимиз компьютер ўйинларига ружу қўйишмоқда. Бу эса уларнинг соғлиқларига заарли. Болалар компьютер технологиялари сир-асрорлари, имкониятларини тўлиқ эгаллагани ҳолда ўйинларни ҳам унутиб қўймасликлари керак. Чунки улар инсонни фаол ва тадбиркор, соғлом ва ижодкор бўлишга, ҳар хил ҳолатдан хulosалар чиқаришга ўргатади. Фарзандларимиз югурсин, кувласин, сакрасин, қисқаси, кўпроқ ҳаракатда бўлишсин. Ана шунда болалар соғлом, маънан етук, қадди-басти чиройли, ўзлари келишимли ва киришимли инсон бўлиб улғаяди.

Педагогика фанлари бўйича фалсафа доктори, журналист ва адаби Гулжаҳон Мардонова ҳам ёш авлоднинг ҳар томонлама баркамол бўлиб улғайишини истайди. Шундан ҳам у оиласи, фарзандлари, неваралари, қолаверса, Ўзбекистон Миллӣ ахборот агентлиги Илм-фан ва инновациялар бўлими раҳбарлигидан ортиб узоқ йиллардан буён ҳалқнинг ўзидан унутилган миллий ўйинларни ёзиб олади. Бир жойдан ёзиб олинган

ўйинларни иккинчи жойдаги ўйинлар билан таққослайди, фарқли томонларини ўрганади.

Қўлингиздаги “Ўзбек миллий ўйинлари” китоби икки бўлимдан иборат. Биринчи бўлим “Ўғил болалар ўйинлари”, иккинчи бўлим “Қиз болалар ўйинлари” деб номланган. Ҳар икки бўлим ҳам ўз мавзуидан келиб чиққан ҳолда тартибга келтирилган. Бу Гулжаҳоннинг зукколигидан, кузатувчанлигидан ва халқ миллий меросини яхши билишидан далолатdir.

XXI аср мамлакатимиз ва дунё халқларининг миллий меросини асраш каби жуда катта вазифаларни олдимизга қўйди. Ана шундай бўхронлар аро миллатнинг, халқнинг миллий меросини излашга, топишга ва уни сайқаллаб халқнинг ўзига қайтаришга жазм этган, юртимиз қишлоқларини ўзининг шахсий ташаббуси билан пою пиёда кезаётган муаллифнинг бу фаолиятини мамлакат мустақиллигини мустаҳкамлашга қўшилган улкан ҳисса, деб баҳолаш мумкин. Ҳайратимни ифодалашим керакки, муаллиф бу саъй-харакатларни ўз шахсий ва оиласи жамғармаси ҳисобидан бажарган.

Ушбу китобга 2006 йилдан 2021 йилгача республикамиз вилоятларида яшовчи болалар, кекса отахон ва онахонлардан ёзиб олинган миллий ўйинларимиз киритилди. Улар денгиз тубидан моҳир ғаввос томонидан териб олинган дурлар каби бебаҳодир.

*Муҳаммаджон ҚУРОНОВ  
Педагогика фанлари доктори, профессор*



## ЎҒИЛ БОЛАЛАР ЎЙИНЛАРИ

### ***Белбоғ***

*Тошкент шаҳридан ёзиб олинди.*

Ўйинда одатда беш нафар бола иштирок этади. Улардан бири ўйинбоши, яъни ўйинда адолатни йўлга қўювчиdir.

Тартибга кўра иккита бола бир-бирларига орқа ўгирib, оёқларини кериб тик турадилар. Уларнинг оёқлари тагига арқондек қилиб белбоғ ташлаб қўйилади. Шарт шулки, белбоғ ҳар иккала иштирокчи учун бир хил кулайликда ташланиши керак. Белбоғни олишга шайланган ҳар икки бола қоматларини тик тутишлари, белбоғга ҳатто кўз қирини ташламасликлари даркор. Ўйинбоши бу ҳолатни назорат килгач қўлларини баланд кўтариб бир, икки, уч деб санайди. Уч сони айтилганда болалар тиззаларини букмасдан, тезлик билан белбоғга кўл чўзишлиари керак. Белбоғни қўлга киритиш учун куч ва шитоб ҳаракат зарур бўлади. Гоҳида ҳар иккала иштирокчи белбоғни баравар ушлаб оладилар. Ана шундай пайт уларнинг қай бири кучли бўлса белбоғни шеригидан тортиб олади.

– Сизга шарт айтамиз, – дейди ўртабоши. – Чунки белбоғни қўлдан чиқариб қўйдингиз. Хўш, болалар нима шарт айтамиз?

– Бир оёқда юз метргacha ҳаккалаб бориб келсин, – дейишади болалар.

Мағлуб бўлган бола шартни бажаради. Ўйин ана шу тариқа давом этади. Мағлуб болага қурбақа бўлиб юриш, икки оёқда сакраш, болалардан бирини опичлаб айлантириб келиш, узоқдан зувиллаб югуриб келиш каби қатор шартлар қўйилади. Шартлар болаларнинг кай-

фиятига кўра ўзгартирилиши ҳам мумкин. Агар улар ҳовлида ўйнаётган бўлсалар “чой қуиб кел”, “муздай сув келтир”, ёки “шеър айтиб бер”, “қўшиқ куйлаб бер” каби.

“Белбоғ” ўйини инсонга қоматни тик тутишни ўргатади. Шунинг билан бирга белни ва тиззаларни буқмасдан туриб эгилиш умуртқа поғоналари учун жисмоний ҳаракат вазифасини бажаради.

Бу ўйинни оилада ака-укалар билан биргаликда ўйнаса ҳам бўлади. Ўйинда восита бўлиб белбоғ хизмат қиласди.

## **Икки белбоғ**

*Тошкент шаҳридан ёзиб олинди.*

Ўйинда ўн битта бола иштирок этади. Улардан бири ўйинбоши. У адолатни назорат қилиб туради. Қолган болалар икки гурухга бўлиниади. Болаларни гурухга бўлишда ўйинбоши турли усуллардан фойдаланиши мумкин. Масалан:

– Сизларни санайман. Кимга тоқ сон тўғри келса ўнг тарафга, жуфт сон тўғри келганлар чап тарафга ўтади, – дейиши мумкин.

Мана болалар шартли равишда “А” ва “Б” жамоага бўлиндилар. Улар ўзларига сардор тайинлаб оладилар. Сардорликка бошқалардан кўра кучлироқ, абжирроқ бола танланади. Ўртабоши назоратида белгиланган майдон қоқ иккига бўлиниади. Ўртага белги қўйилади. Белги учун қўзга кўринадиган таёқ ёки белбоғни танлаш мумкин. Ўйинбоши ана шу жойда туриб ўйинни кузатади. Агар бирорта иштирокчи ўйин тартибини бузса, ўйиндан четлаштирилади.

Танланган майдоннинг икки томонига таёқ қадалиб, унга белбоғ боғлаб қўйилади. Ҳар бир жамоадан бир киши ўз гурухининг белбоғини рақиб гурухдан химоя

қиласи. Ҳар иккала гурухнинг қолган иштирокчилари рақиб гурух белбоини қўлга киритишга ҳаракат қиласи, шу аснода ўз жамоаси белбоини ҳимоя қилишни ҳам унутмайди. Шарт шулки, “А” гурух аъзоси ўз жамоаси худудида эркиндир. “Б” гурух уни бу майдонда ушлашга ҳаққи йўқ. Мабодо белбоғ учун интилаётган “А” гурух аъзоси “Б” жамоа худудига кирсаю, рақиб жамоа аъзосининг унга қўли тегиб кетса, у шу ерда таққа тўхтайди. Қачонки, ўзининг жамоадоши ёрдамга етиб келиб унинг елкасига қўли билан шапатиласа у ҳаракатга келади ва ўйинда иштирок эта бошлади.

Ана шу тариқа белбоғ учун кураш давом этади. Қайси жамоа аъзоси чаққонлик билан, ҳеч кимга тутқич бермай рақиб жамоа белбоини қўлга киритса, улар ғолибdir.

Ўртабоши барча иштирокчиларни ёнига чорлаб:

– Болалар, мана бир тараф ғолиб бўлди. Хўш, ғолиблар мағлуб томонга қандай шарт айтасиз? – деб сўрайди.

Ғолиб жамоа сардори ҳаммани тўплаб келишиб оладилар. Айтайлик:

– Бизни майдон бўйлаб опичлаб айлантирсин, – дейиши мумкин.

Ўртабоши ана шундай ҳолатда ғолиб ва мағлуб томоннинг жисмоний кучини чамалаб кўради. Агар мағлуб томон ғолиб томонни опичлаб айлантиришга жисмонан томондан тўғри келмаса, ўзаро келишилган ҳолда бошқа шарт ўйлаб топадилар. Шартларга курбақа бўлиб юриш, бир оёқда ҳаккалаб юриш, қўлини букиб ёзиш каби қатор жисмоний шартлар қўйилади.

Бу ўйин болаларда ўз худудини ҳимоя қилиш, Ватан остонасини асраш каби тушунчаларни шакллантиради. Бундан ташқари тинимсиз жисмоний ҳаракат уларнинг куч-куввати ошишига ҳисса қўшади.

## Зар қалпоқ

Сурхондарё вилояти Бойсун туманидан ёзиб олинди.

Ўйинда етти-саккиз нафар болалар иштирок этадилар. Унда ҳам адолат мезони устидан ўйинбоши назорат қиласиди. Ким ўртага тушиши саноқ ёрдамида белгиланади.

– Ўйинбоши бир, икки, уч, пуч, – деб санайди.

“Пуч” сўзи тўғри келган бола бир чеккага чиқиб туради. Битта бола қолгунча бу тартибдаги саноқ давом этади. Мана саноқ тугаб охирги бола ўртада қолди. Демак у зар қалпоқни топувчи.

Тартибга кўра барча болалар саф бўлиб тизиладилар. Қалпоқ топувчи бола эса улардан икки метрлар чамаси олдинда туради. Орқадаги болалардан бири зар қалпокни чопони қўйнига бекитади.

Топувчидан бошқа барча болалар:

*Топгин, топгин, зар қалпоқни топгин сен,*

*Топгин, топгин, зар қалпоқни топгин сен,*  
дека куйлаб ҳазил-мазах қиласидилар.

Айтим тугагач топувчи уларнинг ҳар бирининг кўзига тик қараб қалпоқ кимнинг қўйнида эканлигини топиши керак. Мана шу дақиқада ундан кишининг кўзига қараб безовтами-йўқми илғай билиши талаб этилади. Айтайлик топувчи зар қалпоқ кимда эканлигини ўзича тахмин қилди. Энди у:

*Топдим, топдим, зар қалпоқни топдим мен,*

*Топдим, топдим, зар қалпоқни топдим мен,*  
деб куйлаб ўйинга тушади. Ва қалпоқ кимда деб ўйлаган бўлса ўшанинг қўлидан тутади. Агар у тўғри топган бўлса ўрин алмашадилар. Мабодо зар қалпоқ бошқа боладан чиқса топишда адашган бола иштирокчиларнинг бирор-бир шартини бажаради. Шартда “сув келтири”, “мени опичлаб ҳовлида айлантири”, “исиб кетдим

еллиб қўй”, каби енгил талаблар қўйилади. Қолаверса, қалпокни тополмаган иштирокчига болалар ўzlари истаган турли шартларни айтиши мумкин. Шартлар гоҳо жисмоний, бундан ташқари адабий, маънавий томонлама ҳам бўлиши мумкин. Бу болалардаги кайфиятга боғлиқ. Аммо нима бўлганда ҳам қалпоқ тополмаган болани изза қилиш, уялтириш мумкин эмас.

Ўйиннинг аҳамияти шундаки у болаларда руҳиятни англаш, кишининг кўзига қараб ҳис қилиш каби қобилиятни ўстиради. Шунинг билан бирга шартларда қўшиқ, рақс, шеър айтиш, топишмоққа жавоб топиш каби талабларни бажариш асносида адабиёт, санъатни ўрганишига хисса қўшади. Ўйинда восита сифатида зар қалпоқ танланган. Уни болаларга бувиси, онаси ёки опа-сингиллари тикиб берса, янайм кўнгилли бўлади.

## *Қалпоқ отди*

*Қашқадарё вилояти Қамаши туманидаги Бойбўри  
қишилогидан ёзib олинди.*

Ўйин воситали турларга киради. Унда исталганча иштирокчи ва битта ўйинбоши бўлади. Ўйинбоши чўп билан ерга узун чизиқ тортади.

– Ана энди бошлаймиз. Ким биринчи бўлиб қалпоғини отади? – дейди ўртабоши.

– Мен отаман, – дейди бир бола.

– Қани бошладик, – дейди ўртабоши.

Иштирокчилар навбати билан чизиқ устида туриб қалпоғини узоқликка ирғитади. Ўйинбоши қалпоқ қаерга тушган бўлса отган боланинг қўлидан ушлаб ўша жойга олиб бориб қўйиб келади. Қолган болалар ҳам навбати билан қалпоғини отади ва ўз жойларини биринкетин эгаллайдилар. Мана охирги бола қалпоғини отди. Демак, ўйинбоши уни ҳам жойига элтгач кимнинг

ғолиб бўлгани аён бўлади-қолади. Яъни кимнинг қалпоғи энг узоқ масофага тушган бўлса ўша бола ғолибдир. Ўйин шартига қўра ғолиб бола бошқа иштирокчиларга бир қанча талаблар қўйиши мумкин.

Яъни “мени опичиб айлантир”, агар кун иссиғида ўйналса “эчки-бузоққа сув бер”, “помидор-бодринг тер”, “айрон тайёрла”, каби.

Бу ўйин ҳовлида, ток сўриси соясида, ҳатто қишки мавсумда ҳам ўйналиши мумкин. Ўйин воситали ўйинлар сирасига киради ва бу восита болалар қалпоғидир. Ўйиннинг аҳамиятли томони шундаки у болаларда илғор бўлишга интилишни тарбиялаб боради.

## **Чагалай**

*Нукус шаҳридан ёзиб олинди.*

Ўйинда ўн нафаргача бола ва ўйинбоши иштирок этади. Ерга тугиб ташланган белбоғ ташланади. Иштирокчилар ярим доира шаклида туриб оладилар ва қўлларини икки томонга кенг ёзиб:

*Оҳ, шагала, шагала  
Жорнинг бўйин жагала  
Сўнда катта болиқ бор  
Бўйининг чўзгин холиқ бор,*

дека қўшиқ айтадилар.

Иштирокчилардан бири қўлларини кенг ёзиб, дўстлари билан бирга қўшиқ айтганча белбоғ атрофида қуш мисоли айлана бошлайди. Мана қулай имконият пайдо бўлганини англагач оёқларини кериб, тиззаларини буқмай, белбоғ устига гуёки боши билан шунгийди. Шунғиши жараёнида худди чағалай қуш мисоли тумшуғи билан белбоғни – рамзий балиқни ола билиши керак. Мабода бу пайтда тиззалари букилиб кетса ёки йиқилиб тушса ҳаммаси қайтадан бошланади. Агар у бир уриниш-



да белбоғни қўлга киритса – демак ҳаёт, тирикчилик учун кураша олади.

Ўйин Амударё бўйида яшовчи қорақалпоқлар ҳаётида оммалашган бўлиб, чағалай қушларнинг болаларини овга тайёрлаши ҳақида ҳикоя қилади. У болаларнинг жисмоний соғлом бўлишига ҳисса қўшади, курашувчанликка ўргатади. Ундан ташкари боларда экологик маданиятни шакллантиради.

Бу ўйин ярим ҳаракатли ва воситали ўйиндир. Восита туғиб ташланган белбоғдир.

### **Чуррак**

*Андижон вилояти Олтинкўл туманидан ёзиб олинди.*

Ўйинда беш-олти нафар бола ва ўйинбоши иштирок этади. Аввало болалар дарахтнинг ингичка, узунлиги бир метр чамалик шохчаларидан ўн бир дона тайёрлаб оладилар. Шохчалардан бештаси кетма-кетлиқда, арқон шаклида ерга ташланади. Қолган бештаси ҳам худди шундай тартибда ташланиб, иккинчи арқон ҳосил қилинади. Эътибор қилаётган бўлсангиз узунлиги беш метр чамаси йўлак пайдо бўлди. Рамзий “арқон”лар оралиғи йигирма сантиметр бўлиши даркор. Йўлакнинг охирига ўн биринчи чўп ташлаб қўйилади.

Мана энди ўйин бошланади. Болалардан бири ингичка йўлакдан югуриб ўтгач ташлаб қўйилган ўн биринчи чўп олдига боради. Ўнг қўллари билан чап қулоқларини ушлаб, ярим энгашганча етти марта айланади. Ўйинбоши етти дегач бола йўлак ичидан қайтиб ўтиши керак.

Йўлакдан қайтиб ўтиш жараёнида боланинг жисмонан соғломлиги қўриқдан ўтади. Агар у йўлакдан қийналмай, югуриб ўтса соғлом. Мабода боши айланиб, кўнгли айниб, йиқилиб тушса у носоғлом ҳисобланади. Ва бу бола жисмоний ҳаракатини кўпайтириб, ўзини тиклаб олади.

“Чуррак” ўйини ўрдакларнинг ўз полопонини учишга ўргатиш жараёни ҳақидадир. Айланиш чоғи кўзи тинган ўрдак боласи ҳали учишга тайёр эмаслигини англатади. Уни эса онаси тайёрлайди. Ўйинларга қушлар, ҳайвонлар ҳаёти билан боғлик жараёнларнинг киритилиши инсон ва табиат ўртасидаги уйғунликни билдиради.

Бу ўйин ярим ҳаракатли ҳамда воситали ўйинлар сирасига киради. Воситалар – таёқларни болаларнинг ўзлари тайёрлаб оладилар.

## **Чўлоқ қарға**

*Самарқанд вилояти Ургут туманиндағы Соғус  
қишлоғидан ёзіб олинди.*

Ўйинда бешта бола ва битта ўйинбоши иштирок этади. Ўйинбоши қўлидаги халачўп билан тўғри чизик тортади. Иштирокчилар навбат билан чизик устида туриб, икки оёқда сакрайдилар. Ким қанча узоқликка сакраса ўша жойга унинг белгиси қўйилади. Ҳамма сакраб бўлгач энг қисқа масофага сакраган бола “чўлоқ қарға” бўлади. Демак бу шарт ҳаётда ҳам танбал, ҳаракати кам болалар орқада юришини эслатади. Энди ўйинбоши каттагина айланна доира чизади. “Чўлоқ қарға” эса доира ичига киради. У бир оёғини кўтариб доира ичидан тинмай сакраб туради. Бошқа иштирокчилар эса:

*Чўлоқ қарға чўлоқсан,  
Ёмонлигиндан мўлтоқсан,*

дея кўйлайдилар. Ва “чўлоқ қарға”ни ҳар томондан туртадилар. Ана шу пайт “чўлоқ қарға” чаққонлик билан улардан бирини ушлаб олиши керак. Шарт бўйича “чўлоқ қарға” фақат доира ичидан икки оёғини ерга кўйиш хуқуқига эга. Болаларни тутиш учун доирадан ташқарига чиқса албатта бир оёқда сакраб қувлаши

керак. Мабодо у доирадан ташқаридан ерга оёгини қўйса иштирокчилар шарт қўядилар. Шартлар хилма-хил бўлиб қўшиқ айтиб бериш, рақсга тушиш, бир оёқда сакраш, дўстларини опичлаб югуриш, хуллас ўйнаётган жойингиздаги шароит ва болаларнинг кайфиятига қараб берилган шартларни бажаради.

“Чўлоқ қарға” ўйини ҳаракатли ўйинлар сирасига кириб, болаларнинг жисмонан соғлом бўлишига ҳисса қўшади.

## **Чўлоқ қарға**

*Қашқадарё вилояти Китоб туманидан ёзib олинди.*

Бу ўйинда ҳам “чўлоқ қарға”ни шеър айтиш йўли билан танлайдилар. Ўртабоши барча болаларни йиғиб мана бундай шеър айтади:

*Айиқ чиқди ўрмондан,  
Кўлин олди кармондан.  
Гулми, асал оласан,  
Айт, ким билан қоласан?*

Демак, “қоласан” сўзи кимга тўғри келса у четга чиқиб туради. Охирида қолган иккита боладан қайси бирига шу сўз тўғри келса у четга чиқади, қолган бола эса “чўлоқ қарға” вазифасини бажаради.

Барча болаларнинг қулоғига ўйинбоши ўз рангини пичирлаб айтиб чиқади. Демак болалар турли ранглар, ўйинбоши “ранг сотувчи”, “чўлоқ қарға” эса “харидор”. Барча “ранг”лар ерга тизилиб ўтирадилар. Шу пайт оқсоқланиб “чўлоқ қарға” келади:

- Тўқ, тўқ?
- Кимсиз? – сўрайди “ранг сотувчи”.
- Мен “чўлоқ қарға”ман, – жавоб беради у.
- Сизга нима керак?
- Менга қизил “ранг” керак.

— Яхши. “Қизил ранг” бери кел, — чақиради “ранг сотувчи”.

“Қизил ранг” чиқиб келади. Энди у билан “чўлоқ қарға” ўртасида савол-жавоб боради:

- Кеча қаерда эдинг? – сўрайди “чўлоқ қарға”.
- Момомникида эдим, – жавоб беради “қизил ранг”.
- У ерда нима единг?
- Олма-анор едим.
- Менга нима учун келтирмадинг?
- Ҳоҳламадим, – дейди “қизил ранг”.
- Ҳап, сеними? – “чўлоқ қарға” “қизил ранг”га ҳамла қиласди.

“Қизил ранг” эса қочади. Ўйиннинг шарти шундаки “чўлоқ қарға” “ранг”ни қувлади. Белгиланган жойгача тутиб ололса “ранг”ни ўз “қўрғон”ига қамаб қўяди. Мабодо тутолмаса “ранг” ўйинда яна иштирок этаверади.

Бу ўйин воқеабанд, шунинг билан бирга ҳаракатли ўйинлар сирасига киради. У республикамиз вилоятларида турлича кўринишларда учрайди. Айрим вилоятларда, хусусан, Тошкент шаҳрида “ранг сотувчи” ҳар бир “ранг”га нарх белгилайди. У “чўлоқ қарға”дан рамзий пулни олгунча “ранг” қочади. Қолган шартлар айтарли бир хил. Бу ҳам бўлса ҳалқимизнинг ижодкорлиги, топогонлиги билан боғлиқдир.

“Чўлоқ қарға” ўйини болаларда ижодкорлик, ҳозиржавоблик, фаоллик каби хислатларни тарбиялайди.

## **Чўлоқ қарға**

*Тошкент шаҳридан ёзиб олинди.*

Бу ўйинда етти-саккиз нафар болалар иштирок этади. Улардан бири “ранг сотувчи”, иккинчиси “чўлоқ қарға”. Қолган болалар “ранг”лардир.



“Ранг сотувчи” ва “ранг”лар сўзлашиб турганда гўёки эшик тақиллади.

– Ким у? – деб сўрайди “ранг сотувчи”.

– Мен “чўлоқ қарға”ман, – жавоб беради “қарға”.

– Келинг, “чўлоқ қарға”. Сизга нима керак? – сўрайди “ранг сотувчи”.

– Менга қизил ранг керак, – дейди “чўлоқ қарға”.

– Бизда қизил ранг бор. Фақат у қимматроқ туради, – дейди “ранг сотувчи”.

– Қанча туради? – дейди “чўлоқ қарға”.

– Ўн беш минг, – нарх белгилайди “ранг сотувчи”.

– Оламан, – дейди “чўлоқ қарға”.

“Қарға” нархга рози бўлди. “Ранг сотувчи” кафтини очиб туради. “Чўлоқ қарға” эса унинг кафтига ўн беш марта шапатилайди. Бу вақтда қизил ранг узоқликка қочади. Уни барча ранглар олқишлиб-қўллаб турадилар. “Чўлоқ қарға” эса уни қувлайди. “Ранг” жон ҳолатда қочади. Агар ранг чақкон бўлса қочиб келиб, дўстлари қаторига қўшилади ва ўйинда давом этади. Мабодо уни “чўлоқ қарға” тутиб олса, майдон чеккасидаги рамзий “қўргон”ига қамаб қўяди.

Барча “ранг”лар “қарға”нинг қўргонига қамалгач, улар “қарға”га ялина бошлайдилар.

– “Қарғажон”, бизни қўйиб юбора қол, илтимос.

“Қарға” эса:

– Агар сиз соғлом бўлганингизда менинг қўлимга тушмас эдингиз. Шунинг учун жисмоний ҳаракат қилинг. Бугунча сизларни қўйиб юбораман. Аммо ҳар бирингизга шарт айтман. Розимисиз? – деб сўрайди.

– Айтақол, шартларингни бажарамиз, – дейди “ранг”лар.

“Чўлоқ қарға” уларнинг кучига, қувватига, имкониятига қараб турли шартлар айтади. Шартлар хилма хил бўлиб жисмонийгина бўлиб қолмай, адабиёт, санъат, турли фанлардан саволлар ҳам бўлиши мумкин.

Шартни бажарган “ранг” озод бўлади, бажара олмаганлар қайта-қайта ҳаракат қиласидилар. Ўйин ана шу ўзига хослиги билан болаларни ҳаракатчанликка, билимликка ундаиди.

Ўйин ана шу тариқа давом этади. У болаларнинг жисмонан соғлом бўлишига хисса қўшадиган, ҳаракатли ва воқеабанд ўйиндир.

## ***Касал эчки***

*Андижон вилояти Олтинкўл туманидан ёзид олинди.*

Ўйинда ўнта бола ва ўйинбоши иштирок этади. Болалар ўйинбоши томонидан икки гурӯҳга бўлинади. Масалан ўйинбоши:

— Мен барчангизни санайман. Кимга тоқ сон тўғри келса “Дўстлик” гурӯҳи, кимга жуфт сон тўғри келса “Баҳодирлар” гурӯҳи аъзоси бўлади, — дейиши мумкин.

Болалар ана шу тариқа икки жамоага бўлинадилар. Бешта бола битта жамоадир. Ҳар бир жамоа узунлиги йигирма беш сантиметр бўлган тўртта ингичка чўплардан тўртбурчак шаклида “қўргон” ясайдилар. Иккинчи жамоа ҳам худди шундай тартибда “қўргон”ини тайёрлайди. Энди жамоа аъзоларининг ҳар бири ўзи учун узунлиги бир метр чамалик қаттиқроқ новдадан таёқ тайёрлайдилар. Таёқнинг учи ингичка ва илмоқли бўлиши керак. Бу тайёр бўлгач эски-туски лахтакларни жамлаб ўн бир дона юмшоқ коптокчалар тайёрлайдилар. Коптокчаларнинг бештаси кўк, бештаси кора рангли бўлиб, улар рамзий “қўй”лардир. “Қўй”лар иккала жамоанинг “қўргон”ига бештадан берилади. Ўн биринчи копток эса қизил рангда бўлиши керак. Ана шу қизил рангдаги копток “касал эчки”дир.

Ҳар иккала жамоа икки тарафга новдадан тайёрланган “қўргон”ини жойлаштиради. Ўйинбоши эса болалар

тайёр бўлгач қизил коптокни осмонга отади. Иккала жамоа ҳам “касал эчки”ни рақиб жамоа қўрғонига қамаш учун ҳаракат қиласилар. Мабода бунга эришсалар рақибдан битта “кўй” ютиб оладилар. Ўйинда қайси “кўрғон”да соғлом “кўй”лар кўпайса ўша томон ғолибдир.

“Касал эчки” ўйини ярим воқеабанд бўлиб, ҳаракатли ва воситали ўйинлар сирасига киради. Воситалар – қўрғон учун тайёрланган дараҳт новдалари, қўлдаги таёклар ва лахтаклардан тайёрланган юмшоқ коптокчалар. Бу ўйин болаларда восита тайёрлаш ва мақсад сари интилиш кўникмасини оширади. Қолаверса, ўйин болаларда ўз она Ватани сарҳадларини химоя қилиш кўникмасини ҳам шакллантиради.

## **Эчки, унинг боласи ва бўрилар**

*Сиргали туманидаги Шоштепа маҳалласидан ёзиб олинди.*

Ўйинда саккизта бола иштирок этади. Уларнинг олтитаси бўри образида, биттаси она эчки ва яна бири унинг боласи ролини бажарадилар. Тасаввур қилинг “она эчки” ва “боласи” ўтлоқда юрган эди. Бирдан “бўри”ларнинг увлаши эшитилади.

– Ув, ув-в-в...

“Она эчки” дарҳол “боласи”ни ҳимоялашга ўтади. “Эчкича” ерга ўтириб олади.

– Сен қўркмагин. Менинг кучли эканлигимни, шохларим узун, тўёкларим зарби қаттиқлигини яхши билансан, – деб “она эчки” эчкича образидаги болага таскин беради.

– Онажон, барибир жуда қаттиқ қўрқяпман. Уларнинг кўплигини қаранг. Яна ҳаммаси очга ўхшайди, – дейди товушлари қалтираб “эчкича” образидаги бола.

“Она эчки” ва “боласи”нинг ҳудудига яқинлашганда “бўри”лар образидаги болалар яна даҳшат солиб увлаб қўядилар. “Она эчки” эса чор тарафдан ташла-наётган “бўри”ларга қарши курашади. “Бўри”лар образидаги болалар худдики бўридек тишларини ғижирлатиб, даҳшатли товушда овоз чиқариб қўлларини “эчкича” томон чўзадилар. Эчкича образидаги бола ҳам овозига кўркув тус берил марайди. Она эчки образидаги бола эса худдики шохлари узун эчкидек шохлари билан “бўри”ларга ҳамла қиласди. Ўйин давомида қайси “бўри”га “она эчки”нинг қўл ёки оёклари тегса ўша иштирокчи ўйиндан чиқади. Шу тариқа “она эчки” ўз худудини, остонасини ҳимоя қиласди. Агар у жанг давомида озгина лоқайд бўлса “бўри”лар “эчкича”ни қўлга туширадилар.

Бу ўйин воқеабанд ва ҳаракатли ўйин бўлиб болаларда ўз уйини, Ватанини ҳимоя қилиш каби юксак фазилатларни шакллантиради. Уни бемалол ҳовлида ҳам ўйнаса бўлади.

## ***Бўри, эчки ва унинг болалари***

*Қашқадарё вилояти Қамаши туманидаги Ғишили  
қишилогидан ёзил олинди.*

Бу ўйин воқеабанд ва ҳаракатли ўйинлар сирасига киради. Унда она эчки, унинг болалари ва бўри образлари мавжуд.

Ўйин учун кенг майдон талаб этилади. Унинг бир чеккасида “бўри”нинг “кўрғон”и жойлашган. Яна бир бурчагида эса болаларига интизор “она эчки” турибди.

– Болаларим, сизларни бағримга босгим келяпти. Мен томонга тезроқ келинглар. Фақат “бўри”дан эҳтиёт бўлинглар, – дейди она эчки образидаги иштирокчи.

— Онажон, биз ҳам сизни соғиндик. Аммо ёвуз “бўри”дан қўрқамиз. Сиз бизга мадад бериб туринг, — дейди эчкичалар образидаги болалар ва нолиш оҳангига маъраб қўядилар.

“Она эчки” ҳам уларга қараб маърайди. Шу пайт ўйин майдонида очкўз ва ёвуз “бўри” образидаги бола кўринади. У осмонга қараб қаттиқ увлайди.

— Хомхаёлни йигиштиринглар-р. Мен сизларни битта-битта тутиб “қўрғон”имга қамайман, — дейди “бўри” ва осмонга қараб увлайди.

“Эчкича”лар гўё унинг товушидан қўрқандек қаттиқ “маъраб” юборадилар. Нариги тарафда турган “она эчки” ҳам болаларига қараб “маърайди”. “Эчкича”лар жон ҳолатда “она”си томон интиладилар. Чаққон ва абжир “бўри” эса уларга йўл бермайди. “Эчкича”лар “бўри”нинг чангалига тушмаслик учун югурадилар. Улар ўйин қизиқ бўлиши учун маъраб югурадилар. Бўри образидаги бола эса қўрқинчли овоз чиқаради. Қочиш ва қувиш давом этади. Агар эчки образидаги болалар жисмонан бақувват бўлмасалар дарҳол “бўри”нинг чангалига тушиб қоладилар. Уларни “бўри” ўз “қўрғон”ига қамай бошлайди. Агар болалар жисмонан соғлом бўлсалар қийиб қочиб, “бўри”га тутқич бермай “она эчки” олдига етиб оладилар.

Ўйиннинг шарти шундаки бўри образидаги бола эчки образидаги болани то ушлаб олмагунча қувлади. Қолган “эчкича”лар эса сакраб, “маъраб” турадилар. “Бўри” болани тутиб “қўрғон”ига қамагач навбатдаги эчки образидаги болани қувади. Шу тариқа ўйин узок давом этади. Айрим соғлом, ҳар доим жисмоний ҳаракатда бўлган болалар “она эчки” олдига эсон-омон етиб оладилар.

Бу ўйин ҳаракатли ўйинлар сирасига кириб, уни ўйнаган болалар ўз соғликларини тиклаб борадилар.

## Оқсоқ бўри ва қўйлар

Сиргали туманидаги Шоштепа маҳалласидан ёзил олинди.

Бу ўйинда етти-саккиз нафар болалар иштирок этадилар. Тасаввур қилинг, бир гала “қўй”лар ўтлоқда юрган эди.

– Ох ўтларнинг майнлигини қаранглар, – дейди қўй образидаги болалардан бири.

– Ўтлоқнинг катталигини айтмайсизларми? Мазза қилиб қорнимизни тўйғазамиз, – дейди иккинчи қўй образидаги бола.

Бирдан узоқдан оч бўрининг увлаши эшитилди. Ҳозиргина роҳатланиб ўт чимдиётган “қўйлар” бир сакраб тушадилар.

– Бўри, оч бўри, – дейди улардан бири.

– Энди нима қиласиз? – дейди “ёш қўзичок”.

– Тезроқ қочиш керак, – дейди яна бир “қўй”.

Қўйлар образидаги болалар ҳуркандек ҳар томонга қочдилар.

– Ҳозир сизларни битта-битта тутиб ейман, – дейди оқсоқ бўри образидаги бола.

У шундай деб, гарчанд “оқсоқ” бўлишига қарамасдан “қўй”ларга шиддат билан хужум бошлайди. “Қўй”лар белгиланган жойнинг ўзида “бўри”га тутқич бермасликка ҳаракат қилиб қоча бошлайдилар. Фақат шарт шуки қўй образидаги болалар худуддан чиқиб кетмасликлари керак.

Бўри образидаги бола тез ва чақкон ҳаракат қилиб қўй образидаги болаларни тутиб олишга интилади. Қайси “қўй” тутилса уни доира шаклида чизилган “қўрғон”ига қамаб қўя бошлайди.

Ўйиннинг шарти шундан иборатки болалар белгиланган худуддан чиқмасликлари керак. Агар қайси



бала худуддан чиқиб кетса у “бўри” билан ўрин алмашади.

Бу ўйин ҳаракатли ва воқеабандлиги билан аҳамиятлидир. Ундаги ҳар бир иштирокчи ўз образини қойилмақом қилиб бажариши керак. Бу эса болаларнинг санъатга бўлган қизиқишлигини ҳам кучайтиради. Қолаверса, ҳаётда қоқилмаслик, енгилмаслик, жисмоний заиф бўлмаслик учун тинимсиз ҳаракат зарурлигини англатади.

### **Чўпон ва оқсоқ бўри**

*Қашқадарё вилояти Қамаши туманидаги  
Лангар қишлоғидан ёзиб олинди.*

Бу ўйин воқеага асосланади. Шу билан бирга унда воситалар ҳам иштирок этади. Қўй юнгидан тайёрланган коптокчалар қўйлар ҳисобланади. Унда чўпон ва оқсоқ бўри образлари мавжуд. Ўйин мана бу воқеага асосланади.

Кунлардан бир куни “чўпон” “қўй-қўзи”ларини ўтлоқда яйратиб юрган эди. У бир оз толиққач дам олмоқчи бўлди. Чопонини ўтлоққа ёзганча ёнбошлади. Ўзича ҳиргойи қилиб турганда сал нарироқдан оч “бўри”нинг увлаши эштилди. “Чўпон” дархол сергак тортди.

- Ҳой, ким у увлаётган? – сўради “чўпон”.
- Бу мен, оч “бўри”ман, – деб жавоб берди “бўри”.
- Сенга нима керак? – сўради “чўпон”.
- Менга “қўй”ларингни берасан, олди қиш, – деди оч “бўри”.
- Нималар деб валдираяпсан? “Қўй”лар элники. Уларни сенга беролмайман, – деди “чўпон”.
- Эй “чўпон”, менга бирор шарт айт. Агар шартингни бажарсам битта “қўй” меники, бажара олмасам ўз йўлимга кетаман, – деди “бўри”.

“Чўпон” бошини қашлаб ўйланиб қолди. Ва ниҳоят:

– Унда шартим мана бундай. Кўриб турибсан чап томон сайҳонлиқда “қўй”ларим ўтлаб юрибди. Агар мени чалғитиб ўша томонга ўта олсанг, барча “қўй”лар сеники, – деди чўпон.

– Жуда яхши. Унда бошладик, – деди “бўри” ва осмонга қараб увлаб қўйди.

Шундай қилиб рамзий маънодаги қўйлар, яъни юмшоқ коптоқчалар турган томонга бўри образидаги бола интилади. “Чўпон” эса уни ўша томонга ўтказмасликка ҳаракат қиласди. Агар бўри образидаги бола чаққон, чопқир, соғлом бўлса рамзий маънодаги қўйларни биринсирин қўлга киритади. Агар акси бўлса, ҳеч нарсага эга бўлмайди.

Бу ўйин воқеабанд, воситали шу билан бирга ҳаракатга асосланади. Восита чўпон таёғи ва латта-путта қийқимларидан тайёрланган юмшоқ коптоқчалар.

Ўйин болаларда актёрлик маҳоратини шакллантириб қолмай, мақсад сари интилишни ҳам тарбиялайди.

## *Қари бўри*

*Қашқадарё вилояти Қамаши туманидаги  
Лангар қишилогидан ёзиб олинди.*

Бу ўйинда ўн чоғлик болалар иштирок этади. Уни ўртабоши бошқариб боради. Аввало қари “бўри” образи учун болалардан бирини шеър айтиш йўли билан танланади. Ўртабоши:

*Қарри бўри, қайдасан?  
Қиши бошланди қайтасан?  
Куён уйига кетган,  
Кўзи тўйига кетган,*

деб кўшиқ айтади.

Кўшиқ матнидаги сўнгги сўз кимга тўғри келса у “қари бўри” образини бажаради. Бу бола ихраб, худди



касалманддек инқиллаб-синқиллаб келади-да, ерга чўзилиб ётиб олади. Бошқа болалар унинг кексалиги, касалмандлигини писанда қилгандек атрофига қийқириб, сакраб ўйинга тушадилар. Бирорлари қўшиқ айтади, кимдир мазза қилиб кулади. Хуллас, ўйинда иштирок этаётганлар завқланадилар. Аммо шу пайт болалар кекса деб ўйлаган “бўри” ўрнидан турганча, бор овози билан увлаб юборади. Ҳозиргина мазза қилиб ўйнаётган болалар қаттиқ қўрқувдан қичқириб юборадилар ва чор тарафга қочадилар. Қари бўри образидаги бола эса уларни қувлади. Қочаётганлар бор маҳоратини ишга солиб, гоҳ қийиб, гоҳо ён тараф қараб қоча бошлайдилар. “Қари бўри” эса болаларнинг ожизроғини танлайди. Болани ушлаб олгач, унинг қўлидан етаклаб ўртабошининг олдига олиб келади. Бу бола энди “қари бўри” образини бажаради. Ана шу тариқа ўйин узок давом этади.

Бу ўйин ҳаракатли ўйинлар сирасига кириб, болаларда чаққонлик, тезкорлик сифатларининг ошишига хисса қўшади.

### Ўйлаб топ

*Қашқадарё вилояти Қамаши тумани  
Баҳрин қишилогидан ёзиб олинди.*

Бу ўйинда ўнтacha ўғил бола иштирок этади. Уни ўртабоши бошқариб боради. Аввало болалар гир айлана бўлиб ўтириб оладилар. Ўйинда қайси мавзуни танлашни болаларнинг ўзлари ҳал қиласидилар.

– Болалар, ўйинда қайси мавзуни танлаб оламиз? – деб сўрайди ўртабоши.

– Шохли ҳайвонларни, – дейди болалар бараварига.

– Жуда яхши, – дейди ўртабоши. – Унда бошладик. Мен шохли ҳайвонларни санаганимда қарсак чалиб

олқишлиб турасиз. Чалғитиб шохсиз ҳайвонларни ҳам айтаман. Шунда ким олқишлиб юборса ўйиндан чиқади. Шохли ҳайвоннинг номини айтганимда ким олқишилашга кечикса, у ҳам ўйиндан чиқади.

Шундай деб ўртабоши шохли ҳайвонларни санай бошлади.

– Бошладик, бошладик. Диққат қилинглар, диққат хўқиз.

Болалар уни қарсак чалиб олқишилайдилар.

– Бошладик, бошладик. Диққат қилинглар, диққат қўчкор.

Болалар яна олқишилайдилар.

– Бошладик, бошладик. Диққат қилинглар, диққат сигир.

Болалар яна олқишилайдилар.

Шу тариқа ўртабоши уларни тўсатдан чалғитади.

– Бошладик, бошладик, диққат, диққат антилопа.

Мутлақо кутилмаган ҳайвоннинг номи айтилгани учун айрим болалар олқишлиб юборадилар. Ўйинбоши ана шу болаларни ўйиндан четлаштиради.

Ўйин ана шу тарзда давом этади. Лос, кийик, буғу, тоғ эчкиси каби шохли ҳайвонлар номи ҳам айтилади. Ўйиннинг қизиқ жиҳати шундаки, ўйинбоши болаларни чалғитиш учун туя, арслон, тулки, бўри, маймун, эчкиэмар каби шохсиз ҳайвонларнинг ҳам номини айтади. Қарсак чалиб юборган бола ўйиндан четлаштирилади.

Бу ўйин болаларни диққатни жамлашга, қарор чиқаришда аник, тезкор фикрлашга ўргатади. Қолаверса, ўйин болаларни ҳайвонот олами билан ҳам таништиради.



## Мўлжасал

Андижон вилояти Олтинкўл туманидан ёзib олинди.

Ўйин қадимги аждодларимизнинг овга тайёргарлик машқи ҳақида. Ўйинда ўнлаб болалар иштирок этиши мумкин. Иккита бола оқ матога чизилган ёввойи ҳайвон суратини ёйганча кўтариб туради. Ўйинбоши эса “кекса овчи” бўлиб ўйинни бошқариб боради.

– Қани “овчи”лар, қурол-яроғларингизни ҳозирланг,  
– дейди ўйинбоши.

Барча “овчи”лар латта-путталарнинг қийқимларидан тайёрланган юмшоқ коптоқчаларини тайёрлаб оладилар.

– Менинг коптогим пишиқ тайёрланган, – дейди болалардан бири.

– Менинг коптогим ҳам пишиқ, ҳам чиройли тайёрланган, – дейди иккинчи “овчи”.

Барча овчи образидаги болалар тайёр бўлгач ўйинбоши:

– Бошладик, – деб қўлини пастга туширади.

Иштирокчилар қўлларида биттадан юмшоқ коптоқчани тутганча ёввойи ҳайвон суратини кўтариб турган икки боланинг атрофида айлана бошлайдилар. Айланиш жараёнида қийқириб, бир оёқда сакраб худдики қадимги ов манзарасидек ҳолатни яратадилар. Ва қулай пайт келганда болалар навбати билан коптоқчани сурат томон отадилар. Коптоқни ёввойи ҳайвон сурати томон отаётган “овчи”лар сакрайдилар, югурадилар, қўллари ни баланд кўтарадилар, хуллас бевосита жисмоний тарбия машқларини бажарадилар. Ким ўз коптоқчаси билан матони мўлжалга олса, ўйинда иштирок этаверади. Кимнинг коптоқчаси суратга тегмаса, кекса “овчи” уни ўйиндан чиқаради.

– Сиз “ов”ни диққат билан кузатинг, – дейди унга.

Үйиндан четлатилган иштирокчи бир чеккада ўтириб мохир “овчи”ларнинг мўлжални қандай олаётганлигини кузатади. Мана ниҳоят ҳали “ов” ҳадисини олмаган айтарли барча иштирокчилар ўйиндан четластирилди. Охирида энг мохир “овчи” қолди. Демак у ғолиб бўлди.

Ушбу ўйин воқеабанд, воситали, шу билан бирга ҳаракатли ўйинлар сирасига киради. Восита саналган юмшоқ коптоқчалар ва ёввойи ҳайвон сурати чизилган матони йигитларга опа-сингиллари, оналари тайёрлаб беришса нур устига нур.

Ўйиндаги тинимсиз ҳаракат иштирокчиларнинг соғлом, бўйчан, иродали, тиришқоқ бўлиб вояга етишига замин яратади.

## *Ўрда ошиқ*

*Андижон вилояти Олтинқўл туманидан ёзib олинди.*

Бу ўйин ҳам аждодларимизнинг ов ўйинлари намойишидир. Унда олти нафар бола иштирок этади. Болалар узунлиги йигирма беш сантиметр келадиган тўртта новдани бир-бирига бирлаштириб ўрда тайёрлайдилар. “Ўрда” ичига ҳар бир бола бештадан ўз ёнғонини солади. Ҳар бир иштирокчи учун “ўрда”дан бир метр узоқликда ёғоч новда ташлаб қўйилган. Бу хавфли худуд, яъни ҳайвонлар билан овчи ўртасидаги тўсик деганидир. Ҳар бир бола ўз тўсиги ёнида ўтириб олади.

– Қани бошладик, – дейди ўйинбоши.

Унинг назорати билан болалар навбати билан қўлларидаги катта мол ошиғи билан ёнғоқларни мўлжалга олишади. Ошиқ текканда ёнғоқлар “ўрда”дан ташқарига учиб чика бошлайди. Кимнинг ошиғи мўлжалга аниқ тегса ўз-ўзидан унинг ёнғоқлари кўпая беради.

Эътибор қилган бўлсангиз бу ов манзарасидир. Овчилар ташлаб қўйган новдалар белгилангандан худуд.



Ундан ичкарига кирган овчини “ҳалокат” кутади. Ўрда ичидағи ёнғоқлар эса рамзий маънодаги “ёввойи ҳайвон”лардир. Уларни қанчалик моҳирлик ва абжирлик билан ов қилинса шунчалик қишига заҳира йифилади.

Бу ўйин болаларнинг мўлжалга аниқ олиш қобилиятини ўстиради. Шу билан бирга қадим аждодларимизнинг ҳаёт тарзи билан таништиради.

“Ўрда ошиқ” воситали ўйинлар сирасига ҳам киради. Ундаги восита мол ошиғи, ёнғоқлар, шунингдек, болалар ўз қўллари билан текислаб тайёрлаган хипчинлардир. Хипчинларни тайёрлаш болаларда меҳнатга муҳаббатни шакллантиради.

### *Соққа ошиқ*

*Бухоро вилояти Шоғиркон туманидан ёзид олинди.*

Бу ўйинда олти нафар бола иштирок этиб, уни ўйинбоши бошқариб боради. Ўйинбоши бўр ёки кўмир билан ерга узун чизик тортади. Чизиқнинг узунлиги бир метрдан зиёдроқ бўлиши керак. Чизик устига қатор қилиб саккизта ёнғоқ териб қўйилади. Бу ёнғоқларни ўйин иштирокчилари тикадилар. Шундан сўнг ўйинбоши бу чизиқнинг қарама-қарши томонига икки қадам ташлаб у ерга ҳам шундай чизик тортади. Бу чизиқни битта жамоа аъзолари, яъни иккита бола эгаллади. Ўйинбоши ёнғоқлар терилган чизиқдан икки метр тескари томонга одимлаб учинчи чизиқни чизади. Бу жойни рақиб жамоа аъзолари эгалладилар. Демак, тасаввур қилинг учта чизик кетма-кет чизилди. Хўш, ўйинни қайси томон бошлайди. Ўйинбоши қўлига кичик тошчани яшириб ҳар икки жамоанинг сардорини ёнига чакиради. Қайси сардор ўйинбошининг кафтидаги тошчани топа олса ўша тараф ўйинни бошлайди.

Ёнғоқларни мўлжалга олиш учун ҳар икки жамоада биттадан мол ошиғи бўлиши керак. Сардор ўз жамоаси

учун чизилган чизик устида туриб ёнғоқларни кўзлай бошлайди. Бу пайт уни жамоадошлари мана бундай тарзда қўллаб турадилар:

*Ур-ҳо, ур, сур-ҳо-сур,  
Ёнғоқларни кўзлаб тур.  
Ҳато қилманг Норқулбой,  
Ютиб олинг катта той.  
Ур-ҳо, ур, сур-ҳо-сур,  
Ёнғоқларни кўзлаб тур.*

Шундан сўнг ошиқ отиласди. Агар у мўлжалга тўғри тегиб, ёнғоқлар чизикдан узоққа сочилиб кетса улар шу жамоаники. Ва ўйинни улар яна давом эттирадилар. Мабодо мўлжал хато кетса ракиб томон ўйинни давом эттиради.

Дўстлари эса:

*Ур-ҳо, ур, сур-ҳо-сур,  
Ёнғоқларни кўзлаб тур.  
Диққат қилинг Омонбой,  
Сизникидир учқур той.  
Ур-ҳо, ур, сур-ҳо-сур,  
Ёнғоқларни кўзлаб тур.*

Бу ўйин аждодларимизнинг овдаги ҳатти-ҳаракатларини ифодалайди. Ўртага терилган ёнғоқлар ёввойи ҳайвонлар. Икки томонга тортилган тўғри чизиклар эса хавфли майдонни эслатувчи ихота чизиқлариdir. Ундан ичкарига кирган овчини ҳалокат кутган.

Бу ўйин воситали ўйинлар сирасига кириб, ундаги воситалар кичик тошча, ёнғоқлар ва ошиқдир. Ҳар бир бола ўйин учун мўлжалланган ошиқни ўзи истаган рангга бўяйди. Шу билан ўзининг эстетик дидини ҳам намойиш этади.

У болаларда мўлжални аниқ олиш техникасини ривожлантиради ва ҳаётда ҳалол бўлишга ўргатади. Уни bemalol ҳовлида, уй атрофларида ўйнаса бўлади.



## Ёнғоқ

Тошкент вилояти Чирчиқ шаҳридан ёзид олинди.

Ўйин учун болалар чуқурча ковладилар. У тайёр бўлгач ҳар бир бола чуқурчага биттадан ёнғоқ ташлайдилар. Кейин ҳар бир бола чуқурча ёнида туриб чўнтакларидаги захира ёнғоқларидан биттадан узоқликка отадилар. Кимнинг ёнғоги энг узоқ жойга тушса (албатта ҳаддан зиёд узоқлик эмас) у биринчи бўлиб чуқурча ичидаги ёнғоқлар, яъни “ёввойи ҳайвон”ларни мўлжалга олади. Иштирокчи мўлжални бехато олиб ёнғоғини чуқурчага тушира олса у ердаги тўпланган ёнғоқлар ўша боланикидир.

Колган болалар яна чуқурчага бир донадан ёнғоқ ташлайдилар. Ва юқорида айтилган тартиб бўйича ўйин давом этади.

Эътибор қилинг, қайсиdir иштирокчи навбати етиб келмагани учун мутлақо ёнғоқларидан айрилиши мумкин. Кимдир эса ўз қўйнини ёнғоққа тўлдира олиши ҳам мумкин. Демак, ҳар бир боланинг қандай ютуқ ёки мағлубиятга учраши ўзига боғлиқ. Мўлжални тўғри ололган, эътиборли бола ғолиб бўлади. Бу эса болаларда ўз устида ишлаш, ҳаракатни кучайтиришига сабаб бўлади.

Бу ўйин ҳам бизга тарихда бўлиб ўтган овчилик давридан қолган ёдгорликдир. Эътибор қилган бўлсангиз чуқурча ичидаги ёнғоқлар “ёввойи ҳайвон”лар. Ёнғоқ ташлаётганлар эса “овчи”лардир. Овда ким моҳир ва зукко бўлса, бошқа нарсага чалғимаса ғалаба ўшаники. Бу ўйин ана шу жиҳатлари билан ҳам тарбиявий аҳамиятга эга.

Қолаверса, у болаларда меҳнатга муҳаббатни ҳам тарбиялайди. Чунки болалар ўйин учун танлаган ёнғоқларини турли рангларга бўяйдилар. Бу билан ўзлари-

нинг эстетик дидини ҳам намойиш этадилар. Ўйин учун чуқурча кавлаш ҳам болаларда меҳнатга муносабатни шакллантиради.

## ***Тўрт тош***

*Тошкент шаҳридан ёзиб олинди.*

Ўйинда беш нафар бола иштирок этади. Улардан бири ўйинбоши. Қолган тўрт нафар бола эса “овчи”лар. Уларнинг ҳар бирида тўрттадан тош бўлиши керак.

Болалар ўйинбоши назоратида чуқурча ковладилар. Чуқурча тайёр бўлди. Энди ўйинбоши чуқурчадан уч қадам ташлайди ва ўша жойга таёқ ташлаб қўяди.

Ҳар бир иштирокчи чуқурчага тўрттала тошини бир вактда ташлайди. Ким чуқурчага тўртта тошини тушира олса у “саркарда”. Учта тошини тушира олган бола “суворий”. Иккита ва битта тош тушира олган бола “улов”лардир. “Улов”лар “саркарда” ва “суворий”ни елкаларига опичлаб айлантириб келади ёки бўлмасам айтилган шартларни бажаради, – дейди ўйинбоши.

Болалар ғирромлик қилмасдан, таёқдан ичкарига ўтмасдан навбати билан тошларини чуқурча томонга иргитади.

Ўйинбоши, иштирокчилар ва ўйинни томоша қилиб турган болалар ўзаро келишиб “улов”ларга шарт айтадилар.

– Менинг шартим “улов”лар муздайгина сув олиб келсин, – дейди “саркарда” ва “суворий”.

Агар болалар истасалар шартлар учун жисмоний талабларни қўядилар. Бунда улов образидаги болалар, икки оёқда сакраш, бир оёқда ҳаккалаш, умбалоқ отиш, ўтириб-туриш кабиларни бажаради. Чуқурчага тош отишда моҳирлик кўрсата олмаган икки бола барча шартларни бажаради. Ўйин ана шу тариқа давом этади.



У болаларда мўлжални аниқ олиш маҳоратини шакллантиради.

## *Ганг*

*Қашқадарё вилояти Қамаши туманидаги Баҳрин  
қишилогидан ёзиб олинди.*

Ўйин воситали ва ҳаракатли ўйинлар сирасига киради. Унда беш нафар бола иштирок этади. Улардан бири ўртабоши вазифасини бажаради. У ўйинда ғиромлик бўлмаслигига ҳаракат қиласи. Ўйинда ёнғоқ ва тошлар воситадир. Ҳар бир иштирокчида бештадан ёнғоқ бўлиши керак.

Ўртабоши аввал катта айланана чизади. Унинг ичига кичик айланана ҳам чизади. Кичик айлананинг ичига тўртта иштирокчи келтирган йигирмата ёнғоқни қўяди. Ва айланадан уч қадам санаб таёқ ёрдамида ерга чизик чизади. Ва иштирокчиларни чизик ёнига чорлайди. Болалар навбати билан чизиққа оёқ қўйганча қўлларидаги тош билан айланана ичидан турган ёнғоқларни мўлжалга олиши керак. Мўлжаллаб отилган тош ёнғоқларга тегиб, ёнғоқлар айланадан чиқиб кетса, иштирокчи бола уларни қўлга киритади. Демак, отилган тоши қанчалик ёнғоққа кўп тегса, иштирокчи шунча кўп ёнғоқни қўлга киритади. Ким мўлжални тўғри ололмаса, иштирокчилар томонидан айтилган шартни бажаради. Шартлар болаларнинг кайфияти, ҳавонинг иссиқ ёки салқинлигига қараб турлича бўлади. Улар жисмоний, маънавий ёки турли фанлардан саволлар ҳам бўлиши мумкин. Барча шартлар мағлуб бола томонидан бажарилади. Шу билан у ўзининг бошқа имкониятини намойиш этади. Ўйиннинг тартибига кўра мағлуб бола барча айтилган шартларни бажаргач қайтадан болалар навбати билан тош отадилар. Навбатдан ортиқча тош отиш мумкин эмас.

Бу ўйин болаларда мўлжални аниқ олиш маҳоратини тоблайди уларда жамоавийликни шакллантиради.

### ***Toш отар***

*Самарқанд вилояти Ургут туманидан ёзиб олинди.*

Ўйинда саккиз нафар бола иштирок этади. Кўпчиликнинг талаби билан битта бола ўртабоши бўлади. У кўлидаги таёқ билан ерга чизик чизади. Ўйинни ким бошлиши ўйинбошининг ижодкорлигига боғлиқ. У болалар ўртасида саноқ ўтказиши мумкин.

– Болалар ҳозир сизларни навбати билан санайман. Саноқдаги охирги жуфт сон кимга тўғри келса, ўйинни ўша бошлайди, – деб эълон қилади.

Мана саноқ ўтказилди. Айтайлик Каримга сўнгги жуфт сон тўғри келди. У ўртабоши томонидан чизилган чизик устида туриб тошини узоққа отади. Иштирокчи болалардан қайси бири истаса, ўртабоши билан келишиб биринчи бола отган тошни ўзининг тоши билан мўлжалга олади. Агар тошни силжитолса, биринчи тошнинг эгаси уни опичлаб айлантиради. Мабодо тошни силжита олмаса мағлуб бўлган бола Каримни опичлаб айлантириб келади.

Ўйин ана шу тариқа давом этади. У ўғил болаларнинг жисмонан бақувват бўлишига ёрдам беради.

### ***Tўп отар***

*Булунгур туманидан ёзиб олинди.*

Ўйинда ўн нафар бола иштирок этади. Восита эса тўп, яъни копток. Ўртабоши ҳар бир болага бирор-бир шаҳарнинг номини қўйиб чиқади. Барча иштирокчилар бир чизик устида саф тортиб турадилар. Ўртабоши улардан ўн метрча узоқликда туради. Ва кўлидаги коптокни осмонга отиб:



– Қарши, – деб қичкиради.

Қайси болага шу шаҳар номи берилган бўлса у югуриб келиб коптокни тутиб олиши керак. Унгача барча иштирокчилар тарқалиб қочадилар. “Қарши” номидаги бола коптокни тутиб олган заҳоти:

– Тўхта, – деб буюради.

Барча болалар таққа тўхтайдилар. “Қарши” номидаги бола исталған болага қараб:

– Бухоро, сенгача беш қадам, – дейди.

Қолган болалар уни олқишлиб турадилар. “Қарши” номидаги бола эса турган жойидан “Бухоро” номини олган болага қараб қадам ташлайди. Агар унинг қадами бешта қадамдан кам ёки кўп чиқса болаларнинг шартларини бажаради. Шартлар турлича бўлиб болаларнинг кайфияти, ўйин ўйналаётган жойнинг табиатига қараб белгиланади. У қандай шарт айтмасин хато қилган иштирокчи бажаришга мажбур.

Ўйин ана шу тариқа давом этади. У болаларда тезкорлик ва аниқ мўлжалга олиш хусусиятини шакллантиради.

## *Қармоқча*

*Бухоро вилояти Шоғиркон туманидан ёзib олинди.*

Бу ўйинда беш-олти нафар бола ва битта ўртабоши иштирок этади. Ўйин учун бир ёки бир ярим метр чамалик ингичка арқон ва қипиқ тўлдирилган кичик қопча керак бўлади. Қопчани оналар тикиб берсалар янада яхши. Унинг катта-кичиклиги энига ва бўйига йигирма сантиметрдан ошмаслиги керак. Фақат уни тикишда пишиқ-пухта бўлиш талаб этилади. Чунки қопчага қипиқ тўлдирилгач, у ёрилиб кетиши мумкин. Қипиқ тўлдирилган қопча арқоннинг учига яхшилаб тикилади. У рамзий маънодаги “қармоқ”дир.

“Қармоқча” ўйини балиқ ови манзарасидир. Хүш, “овчи” қандай танланади? Ўйинбоши адолат нүктаи назаридан мана бундай шеър ўқийди:

*Кўлга олинг қармоқча,  
Қармоқчада балиқча.  
Балиқчани тутволинг,  
Эрта тонгдан шомгача.  
Қармоқча ҳо, қармоқча,  
Қармоқ тўла балиқча.*

Демак, сўнгти “балиқча” сўзи тўғри келган болалар бирин-сирин четга чиқиб туради. Охирида қолган иккита боланинг қайси бирига “балиқча” сўзи тўғри келса у четга чиқади, қолган бола эса овчи ролини бажаради. Хўш, “ов” қандай ўтказилади? Аввало болалар гир айлана бўлиб турадилар. “Овчи” эса ўртага ярим чўк тушиб туради. Энди болалар бараварига қўшиқ куйладилар:

*Балиқчамиз балиқжон,  
Бизни тутинг овчижон.  
Тута олмай қолсангиз,  
Бизлар қочамиз чаққон.*

Улар шундай деб турган жойларида икки оёқлаб сакрайдилар. “Овчи” эса ингичка арқоннинг учига бойланган “қармоқ”чани болаларнинг оёғи остида ер бағирлатиб айлантираверади. Болалар тиним билмай сакраб турадилар. Сакраш вақти “қармоқча” кимнинг оёғига уралиб қолса у “овчи” вазифасини бажаради.

– Қани “балиқ”жон, “қармоқ”қа тушдингиз. Энди ўрин алмашамиз, – дейди овчи образидаги бола.

– Биз розимиз. Овчи бўлсак овчи-да, – дейди сакраш чоғи хатоликка йўл қўйган бола.

Бу ўйин ярим воқеабанд, воситали ва ҳаракатли ўйиндир. Воқеабандлиги бу ерда овчи ва балиқлар образлари мавжуд. Воситалар эса ингичка арқон ва

қипик тўлдирилган қопча. У болаларнинг соғлигини тиклашга, ҳаракатларини фаоллаштиришга хизмат қиласди. Шу билан бирга қопчани буви, она ёки опасингилларнинг тикиб бериши ўзаро меҳр-муҳаббатни ҳам юксалтиради.

## *Кулоқ чўзма*

*Бухоро вилояти Шоғиркон туманидан ёзиб олинди*

Ўғил болалар ўйинлари орасида ҳаракатли турлари талайгинаидир. Улар болаларни жисмонан бақувват бўлишига ҳисса қўшади.

“Кулоқ чўзма” ўйини ана шулар жумласига киради. Бу ўйин ҳаракатли бўлиш билан бирга воситали ҳам саналади. Ўйинда восита сифатида тош тугилган рўмолнчадан фойдаланилади.

Ўйинни даврабоши бошқариб боради. У аввало ерга узун чизиқ тортади. Чизиқ устида туриб тош тугилган рўмолнчани узоққа ирғитади. Айрим жойларда бундай пайт қўшиқ ҳам кўйлайдилар:

*Чўзма, чўзма, чўзма-ё,  
Кулогимни чўзма-ё.  
Кулогим оғрийди-ё,  
Тагин уни узма-ё...*

Болалар қўшиқ остида рўмолнча томонга югурадилар. Рўмолнчани ким қўлга киритса, жон-жаҳди билан даврабошига элтиб беришга ҳаракат қиласди. Аммо бунга иштирокчилар йўл қўймайдилар. Улар жон ҳолатда рўмолнчани қўлга киритган боланинг қулоғидан чўза бошлайдилар. Қулоғи орғиган бола рўмолнчани узоқроққа ирғитиб юборади ва болалар уни қўйиб юборадилар. Ана шу тариқа ким рўмолнчани даврабошига элтиб бермоқчи бўлса, қулоқ чўзиш синовига дош бера олиши керак.

Узоқ давом этадиган қочиш, қувищдан сўнг ниҳоят болалардан кимдир рўмолчани даврабоши белгилаган жойга элтиб беради. Даврабоши ғолибга:

– Шартингни айт, Азизжон, – дейди.

Азизжон болаларга ўзига ёқсан шартни айтади. Шартлар турлича бўлиб, жисмоний, маънавий, адабиёт ёки санъатдан бўлиши мумкин. Улар қандай бўлмасин болалар ўзаро келишиб бажарадилар. Ўйин ана шу тариқа узоқ давом этади.

“Кулоқ чўзма” ўйини ҳаракатли ва воситали ўйинлар сирасига киради. Восита бу тош тугилган рўмолча. Ўйин давомида болаларнинг тинимсиз югуриши эса ҳаракатдир. Ўйин иштирокчиларнинг жисмоний қуввати ошишига, маънан юксалишига, билмаганларини билиб олишига ҳисса кўшади.

## ***Чертмак***

*Тошкент шаҳридан ёзib олинди.*

Ўйинда ўғил болалар икки жамоага бўлинади. Ҳар бир жамоанинг ўз ўртабошиси бор. Улар ўйинда ҳалолликни назорат қилиб туради. Энди икки гуруҳ иштирокчилари бир-бирларига қараганча ўтириб оладилар. Уларнинг орасидаги масофа узоқлиги уч, тўрт метр чамаси бўлади. Биринчи жамоа ўртабошиси рақиб жамоадан бирорта боланинг кўзини қўллари билан маҳкам бекитади, ўз жамоасидан бирорта болани имлаб чақиради. Чақирилган бола секин қадам ташлаб келиб кўзи бекитилган боланинг бошига чертади. У ўз жойига бориб ўтиргач, барча болалар:

*Чертмак, чертмак,  
Тополмасанг эрмак,*

деб куйлаб турадилар.

Ана энди кўзи очилган иштирокчи диққат билан рақиб жамоа аъзоларини кузатади. Ва уни ким черт-



ганини топишга ҳаракат қиласи. Агар тополмаса, рақиб жамоага қўшиб олинади. Ўйинда ким чертганини шивирлаб айтиш мумкин эмас. Агар ким бу тартибни бузса ўйиндан четлаштирилади.

Ана шу тартибда ўйин давом этади. Ўйин якунланганда қайси жамоада иштирокчи кўпайган бўлса, ана шу жамоа ғолиб ҳисобланади. Рақиб жамоа эса уларнинг айтган шартларини бажаради.

Ўйин болаларда зийраклик хусусиятини шакллантиради.

### *Гулдир-гуп*

*Самарқанд вилояти Булунғур туманидан ёзиб олинди.*

Ўйинда ўн бир нафар бола иштирок этади. Уни ўйинбоши бошқариб боради. Болалар teng иккига бўлиниб, икки гурухни ташкил қиласидилар. Барча болалар ўтириб олгач ўйинбоши:

– Гулдир гуп, ўрага сичқон тушди. Ўйинни Рустамнинг жамоаси бошлайди, – дейди ўртабоши.

Жамоа сардори Рустам эса бирорта ҳазилкаш болага имо-ишора қиласи.

– Онови, Байман қишлоқлик Нортожи бор-ку, – дейди унинг гурухидан бирорта бола.

Ўзлари кутмаган ҳолда рақиб жамоа аъзолари унга ағрайиб қараб турадилар. Гап ташлаган бола эса худди нон чайнаётгандек оғзини кулгили қимирлатиб туради. Бола ўз қиёфасини турли куйга солиб қийшайтиради. Рақиб жамоа аъзоларидан бирортаси унинг бу қиликларига чидолмай кулиб юборади.

– Ана сен кулиб юбординг Ашур. Энди бизнинг жамоага ўтасан, – дейди Рустам.

Ашур ноилож Рустамнинг гурухига қўшилади. Энди навбат Жалолнинг гурухига келди. Жалол ҳам бирорта қизиқчироқ болага изн беради.

– Бизарди қишлоқда Тиркаш деган учта одам бор. Биттасининг трактири бор, биттасининг ҳовлисига шафтоли қўп экилган, биттаси ҳар доим пиёда юради. Уларни бир-биридан ажратиш учун ҳар хил лақаблар қўйилган. Масалан, Трактир Тиркаш, Шафтоли Тиркаш, Пиёда Тиркаш деб, – дейди Жалолнинг жамоадоши.

Унинг бу гапига нариги гурухдан кимдир албатта кулиб юборади. Жамоа сардори Жалол ўша кулган болани ўзининг сафига қўшиб олади.

Ўйин ана шундай давом этади. Ҳар икки гурухнинг болалари рақиб жамоа болаларини имо-ишоралар, турли қиликлар қўрсатиб кулдиришга, гапиртиришга ҳаракат қиласди. Ўйин сўнгиди қайси жамоада иштирокчилар кўпайган бўлса, ўша жамоа ғолибдир. Ютқизган жамоа ғолиб жамоанинг айтган шартларини бажаради. Бу шартлар турлича бўлиб, болалар ўз кайфиятларига кўра айтадилар.

Бу ўйин болаларда ўзини тутиш маданиятини оширади.

## ***Жуфтпар***

*Тошкент шаҳридан ёзиб олинди.*

Бу ўйин қадимдан чўпон-чўлиқлар, подачилар томонидан ўйналган. Подачилар қирда мол-хол боқиб зерикади. Шундан ҳам қўй-қўзилардан узокқа кетмай ўйналган. “Тўп”, “Податўпи”, “Жуфтпар” ўйинлари молбоқар, қўйчивон ва подачиларнинг кашфиёти саналади.

Ўйин учун қўй терисидан кесиб олиниб, унга кўрғошин маҳкамланади. Жутфпарни болалар турли ҳаракатлар билан ўнг оёқда тепадилар. Бу ҳаракатлар шу даражада мураккабки, бунинг учун болалардан



жисмоний қувват талаб қилинади. Ўйин ўғил болаларнинг ҳаракатли ҳамда воситали ўйинлари сирасига киради. Тепиши учун қўй терисидан тайёрланган жуфтпар воситадир. Ҳаракатлилиги эса ўйин давомида болалар тиним билмай ҳаракатланадилар.

У болаларда уддабурронлик, чаққонлик хислатларини шакллантиради.

## **Жойингни топ**

*Тошкент шаҳри Сиргали туманидаги  
Шоштепа маҳалласидан ёзib олинди.*

Ўйинда бешта бола иштирок этади. Улар энг аввало эни, бўйи беш метр келадиган тўртбурчак чизиб оладилар. Тўртбурчак ичига қоровулни танлаш учун ўртабоши қўйидаги тартибда саноқ ўтказади:

*Onno, ҳонно, пиши.  
Onno, ҳонно, пиши.*

Кимга “пиш” сўзи тўғри келса, бир чеккага чиқа бошлайди. Охирги қолған бола ўйин “қоровул”идир. Энди тўртта бола тўртта бурчакни эгаллайди. “Қоровул” эса тўртбурчак ўртасида туради. Энди болалар бараварига:

*Onno, ҳонно, пиши,  
Onno, ҳонно, пиши,*

деб қўшиқ куйлайдилар.

Қўшиқ куйланаётганда “қоровул” зийрак туриши керак. Чунки тўртта бурчакни эгаллаган иштирокчилар қўшиқ айтиш давомида бир-бирлари билан ўрин алмашдилар. Бу алмасиши шу даражада тез бўладики, “қоровул” ундан-да чаққон бўлиб, бирорта бурчакни эгаллаши керак. Агар “қоровул” чиндан ҳам чаққон бўлса, ўртада кўп сарсон бўлмайди. Агар у ҳаракати танбал ёки бошқа иштирокчиларни кузата олиш

қобилияти паст бўлса, узоқ вақтгача “қоровул” бўлиб қолиб кетади.

Ўйин ҳаракатли ўйинлар сирасига киради. Гарчанд чизилган майдон унчалик катта бўлмаса-да болалар ўйин давомида тиним билмай ҳаракат қиласидилар. Шу билан ўзларининг соғлиқларини мустаҳкамлаб борадилар.

## Ҳайкал

*Наманган вилояти Янгиқўргон туманидан ёзил олинди.*

Ўйинда ўнтача бола иштирок этади. Ундаги қувловчини аниқлаш учун турлича тарзда саноқ ўтказилади. Ўйинбоши:

*Қани энди осмондан тушиб,  
Асли сенинг калланг бўши,*

каби кулгили сўзлар билан болаларни санайди. “Бўш” сўзи кимга тўғри келса, бир чеккага чиқиб туради. Энг охирида қолган бола “қоровул”дир. У барча болалар ўйинга тайёр бўлгач:

*Ҳамма бола ал,  
Қимирлаган кал,*

дейиши билан барча болалар қандай турган бўлса, шун дайлигича қотиб қолади. Эътибор қилинг, қайсиdir бола бир оёғини ердан узиб, қайси бири қўлларини олдинга чўзиб, яна бири гўёки чой узатаётган киши бўлиб ҳайкалдек қотиб қолган. “Қоровул” уларнинг атрофида айланиб юради, турли қилиқлар билан уларни кулдиришга ҳаракат қиласиди.

— Мен Наримон кал бўламан. Бошимда яна битта қуёш бор. Ишонмасанг мана қара, — деган кулгили гаплар айтиб “қоровул” хар бир боланинг олдига боради.

Аммо болалар тошдек қотиб тураверадилар. Агар улардан бирортасининг юзида табассум пайдо бўлса, у ўша заҳоти қочишга тушади. “Қоровул” эса уни қув-

лайди. Қочаётган бола ўйиндаги бошқа дўстлари салдам олиши учун узоқроққа қочади. Бу вактда ўйиндаги бошқа иштирокчилар ўтириб, ҳатто ўтлоққа бир озётиб дам олишлари ҳам мумкин. Мабодо “қоровул” қочаётган болани белгиланган ҳудудда тутиб олса, ўрин алмашадилар.

Айтайлик, барча болалар қилт этмай қотиб туриди, “қоровул”нинг гаплари уларни қулдирмаяпти. Шундай пайт “қоровул” нари кетганда болалар унинг кўзини шамғалат қилиб ҳаракатларини ўзгартириб олишлари мумкин. Фақат бунга “қоровул”нинг кўзи тушмаслиги керак. Мабодо у кўриб қолса, ҳалиги бола белгиланган томон қочади. “Қоровул” уни манзилгача тутиб олса, ўша бола билан ўрин алмашадилар. Мабодо “қоровул” кувлаб тутолмаса, бола яна “ҳайкал” бўлиб ўйинда иштирок этаверади.

Бу ўйин болаларнинг жисмонан соғлом бўлишига ҳиссадор бўлибгина қолмай, актёрлик қобилиятларининг ўсишига ҳам ёрдам беради. Чунки бирор олдингга келиб турли “хунар”лар кўрсатиб турганда кулмаслик, ўзини тута билиш катта маҳорат талаб қиласди. Демак, бу болаларга санъатдан ҳам сабоқ беради.

## *Подшо-вазир*

*Қашқадарё вилояти Қамаши туманидаги  
Бадаҳишон қишилогидан ёзиб олинди.*

Бу ўйинда беш нафар бола иштирок этади. Улардан бири ўйинбоши вазифасини бажаради.

– Қани, болалар “Подшо-вазир” ўйинини бошлаймизми?

– Бошлаймиз.

– Бўлмаса, биринчи бўлиб “подшо”ни аниқлаб оламиз. Мана бу топишмоқнинг жавобини ким топса,

ўша подшо бўлади. “Тап-тап этади, тагидан каврон ўтади”. Жавобини ким айтади?

Болалар жавоб топиш учун ҳаракат қиласилар:

– Қор, – дейди бири.

– Нотўғри.

Қисқаси, болаларнинг ҳар турли жавоблари эшитилади. Ниҳоят улардан бири тўғри жавобни айтади.

– Элак.

– Жуда тўғри. Демак, сен ўйинда “подшо”сан. Энди Вазирни аниклаймиз. “Тег десанг тегмайди, тегма десанг тегади”. Топинглар, – дейди ўртабоши.

Қайси бола топишмоққа жавоб топса, у ўйин давомида “вазир” бўлади. Шу тариқа миршаб ва ўғри образлари ижрочилари ҳам аниқланади.

Шундан сўнг ўйин бошланади. Ўйин майдонида “подшо” билан “вазир” суҳбатлашиб турадилар. Шу пайт “миршаб” “ўғри”нинг қўлидан маҳкам ушлаб уларнинг олдига олиб келади.

– Подшоҳи олам, мана бу нобакор ўғрини тутдим, – дейди у образга кириб.

– Менинг мамлакатимда ким бундай ишга қўл урди? Айт-чи, “миршаб” у нимани ўғирлабди?

“Миршаб” жавоб беради:

– Ўтинчининг нон пули учун жамлаган ўтинини ўғирлабди. Айтинг, “подшоҳим” бунга не жазо кўрамиз?

“Подшо” бир пас ўйланиб туради. Ва “вазир”дан сўрайди:

– Хўш, “вазир” жаноблари, “ўғри”га нима жазо қўллаймиз?

“Вазир” ҳам образга кириб жавоб беради:

– “Ўғри” ўтинчининг ўтинини битта чўпига ҳам хиёнат қиласилади. Кечирим сўрасин. Ва бир оёқда ҳаккалаб шаҳар айлансин, – дейди у.



“Подшо”га бу қарор маъқул келади. “Миршаб” эса фармоннинг бажарилишини назорат килади.

Воқеага асосланган бу ўйин давомида мана шу тартиб давом этади. Болалар галма-гал образларини алмаштириб турадилар.

“Подшо-вазир” ўйинининг аҳамиятли томони шундаки, энг аввало болалар топишмоқقا жавоб топиш орқали ўз зеҳнларини чархлаб борадилар. Образларга кириш орқали актёрлик маҳоратларини оширадилар. Образларни бажариш жамиятда инсон сифатида шаклланишларига ёрдам беради. Берилган бир неча дақиқалик имконият чоғида болаларнинг феъл-атвори, тарбияси ҳам назоратдан ўтади. Бу ўйин болаларда адолатли бўлиш ҳиссини ҳам тарбиялайди. Шу билан бирга “ӯғри”га берилган жазода кўпроқ жисмоний ҳаракатлар акс этади. Бу эса болаларнинг ҳар томонлама соғлом бўлишига ҳисса қўшади.

## *Подшо-вазир*

*Самарқанд вилояти Ургут туманидан ёзил олинди.*

Бу ўйинда ҳам беш нафар бола иштирок этади. Ўйин учун тўртта тош, чуқурча ковлаш учун таёқ керак бўлади, холос. Энг аввало ўртабоши болалар ёрдамида чуқурча ковлайди. Чуқурча тайёр бўлгач икки қадам нарироқда чизик тортилади. Болалар навбати билан ана шу чизикда туриб, қўлларидағи тўрут дона тошни чуқурчага қараб отадилар. Шарт шуки, тошни отиш чоғи бола ярим эгилиб туриши керак. Мана биринчи бола тошларни отди. Унинг ҳар тўртта тоши чуқурчага тушди. Демак, у “подшо”. Навбатдаги бола учта тошни чуқурчага туширди. Демак, у “вазир”. Ўйинда иккита тоши тушган бола от, битта тоши тушган бола эшак образини бажаради.

Ўйинбоши ҳар бир боланинг нечта тоши чуқурчага тушганини ва унинг образини баланд овозда эълон қилиб боради. Мана ҳар бир боланинг бажарадиган образи аниқ бўлди. Демак, подшо образидаги болани От образидаги бола опичлаб айлантириб келади. Вазир образидаги болани эса Эшак образидаги бола опичлаб айлантириб келади.

Бу ўйин ярим воқеабанд, шу билан бирга воситали, ҳаракатли ўйинлар сирасига киради. Ўйинда асосий воситалар тўрт дона тош ва таёқчадир. Ҳаракатлилиги шундаки, кичик образларни бажараётганлар “подшо” ва “вазир”нинг кўрсатмасига биноан турли жисмоний шартларни ҳам бажаришлари мумкин.

Ўйиннинг аҳамиятли томони, у болаларда мўлжални аниқ олиш қобилиятини шакллантириб боради.

## *Подшо-вазир*

*Самарқанд вилояти Булунғур туманидан ёзib олинди.*

Ўйинда тўққиз нафар бола иштирок этади. Улардан бири одамбошилик вазифасини бажаради. У мавқеига кўра “подшоҳ” вазифасидаги шахсадир. “Подшоҳ” болалардан истаганига:

– Курбақа бўл, – деб топшириқ беради.

Бола “подшоҳ” томонга “курбақа” бўлиб сакраб кела бошлайди.

“Подшоҳ” болага:

– Тўхта, – дейди.

Подшоҳ бошқа болага қараб:

– Кумурсқадай бўлиб тўрт қадам, – дейди.

Иккинчи бола қумурсқадай бўлиб тўрт қадам юради. Шу тариқа “подшоҳ” барча болаларга бирор-бир ҳашорат ёки ҳайвон сингари юришни топширади. Ана шу тариқа барча болалар “подшоҳ” томон унинг бўйруғига кўра интиладилар. Иштирокчилардан ким бири-



чи бўлиб “подшоҳ” олдига етиб келса, у “подшоҳ” билан ўрин алмашади.

Бу ўйин болаларда зийракликни оширади.

### **Яхши ота**

*Қашқадарё вилояти Қамаши туманидаги Бадаҳишон қишилогидан ёзиб олинди.*

Бу ўйин воқеага асосланади. Унда иккита – ота ва бола образлари бор.

Ота образидаги иштирокчи тол хивичдан тайёрланган отини мингандча кириб келади. Берироқда фарзанд образини бажарадиган иштирокчи уни кузатиб туради.

– Ассалому алайкум, отажон. Яхши келдингизми? Хуржунингизни менга беринг, – дейди фарзанд образидаги бола.

– Ваалайкум ассалом, ўғлим. Ўзинг яхши ўтирибсанми? Мана хуржунни илиб қўй. Кейин менга яхтайгина чалоп олиб кел, – дейди “ота”.

Фарзанд образидаги бола югуриб нари боради-да, гўёки косада яхтаккина чалоп келтиради. “Ота” хам худди уни мириқиб ичгандек бўлади.

– Баракалла, ўғлим, катта йигит бўлгин, – алқайди “ота” “ўғли”ни.

“Ўғил” сал тисарилиб қараб туради.

– Хўш, ўғлим бугун нима ишлар қилдинг? Онангга ёрдам бердингми? Қандай китоблар ўқидинг? – деб сўрайди “ота”.

Ўғил саволларга тўлиқ жавоб беради.

– Тарихдан беш баҳо олдим. Ўқитувчим “отангга раҳмат”, деди. Дарсларимни тайёрлаб бўлиб ҳовлидаги помидор-бодрингга сув қуйдим. Сабзини хам ўтаб қўйдим. Кейин ўтириб китоб ўқидим, – дейди бола.

Ўйиннинг давомида бола қайси асарни ўқигани, ундаги воқеаларни “ота”сига сўзлаб беради. “Ота” эса

“үғли”та турли саволлар беради. “Бола” “ота”сининг барча саволларига жавоб беради.

— Ўғлим, катта бўлганимда тарих ўқитувчиси бўламан дейсан. Ўқитувчи қандай бўлиши керак? – сўрайди “ота”.

Бола жавоб беради:

– Ўқитувчи билимли, тартиб-интизомли, катталарни хурмат қиласидан бўлиши керак. Бундан кейин ҳамма нарсадан хабардор бўлиши, ўқувчиларнинг ҳамма саволларига тўлиқ жавоб бера олиши керак, – жавоб беради “ўғил”.

“Ота” “ўғил”нинг гапларига қўшимча қиласиди:

– Ўқитувчи кузатувчан, синчков ҳам бўлиши керак, “ўғлим”. Ота-онасини хурмат қилиши, ана шу томони билан атрофидагиларга ўрнак ҳам бўлиши керак, – дейди “ота”.

Шу тариқа ота ва ўғил образидаги бола ўртасида узоқ вақт сухбат бўлади. Ўйин давомида отанинг бола жавобини тўлдириб бориши, унинг интилишлари билан қизиқиши акс этади. Ана шу жараёнда “ота”нинг фазилатли инсон эканлигини англаш мумкин.

Ўйин бир неча вариантда ўйналади. Бу вариантда ота боланинг билимига қизиқса, бошқа вариантда уни меҳнатга ўргатади. Вариантларни болалар ўз кузатувлари асосида ўзгартириб боради.

Бу ўйин ўғил болаларни ҳаётга тайёрлаши билан аҳамиятлидир.

## ***Ташлама таёқ***

*Қашқадарё вилояти Шаҳрисабз шаҳридан ёзиб олинди.*

Ўйинда етти-саккиз нафар болалар иштирок этадилар. Ўйинни ўйинбоши бошқариб боради. У энг аввало ҳар бир болага рақам белгилаб чиқади. Ва қўлидаги бир метр узунликдаги таёгини ушлаганча ўртада туриб



олади. Болалар бир-бирларининг қўлларидан ушлаганча шеър айтиб унинг атрофида айланана бошлайдилар.

Болалар:

*Ташлама таёқ, ташлама,  
Бир балони бошлама.  
Бир балони бошлаб сен,  
Кўнглилизни гашлама.*

Шеър тугаши билан болалар диққатларини жамқилиб ўртабошидан кўзларини узмай айланана бошлайдилар. Ўртабоши:

– Диққат, саккиз – дейди-да, таёқни қўлидан ташлаб юборади.

Сон айтилиши билан саккиз рақами белгиланган бола жон ҳолатда таёқни тутиб қолишга интилади. Агар бола таёқнинг қулашига йўл қўймай тутиб қолса, у ўйинда иштирок этаверади. Мабодо ушлашга улгурмай, таёқ қулаб тушса, ўйинбошининг шартини бажаришга мажбур. Ўйинбоши ҳоҳласа ўзи, ҳоҳласа болалар билан келишиб болага шарт айтади. Ўйин қаерда, қандай шароитда, қандай об-ҳавода ўйналаётганига қараб шартлар айтилади. Масалан, “сув келтир”, “чой дамла”, “мени опичлаб айлантир”, каби. Агар болалар кўй боқиб юриб ўйнаётган бўлса:

– Бор, қўйларимни қайтариб кел, – каби шарт айтилади.

Шартни қабул қилган бола эса албатта уни бажариши керак.

Бу ўйинни эрталабдан кечгача ўйнаса бўлади. Ўйинда восита сифатида таёқ ишлатилади. У ярим ҳаракатли ўйинлар сирасига киради. Аҳамиятли томони эса болаларда чаққонлик, абжирлик каби қатор хусусиятларни тарбиялайди. Ўйинни нафақат ҳовлида балки кенгликларда, қир-адирларда ҳам ўйнаса бўлади.

## Қадама таёқ

Тошкент вилояти Чирчиқ шаҳридан ёзib олинди.

Ўйинда беш-ўн нафар бола иштирок этади.

Ўртабоши барча болалар жам бўлгач ўртага чизик тортади. Болалар чизик устида туриб ўз қўлларидағи узунлиги бир метр келадиган таёқни бошлари устида баланд кўтарганча, орқага улоқтирадилар.

Назоратчи бўлган ўртабоши ҳар бир боланинг таёғи қанча узоқликка тушганини қўлидаги қоғозга ёзиб боради. Барча болалар таёқларини улоқтиргач кимнинг таёғи энг яқин масофага тушгани маълум бўлади. Демак, ана шу бола ўйинда тўлиқ иштирок этолмайди. Яъни унинг таёғи ўйинбоши томонидан ерга қоқиб кўйилади.

Бошқа болалар бу ердан ўн беш метр узоқликда чизилган чизик устида туриб ўз таёқлари билан қоқилган таёқни мўлжалга оладилар. Ким мўлжални аниқ олса, яъни ерга қоқилган таёқни қулатса, олқишлиядилар. Таёғи қоқилган бола эса жазо сифатида қулаб тушган таёқни яна қайтадан ўрнаштириш билан ўйин охиригача шуғулланади.

Бу ўйин чўпон-чўликлар, подачилар, молбоқарлар ўйини бўлиб мўлжални аниқ олишга ўргатади. Чўпонлар ҳаётига, отарга ҳамиша бўрилар рахна солиб турганлигидан “Қадама таёқ” ўйини табиий равишда кашф этилган. Ўйинни кенгликларда ўйнаса бўлади. Албатта бунда хавфсизликка риоя қилишни унутмаслик керак.



## Таёқ тенди

Тошкент шаҳри Сирғали туманидан ёзид олинди.

Ўйинда етти нафар бола иштирок этади. Улардан бири ўйинбоши вазифасини бажаради. Қолган болалар уч кишидан иборат икки гурухга бўлинадилар.

Ўртабоши каттагина айланана чизади. Айлананинг ўртасига эса узунлиги бир метрча келадиган таёқни яхшилаб ўрнаштирадилар. Ўйинни қайси гуруҳ бошлиши ўйинбошининг топқирлигига боғлиқ. У исталган топшириқни бериб буни аниқлай олса бўлади.

Мана биринчи гуруҳ ўйин бошлайдиган бўлди. Бу гуруҳнинг аъзоларидан бири айланана ичига кириб таёқни қўриқлай бошлайди. Рақиб гуруҳ аъзолари жон ҳолатда таёқни тепиб қулатишга ҳаракат қиласадилар. Таёқни қуриқлаётган бола эса бунга қўллари ва оёқлари ёрдамида йўл қўймаслиги керак. Мана, айтайлик таёқ тепиб йиқитилди. Ўртабоши ўйиннинг неча дақиқада тугаганлигини белгилаб қўяди. Демак, таёқни қуриқлаш нариги гурухга топширилади. То таёқ тепиб йиқитилгунча ҳаракат давом этади. Таёқ йиқитилгач ўртабоши қанча вақт сарфланганини ўлчайди. Ва қайси гуруҳ таёқни қисқа фурсатда йиқита олган бўлса, уни ғолиб деб эълон қиласади. Мағлуб гуруҳ ғолиб гуруҳнинг айтган барча шартларини бажарадилар. Шартлар ўйин ўйналаётган вазиятга қараб танланади. Айтайлик, кирда ўйналаётган бўлса, “чорвани боқиб кел”, “қўйларга сув бер”, каби.

Бу ўйин ҳаракатли ҳамда воситали ўйинлар сирасига киради. Восита сифатида биргина таёқ ишлатилади. Ўйинда тинимсиз жисмоний ҳаракат бажарилади. Бу эса болаларнинг соғлигини мустаҳкамлайди.

## Таёқлар жсанги

Жиззах вилояти Фории туманидан ёзib олинди.

Үйинда уч нафар бола иштирок этади. Улардан бири ўртабоши. Қолган иккитаси эса “жангчи”.

Энг аввало үйин учун узунлиги бир ярим метр келадиган иккита таёқ танлаб олинади. Таёқлар қалиндан ўрта ва силлик бўлиши керак. Иккита бола ана шу таёқлари ёрдамида кураш санъатини намойиш этадилар. Яъни рақибни фақат таёқ ёрдамида енгишга ҳаракат қиласидилар. Таёқларни бир-бирига тақаб кимнинг кучли эканлигини билиб оладилар. Кучли бола мувозанатини сақлай олади. Кучсиз бола эса мувозанатини йўқотади. Үйинни кузатсангиз унда миллий кураш, самбо, дзюдонинг элементлари қоришганлигини сезасиз. Шуни унутмаслик керакки, үйин давомида болалар бир-бирларини таёқ билан урмайдилар. Рақибнинг жароҳат олишига ҳам йўл қўймайдилар.

Бу үйин жуда кўхна ва қадимийдир. Қадимда отабоболаримиз ўз остоналарини ёвдан таёқ ёрдамида асраганлар. Кейинчалик, Амир Темур ҳам ўз жангчиларининг маҳоратини таёқлар ёрдамида ошириб борган. Бу үйин жанг санъатига ҳам киради.

Үйин жисмоний ҳаракатга асосланган. Шу билан бирга воситали үйин саналади. Ундаги асосий восита саналган таёқларни болаларнинг ўзлари тайёрлаб оладилар.

## Податўни

Самарқанд вилояти Булунғур туманидан ёзib олинди.

Бу үйинда ўнга яқин болалар иштирок этади. Үйин воситали, ярим ҳаракатли үйинлар сирасига киради. Унда восита сифатида чўпон таёқлари ва қўй юнгидан

тайёрланган юмшоқ копток керак бўлади. Ҳар бир бола ўзи учун бир метрдан ошиқрок узунликдаги таёқ тайёрлаб олади. Таёқ дараҳтнинг пастроқ томонидаги шохидан тайёрланиб, аввало пўсти шилиб ташланади. Энди болалар қўй юнгини йиғиб коптокча ясайдилар. Ва ўйин белгиланган ҳудудда чуқурча кавлайдилар.

Ўйинни ўртабоши бошқариб боради. У:

– Қани, болалар келинглар “Пода тўпи” ўйнаймиз,  
– деб дўстларини ўртага чорлайди.

Болалар баланд овозда кўшиқ куйладилар:

*Тўп тайёр пода тўпга,*

*Пода тўпга.*

*Кел берманга кел,*

*Кел берманга кел.*

Шундан сўнг ўртабоши тўпни осмонга ўйнатиб-ўйнатиб ерга ташлайди. Барча болалар мана бундай кўшиқ айтиб, қўлларидағи таёқ билан тўпни белгиланган манзилга қаратиб юмалата бошлайдилар.

*Говмишимиз тўллагидан тўп ясайин,*  
*тўп ясайин,*

*Шойи ипдан чатиб-чатиб тўр босайин,*  
*тўр босайин.*

*Ерга урсам тўп-тўп этиб ўчиб кетсин,*  
*ўчиб кетсин,*

*Осмондаги ойномони қучиб келсин,*  
*қучиб келсин.*

*Тўп тайёр пода тўпга, пода тўпга,*

*Тўп тайёр пода тўпга, пода тўпга.*

*Кел, навбатга кел, кел, навбатга кел,*

*Тол таёқ, толман таёқ,*

*Эга, эга, эга бошини еган,*

*Хут қуйруқ, қулоги жиийриқ,*

*Беши эчки боққан, чорвасини боққан,*

*Ола ўтов тиккан, оқ қўйруқ ошаган,*

*Минглар яшаган, ҳай...  
 Күрага кирма подачи,  
 Поданг берроқ ҳайды-чи.  
 Ҳайдамайман подамни,  
 Югиртирма одамни,  
 Күрата кирма подачи,  
 Подангни берироқ ҳайды-чи.  
 Эпчил бўлсанг қўрамиз,  
 Бир қайтариб ҳайды-чи.  
 Кўрага кирма подачи,  
 Подангни берроқ ҳайдачи,  
 Гир-р-р, ҳай...*

Энди болалар навбати билан тўпни таёқлари билан туртиб юмалата бошлайдилар. Болалар тўпни юмала-тишда худуддан чиқиб кетишига йўл қўймаслиги керак. Ниҳоят, иштирокчилардан бири тўпчани думалатиб чуқурчага киритади. Ана шу бола ғолиб саналади. Навбатдаги ўйинда у ўртабошилик қиласиди.

### **Ўн икки чўп**

*Тошкент шаҳар Сирғали тумани  
 Шоштепа маҳалласидан ёзib олинди.*

Ўйинда ўн бир нафар бола иштирок этади. Уни ўртабоши бошқариб боради. У болалар ўртасида шеър айтиб саноқ ўтказади.

*Афил-дафил доминон,  
 Ўртага тушиб Омон.*

Қайси болага “Омон” атамаси тўғри келса, у чеккага чиқади. Ва шеър токи иккита бола қолгунча айтилаверади. Мана ниҳоят иккита бола қолди. Шеър яна қайтадан айтилади. Ва улардан қайси бирига “Омон” атамаси тўғри келса, у чеккага чиқади ва қолган бола чўпларни қўриқловчи бўлади.

Болалар бир хил катталиқда узунлиги йигирма сантиметрлик ўн иккита чўп тайёрлаб оладилар. Ва яна бир дона бир метр узунлиқдаги чўпни тайёрлайдилар. Чўпларнинг пўсти шилиниб, текис ҳолатга келтирилади. Мана барча воситалар тайёрлаб олинди. Энди ўртача катталиқдаги тошни чизилган айлана ичига жойлаштирадилар. Тош устига бир метр узунлиқдаги чўп ташлаб қўйилади. Қолган ўн иккита чўп эса унинг устига ўрнатилади.

Мана қўриқчи ўз жойини эгаллади. Яъни у чўпларни ташки хужумдан ҳимоя қилиши керак. У оёқларини кериб олганча кичик айлана ичида тинимсиз ҳаракат килади. Қолган болалар эса уни чалғитишга уринадилар.

Ана шу тариқа ўртада тинимсиз ҳаракат юзага келади. Қўриқчи жонҳолатда чўпларни ҳимоя қиласиди. Ҳимоя чоғи унинг қўли кимга тегса, ўша бола ўйиндан чиқади.

Болалар эса қандай бўлмасин қўриқчини чалғитиб узун чўпни оёқлари билан тепишга ҳаракат қиласидилар. Айтайлик, мана битта бола чўпни тепди. Унинг устига қўйилган ўн иккита чўп ҳар томонга сочилиб кетди. Қўриқчи айлананинг ичига ҳеч кимни киритмасликка ва шу билан бирга сочилган чўпларни яна ўз жойига қўйишга улгuriши керак. У бир вақтнинг ўзида ҳам айланани ҳимоя қиласиди, ҳам чўпларни тўплайди. Агар ўйин иштирокчиларидан бирортаси айлана ичига кириб олса, демак у қўриқчи бўлади.

Ўйин болаларни тезкор ҳаракат қилишга ўргатади. Бундан ташқари у болаларни жамоа бўлиб бирор нарса тайёрлашга, яъни меҳнатга ўргатади.

## Чиллак

Қашқадарё вилояти Қамаши туманиндағи Ғиштли қишилогидан ёзіб олинди.

Үйинде беш-олти нафар болалар иштирок этади. Уни үйинбоши назорат қилиб боради.

Үйин учун кенг майдон талаб этилади. Болалар узунынги ярим метрлик кичик таёқ ва кичикроқ чўп тайёрлаб оладилар. Таёқ ва чўп тез синиб кетмаслиги учун тол шохидан тайёрлайдилар. Шундан сўнг чуқурча ковладилар. Чуқурчанинг устига кичик чўп ташлаб қўйилади. Иштирокчи қўлидаги кичик таёқ билан чўпнинг бир томонини мўлжаллаб уради. Чўп узоқликка отилиб кетади. Уни белгиланган бола тутиб олиши керак. Агар тутиб ололмаса, болаларнинг шартини бажаради. Айрим вилоятларда чўпни тутиб олган боладан сўрайдилар:

- Чуқурчагача неча қадам?
- Ўн беш қадам, – деб тахминан жавоб беради чўпни ушлаб олган бола.
- Унда сананг, – дейди болалар.

Бола қўлидаги чўпни ушлаб чуқурчагача қадамлаб санаб келади. Агар саноқ ўн бешдан ошса, у шарт бажаради.

Болалар унга узоқликдан “зувиллаб кел”, “бир оёқда сакраб кел”, “икки оёқда ҳаккалаб кел”, “қурбақадек юриб кел” каби исталган шартни айтишлари мумкин.

Үйин ана шу тариқа узоқ давом этади. У болаларнинг жисмонан соғлом бўлишларига ҳисса қўшади. “Чиллак” харакатли ҳамда воситали үйин турига киради. Үйинде восита сифатида чўплар ишлатилади.



## Чўнка-шувоқ

Жиззах вилояти Фориш туманидан ёзиб олинди.

Бу ўйинда тўққиз нафар болалар иштирок этишади. Энг аввало улар ўзларига ўртабоши танлаб оладилар. Ўртабоши ўйин давомидаadolатни назорат қилиб боради. Қолган болалар икки гурухга бўлинадилар. Ўртабоши қайси гурухнинг ўйин бошлишини турли хил шарт орқали аниқлаши мумкин. Кўпинча, ўртабоши қўлларига тош беркитиб сардорларнинг топишини талаб қиласди. Қайси гурух сардори тошни топса, ўша томон ўйин бошлайди. Демак, ўйинни ким бошлиши аниқланди. Энди болалар ерга каттагина айланана чизадилар. Айлананинг ўртасига эса чўнка, яъни йўғон таёқни ўрнатадилар. Шу атрофда ўсадиган шувоқ ўсимлигидан териб келишиб ип ёрдамида чўнкага боғлайдилар. Ўйинни бошлиётган гурухнинг битта аъзоси чўнка-шувоқни рақиб гуруҳдан ҳимоя қилиши керак. У чўнкага узунлиги икки метр келадиган арқонни боғлаб олганча унинг атрофида тинмай айланаб, қоровуллик қиласди. Шувоқни олишга интилаётган рақиб гурух аъзоларидан қайси бирига “қоровул”нинг қўли ёки оёғи тегиб кетса ўша бола ўйиндан чиқади.

Мана битта бола ўйиндан чиқди. Демак, рақиб жамоанинг кучи биттага камайди. Аммо барибир болалар ғалаба сари интилаверадилар. Улар “қоровул”нинг кўзини шамғалат қилиб олган шувоқларини ўртабошига олиб келиб берадилар.

Ўртабоши бу шувоқни эҳтиётлаб сақлаб туриши керак. Мана чўнкага боғланган шувоқ тугади. Шунда ўртабоши вақтни белгилаб қўяди.

Энди иккинчи гурух шувоқ учун жанг олиб борадилар. Ўйин юқоридаги тартибда давом этади. Фақат ким ғолиб бўлганини гурухларнинг белгиланган вақт даво-

мида қанча шувоқни қўлга киритганига қараб аниқла-  
нади. Ғолиб гурухни мағлуб бўлган гурух от бўлиб  
айлантириши, турли шартларини бажариши керак.

Ўйиннинг аҳамиятли томони шундаки, болалар  
тинимсиз жисмоний ҳаракатда бўладилар. Бу билан ўз  
соғликларини тиклаб оладилар. Ўйинда восита сифа-  
тида чўнка, шувоқ, арқон ва айланана чизиш учун тош  
керак бўлади. Бу ўйинни исталган жойда ўйнаса  
бўлади.

## **Чўпон таёқ**

*Жиззах вилоятининг Фории туманидан ёзиб олинди.*

Ўйинда беш нафар бола иштирок этади. Восита  
сифатида тўртта болада биттадан таёқ, битта болада  
конток бўлиши керак. Ана энди жой тайёрланади.  
Бунинг учун ҳар бир бурчак ораси беш метрдан бўлган  
тўғри тўртбурчак тайёрланади. Ҳар бир бурчакда белги  
сифатида белбоғ ташлаб қўйилади.

Тўртта бола тўрт бурчакни эгаллайди. Улар чаққон-  
лик билан жойларини алмаштириб турадилар. Ўртада  
турган чўпон эса болаларнинг ўз бурчагини алмашти-  
риш жараёнида контоги билан ўзига қулай болани  
мўлжалга олади. Бола эса қўлидаги таёғи билан кон-  
токни қайтариши, ўзига тегмаслигига ҳаракат қилиши  
керак.

Агар чўпоннинг контоги қайси болага тегса, улар  
ўрин алмашадилар. Болалар чаққон бўлиб чўпоннинг  
контогидан қоча олса, ўйин узоқ давом этади.

Бу ўйин воситали ва ҳаракатли ўйинлар сирасига  
киради. У болаларда тезкорлик, чаққонлик каби сифат-  
ларни шакллантиради. Ўйинда восита сифатида битта  
конток, тўртта таёқ ва белбоғлардан фойдаланилади.



## Қоровул

Самарқанд вилояти Ургут туманидан ёзиб олинди.

Ўйинда етти нафар бола иштирок этади. Уларни ўйинбоши бошқариб боради. Болалар таёқ ёрдамида каттагина айлана чизадилар. У энг аввало мана бу тартибда саноқ ўтказади.

– Бир, икки, уч, пуч.

Қайси болага “пуч” сўзи тўғри келса, ўйинбоши уни айлана ичига етаклаб олиб бориб қўяди. Саноқ яна давом этади. “Пуч” сўзи тўғри келган учта бола айлана ичига киргач ўйинбошининг кўрсатмасига биноан, тик турган куйи бошларини ерга эгиб, қўллари билан бир-бирларини ушлаб, занжир ҳолатида турадилар. Энди ўртабоши коровул образини бажаради. Болаларнинг мустаҳкам жойлашганини кўрган “қоровул” қўлидаги таёғи билан учлик атрофида айлана бошлайди.

Айлана ташқарисида қолган уч нафар бола эса “коровул”нинг қўлига тушмасдан тик турган жонли “учбурчак” устига сакрайдилар. Яъни болалардан бирининг елкасига миниб оладилар. Агар сакраётган болалардан қайси бирига “қоровул”нинг қўли тегиб кетса ўша бола ўйиндан четлаштирилади. Демак, мана битта бола жонли “учбурчак” устида. Энди “қоровул” унинг оёқлари ердан қанча баландда турганини қўлидаги таёғи ёрдамида ўлчайди. Агар боланинг оёғи таёқ узунлигидан кўра ерга яқинроқ турган бўлса, ўйиндан четлаштирилади. Мабодо оёғини баландроқда ушлаб турган бўлса, унда ўйинда иштирок этаверади. Айтайлик, “учбурчак” устида ўтирган бола пастга тушмоқчи. У қандай тушиши керак? Шарт шуки, бола оёқларини чўзганча айлана ташқарисига сакраб тушиши керак. Мабодо айлана ичига тушиб қолса, шартлар орқали жазоланади. Шартларда турли жисмоний ҳаракатлар

бажариш, “қоровул”нинг барча топшириқларини бажариш керак бўлади.

Бу ўйин болаларнинг жисмоний томондан бақувват бўлишларига ҳисса қўшади. Шунингдек, у воситали ўйинлар сирасига киради. Восита сифатида таёқ тайёрланади.

## **Хамир-патир**

*Тошкент вилояти Паркент тумани  
Суқоқ қишилогидан ёзиб олинди.*

Ўйинда исталганча бола иштирок этиши мумкин. Аввало уни адолатли бошқариб бориш учун ўртабоши танланади. У саноқ ўтказади.

– Бир, икки, уч, пуч.

Кимга “пуч” чўзи тўғри келса, четга чиқиб туради. Мана охирида иккита бола қолди. Саноқ давомида улардан қайси бирига “пуч” сўзи тўғри келса у четга чиқади. Қолган бола эса жонли харрак вазифасини бажаради. Яъни қўллари билан тиззаларини ушлаб, ярим эгилиб туради.

Ўйиннинг шартига кўра ўйинбоши эълон қилади:

– Хамир!

Демак, болалар жонли харрак устидан сакраб ўтаётуб қўллари билан унинг елкасига хамир муштлаётган-дек ҳаракатни кўрсатиши ва шу билан бирга “хамир” деб овоз чиқариб сакрашлари керак. Агар қайси бола “хамир муштлаш” ҳаракатини қўллари билан ифодалай олмаса ёки “хамир” сўзини айтишни унутса, жонли харракка шерик бўлади. Энди “харрак” узайиб боради.

Энди ўйинбоши шартни ўзгартиради:

– Санчқи!

Демак, болалар тирноқларини жонли “харрак” елкасига санчиб ўта бошлайдилар. Ва шу билан бирга

ҳар бир бола сакраётиб “санчқи” сўзини айтиб ўтади. Ким талабни унутса, жонли “харрак” ёнига энгашиб туриб олади. Жонли “харрак” эса узайиб кетаверади. Шу тариқа, айтарли барча болалар жонли “харрак”ка айланадилар. Ўйин охиригача харраклардан сакраб ўтолган бола голиб саналади.

Энди ўйинбоши:

– Қани голиб, болаларга қандай шарт айтасиз? – деб сўрайди.

Голиб ўзи истаган шартни болаларга айтади. Болалар у айтган барча шартларни бажарадилар.

### *Оқ суяк*

*Сурхондарё вилояти Бойсун туманидан ёзиб олинди.*

Ўйинда фақат ўғил болалар иштирок этадилар. Уларнинг неча киши бўлишининг аҳамияти йўқ.

Ўртабоши иштирокчиларнинг тескари қараб ўтиришини назорат қиласиди. Барча болалар суяк отиладиган томонга тескари бўлиб ўтириб олгач ўйин бошланади.

Ўйинбоши:

– Хўш, болалар ўйинни бошлаймизми? – деб сўрайди.

– Бошлаймиз, – жавоб беради болалар.

– Мана, қўлимда молнинг катта суяги. Уни қирга қараб отайми?

Болалар баравар жавоб берадилар:

– Йўқ, йўқ.

– Жарга қараб отайми?

Иштирокчилар қичқирадилар:

– Йўқ, йўқ.

Ўртабоши эса уларнинг сабрини синашда давом этади.

– Ойга қараб отайми?



– Йўқ, йўқ.  
 Ўртабоши яна сўрайди:  
 – Сойга қараб отайми?  
 Болалар қичқирадилар:  
 – Ҳа-а-а-а...  
 Иштирокчилар бошларини ерга эгиб турадилар.  
 Ўйинбоши:  
 – Мана, сойга суякни отдим. Қани излаймиз! – деб  
 қичқиради.

Шундан сўнггина болалар ўзларига тескари томонга отилган суякни излаб югуриб кетадилар. Ўйиннинг яна бир шарти борки, суякни топган бола уни ўртабошига эсон-омон етказиб ҳам келиши керак. Бошқа иштирокчилар суякни олиб қўйиш учун болани қувладилар. Бола эса бор чаққонлигини ишга солиб суякни ўйинбошига келтириб бериши керак.

Бу ўйин ҳаракатли ва воситали ўйинлар сирасига киради. Шу билан бирга болаларда сезгириликни ҳам юксалтиради. Чунки болалар суякнинг қаерга тушганини унинг овозидан тахмин қилиб топишлари керак бўлади. Восита сифатида эса молнинг суяги ишлатилади.

## *Оқ суяк*

*Қашқадарё вилояти Қамашидаги  
Бадаҳишон қишлоғидан ёзиб олинди.*

Ўйин ой ёғду сочган тун пайтида, ёз оқшомларида ўйналади. Бу ўйинда қишлоқнинг ўғил ва қиз болалари баравар иштирок этадилар. Улар аввало тенг иккига бўлинадилар. Ўйинни ўртабоши бошқариб боради.

Биринчи гурӯҳ белгиланган жойда турадилар. Улар бемалол суяк отиладиган томонга қараб туришлари мумкин. Чунки қоронғулик бўлгани учун барибир суяк айнан қаерга тушганини кўриш анча мушкул.



– Хўш, болалар, ўйинни бошлаймизми? – сўрайди ўртабоши.

Болалар жавоб берадилар:

– Ҳа.

– Сизларга қоронғилик халақит бермайдими? – сўрайди ўртабоши.

– Йўқ, – қичкиради болалар.

Ўйинбоши яна давом этади:

– Қоронғида бўри, тулки ё шоқол бўлиши мумкин.

Кўрқмайсизларми?

– Болалар яна жавоб берадилар:

– Сирайм қўрқмаймиз.

– Тиканлар орасида илон бўлиши мумкин. Чақиб олишидан қўрқмайсизларми?

Болалар жавоб берадилар:

– Илон бизлардан қўрқсин. Отаверинг, суякни.

Шундан сўнг ўртабоши қулочини кенг ёзиб суякни узоқликка иргитади:

– Қани, изланглар бўлмаса, – деб фармон беради у.

Гурӯҳ сардори уларни тўплаб суякнинг тушганини билдирувчи овоз қаёқдан келганини сўраб-суриштиради. Чунки қоронғилиқда суякнинг ўзи кўринмайди. Фақат овоз орқалигина уни топиш мумкин. Тахмин белгилангач ўғил-қиз аралаш гурӯҳ аъзолари суякни топиш учун югуриб кетадилар. Улар суякни топиш учун барча имкониятларини ишга соладилар. Демак, бу ўйин болаларнинг сезирлигини, овозни ажратиш қобилиятини ўстиради.

Ўртабоши бу гурӯхнинг суякни топиш учун қанча вақт сарфлаганини ўлчаб туради. Навбат нариги гурӯҳга келганда улар суякни топиш учун қанча вақт сарфлагани ҳисобланади. Ва ғолиб маълум бўлади.

Аҳамиятли томони шундаки ўйин ёз окшомлари, қоронғи тунда ўйналади. Бу эса болаларнинг довюрак-

лигини ҳам оширади. У ҳаракатли ҳамда восита ўйинлар сирасига киради. Восита сифатида қорамолнинг суяги танланади.

## **Чавандозлар**

*Тошкент шаҳридан ёзиб олинди.*

Ўйинда исталганча болалар иштирок этишлари мумкин. Уни одатдагидек ўйинбоши бошқариб боради. Болалар икки гурухга бўлинадилар. Ҳар бир гурух кимларни от, кимларни суворий қилиб белгилашни ўзи ҳал қиласди. Одатда бақувватроқ болалар от бўладилар. Мана ҳар иккала гурух отланиб бўлди. Энди даврабоши қўлидаги эскироқ жандани узоқликка ирғитади. Ба:

– Ол, – деб фармон беради.

Ҳар иккала гурух “улоқ” вазифасини бажараётган жанда томонга “от қўядилар”. Ўйиннинг шарти шуки “от” устидаги “суворий” “улов”дан тушмай жандани қўлга киритиши ва белгиланган манзилга элтиши керак. Уни ўз гурухидагилар ҳимоя қилиши мумкин. Яъни рақиб гурух суворий қўлидаги жандани олиб қўймаслиги учун ҳимоялаши мумкин.

Ўйиннинг аҳамиятли томони болалар жисмоний ҳаракат билан банд бўладилар. Қолаверса, кўпкари чоғидагидек ҳалол бўлишга ҳаракат қиласдилар. Бу эса уларнинг кейинчалик ҳаётда ҳам ҳалол бўлишларига замин яратади.

“Чавандозлар” ҳаракатли ҳамда восита ўйинлар сирасига киради. Унда восита сифатида эски жанда ишлатилади.



## Эшак минди

Жиззах вилояти Фории туманидан ёзиб олинди.

Ўйинда ўн бир нафар бола иштирок этади. Улардан бири одамбоши. Яъни ўйин давомида адолат, ҳалоликни назорат қилиб туради. Одамбошининг назоратида болалар икки жамоага бўлинадилар. Тартиб шундаки, барча бақувват болалар бир жамоага тушиб қолмаслиги керак. Ҳар икки жамоа куч жиҳатдан бирбиридан кам бўлмаслиги керак. Одамбоши ўйинни қайси жамоа бошлашини ўзи ҳал қиласи. У ҳар икки жамоанинг сардорини олдига чақиради. Ўзи уларга кўрсатмай кафтига тош бекитади. Жамоа сардорларидан қай бири тошни топса, ана ўша жамоа ўйинни бошлайди. Яъни одамбоши кафтидаги тошни топган жамоа суворийлар, тополмаган жамоа уловлар бўлади.

— Мана ўйин бошланди, — дейди одамбоши. — “Улов”лар устига “суворий”лар сакраб чиқсин. Эҳтиёт бўлинглар. Бошладик.

У шундай дегач уловлар гурухи паравоз шаклида бир-бирларининг белларидан кучганча энгашиб туради. Суворийлар гурухи эса навбати билан, узоқдан югуриб келиб уларнинг устига сакрайди. Агар “суворий” сакраш чоғида кўполлик қилса ўйиндан четлаштирилади. Барча “суворий”лар уловлар гурухи устига сакраб бўлгач, одамбошининг ишораси билан паравоз шаклида юра бошлайдилар. Шарт шуки, улар “паравоз”ни узмасдан одамбоши белгилаган манзилгача “суворий”ларни кўтариб бориши керак. Агар манзилга етмасдан “улов”лар ажралиб кетса, йиқилиб тушсалар ўйин қайтадан бошланади. Мабодо, улар манзилга эсон-омон етсалар, энди жамоалар ўрин алмашадилар. Яъни уловлар гурухи энди суворийлар, суворийлар эса уловлар гурухига айланади. Ўйин ана шу тариқа давом этади.

Бу ўйин болаларда ўзаро ҳамкорликни, жисмоний чиникишни тарбиялайди.

## **Калла қўпкари**

*Қашқадарё вилояти Қамаши туманидаги Гишили қишилогидан ёзиб олинди.*

Ўйинда исталганча болалар иштирок этадилар. Шарт шуки, ҳар бир боланинг ўз эшаги бўлиши керак. Улар уловларига миниб тахт бўлиб турадилар.

Ўйинбоши улоқ ўрнида бирор эски жандани ўртага ташлайди. Ва:

– Ол, ҳалолинг бўлсин, – деб буюради.

Болалар худди катталар қўпкари пайти ўзларини қандай тутсалар, худди шундай ҳаракатда бўладилар. Яъни “улоқ”ни олишга ҳаракат қиласилар.

Қайси бола “улоқ”ни қўлга киритса, белгиланган манзилга чаққонроқ етказиши ҳам керак.

Ўйиннинг аҳамиятли томони шундаки, болалар энг аввало бу ўйин ёрдамида чапдастлик, чаққонлик, баландликдан туриб эгилиш машқларини бажарадилар. Мана шу ҳаракатлар орқали ўз жисмоний соғликлари ни тиклаб борадилар. Кейинчалик, бу ўйин уларнинг катта қўпкарига киришига замин ҳозирлаб беради.

## **Чавандоз ва эгарчи**

*Қашқадарё вилояти Қамаши туманидаги  
Бадаҳишон қишилогидан ёзиб олинди.*

Бу ўйин воқеабанд бўлиб, уни тўртта бола жам бўлиб ўйнаса бўлади. Уларнинг бири “эгарчи”, иккитаси унинг “ўғил”лари, тўртинчи бола эса “чавандоз”. “Эгарчи” ва “ўғиллари рамзий маънода гўёки эгар ясаётган ҳунарманделардек ўйнаб ўтирадилар. Шу пайт уларнинг олдига қовоқлари уйилган, жиддий “чавандоз” келади:



- Ассалому алайкум, уста?
- Ваалайкум ассалом. Келинг, чавандоз, хизмат?
- Менга тут дарахтининг шохидан ясалган, мустаҳкам эгар керак, – дейди “чавандоз”.
- Жуда яхши, – дейди “эгарчи”. – Мана ўғилларим Алдар билан Эгри жуда яхши уста бўлиб етишишди. Кўнгилдагидай ясаб берамиз. Хўш, сизга қачонга керак?
- Ўн кундан кейин, – дейди “чавандоз”.
- Ўн кун жуда кўп, биз буни уч кунда бажарамиз, – дейди “эгарчи”.
- Жуда яхши. Унда уч кундан сўнг келаман. Эгарнинг қисмларини бирлаштираётганда молнинг қутилилган пайини сепишни унумтманг. Кейин эгарнинг қошига олқорнинг олти ой сувда ивитилган шохидан безак беринглар, – “чавандоз” уларга тайинлаб гапиради.
- Ҳаммаси сиз айтгандай бўлади, – “эгарчи” “чавандоз”ни ишонтириб жўнатади.
- У кетгач “эгарчи” ва “ўғил”лари ўртасида сухбат бошланади:
  - “Ота”, “чавандоз” эгар тут дарахтининг ёғочидан бўлсин, деди. Бизда тут ёғочи йўқ-ку? – дейди “ўғил”лардан бири.
  - Э, эгар тайёр бўлгач яхшилаб бўяймиз билинмай кетади. “Чавандоз”ни шу билан қачон кўрамиз, – дейди “ота”.
  - “Ота”, бизда қуритилган мол пайи йўқ-ку, уни нима қиласмиш? – сўрайди иккинчи “ўғил”.
  - Э, куйдирилган кепакни мой аралаштириб сепиб қўяшимиз, билиб ўтирибдими? – дейди яна “ота”.
  - Ота, бизда олқорнинг шохи ҳам йўқ, қаердан оламиш? – сўрайди яна “ўғил”лардан бири.

– Қорамол шохидан фойдаланамиз. Фақат буни ҳеч кимга айтманглар, – тайинлайди “эгарчи”.

Сұхбат тугагач “чавандоз” кириб келади:

– Қани “уста”, эгар тайёрми?

– Албатта. Биз сўзимизнинг устидан чиқамиз, – “эгарчи” шундай деб “чавандоз”га эгарни тутади.

“Чавандоз” “эгар”ни кўриб суюниб кетади:

– Яшанг уста. Ҳаммаси мен айтгандай бўлдими?

– Худди шундай.

“Чавандоз” “уста”га эгарнинг ҳақини тўлайди:

– Эгар мустаҳкам бўлса сизникига қўп “чавандоз” дўйстларимни олиб келаман, – дейди у.

– Бемалол, биз шу ердамиз, – “эгарчи” қўлини қовуштирганча “чавандоз”ни кузатади.

“Чавандоз” кетгач ота-болалар қаҳ-қаҳ уриб куладилар:

– Мана бопладик. Кўрдингларми, ўғилларим алдаганимизни “чавандоз” билмади, биз эса пулли бўлдик, – хурсанд бўлади “эгарчи”.

Улар хурсанд бўлиб ўйинга тушадилар. Шу пайт бирдан қўлида ёғоч бўлакларини кўтариб “чавандоз” кириб келади:

– Қани, “эгарчи”? Ҳали сенларми, мени алдайдиган? – у важоҳат билан “эгарчи”га ташланади.

– Нима бўлди? Нима шовқин? – “эгарчи” ўзини хотиржам тутишга ҳаракат қиласди.

– Кўпкарида эгар тўртга бўлинib кетиб, шарманда бўлдим. Сенлар тут ёғочидан тайёрламабсан, молнинг куритилган пайини сепмабсан. Олқор шохи деганинг ҳам қорамолнинг шохи экан. Тўхта дейман, – “чавандоз” “эгарчи” ва унинг “ўғил”ларини қувлади.

Улар қочадилар. Ниҳоят “чавандоз” уларни тутиб олиб жазолайди. “Эгарчи” бошқа эгар ясад беришга



ваъда беради. Ва “чавандоз”ни елкасида миндириб сайр қилдиради.

Бу ўйин воқеабанд ўйиндир. Унинг мазмун-моҳияти алдаш, ёлғон гапнинг умри қисқалигини изоҳлаш. Ва ишга вижданан ёндашмаган хунарманднинг ҳоливой бўлишини таъкидлашдир. Ўйин иштирокчилари эса барча образларни артистона маҳорат билан ижро этадилар. Демак, бу ўйин болаларда тўғрисўз, ҳалол бўлишни тарбиялабгина қолмай, санъатга бўлган меҳрни ҳам юксалтиради. Яна шуниси муҳимки, уни бемалол ота ва болалар ўйнаса бўлади.

## **Хўроздар жанги**

*Тошкент шаҳридан ёзиб олинди.*

Бу ўйинда уч нафар бола иштирок этади. Улардан бири ўртабоши. Қолган иккитаси эса жангчи хўроздар. Ўйин учун айланана чизилади. Иккита “жангчи хўрозд” айланана ичига кириб, бир оёқда ҳаккалаб бир-бирларини елкалари билан туртадилар. Ўйин давомида болалар гўёки жангари хўроздардек товуш чиқарадилар. Рақибга томон бўйниларини чўзиб қичқирадилар. Қайси бола жисмонан бақувват бўлса рақибини айланадан тутиб чиқариб юборади.

Бу ўйинда фирромликка йўл қўйиб бўлмайди. Ўйинбоши буни назорат қилиб туради.

## **Ер олар**

*Карши шаҳридаги Ҳарамжўй қишилогидан ёзиб олинди.*

Ўйин айнан баҳор пайтлари ўйналади. Унда бир вақтнинг ўзида учта ўғил бола иштирок этади. Улардан бири ўртабоши. У ўйин чоғида ҳалолликни назорат қилиб туради.

Ўртабоши кафтига тош бекитади. Иштирокчилар эса тош қайси кафтга беркитилганини топиши керак. Ким уни топса ўйинни бошлайди.

– Қани болалар, аввал ер олар учун айланы чизамиз, – дейди у.

Болалар қўлларига тош олиб кенг қилиб айланы чизадилар. Ўртабоши айлананинг ўртасидан чизиқ тортади.

Ўртабоши қўлига тош бекитади. Ким уни топса, ўша одам ўйинни бошлайди.

– Кафтимдаги тошни Абдуазиз топди. Демак, ўйинни у бошлайди, – деб эълон қиласди ўртабоши.

Абдуазиз оёқларини кериб олиб, айлананинг чизигини босмасдан, қаддини тик тутганча ўйинга чоғлацади.

– Паккичам учди, айланани қучди, – деб шеър айтганча кичкина пичноқчасини айлананинг ўзи истаган жойига отади.

Шарт шуки, паккича ерга қадалиши керак. Агар қадалмаса, иккинчи бола ана шу тартибда ўйинни давом эттиради. Айтайлик, Абдуазизнинг паккичаси ерга қадалди. Шунда ўртабоши назорати остида Абдуазиз айланани пичноқча қадалган йўналиши бўйлаб иккига бўлади. Бўлиш чоғида Абдуазиз айлананинг чизигини босмаслиги, унинг ичига кирмаслиги керак. Ер бўлингач Абдуазиз ўзининг белгиланган худудига кириб олишга ҳаққи бор.

– Бўлингган айлананинг катта қисми Абдуазизники. Энди ўйинни Ботир давом эттиради, – дейди ўртабоши.

Иккинчи бола Ботир ҳам оёқларини кериб олганча паккичасини юқоридан пастга қаратиб қадайди. Унинг пичноғи қаерга санчилса, ўртабоши йўналиш бўйлаб чизиқ тортади. Пичноқча нотўғри қадалган бўлса, ўзўзидан Ботирнинг худуди кичрайиб қолади. Ўйин токи икки иштирокчидан биттасининг ери бир оёқда туриб

бўлмайдиган даражага етгунча давом этади. Гоҳида болалар:

– Бир оёқда бўлса ҳам ўйнайман, – дейдилар.

Шундай ҳолатда ўртабоши ва ерини кенгайтириб олган бола бир қарорга келадилар. Улар рози бўлсалар худуди камайиб кетган бола ўйинни давом эттиради. Мабодо ўртабоши ва ғолиб бола бунга рози бўлмасалар мағлуб бола уларни опичлаб айлантиради.

Ўйин болаларда қаддини тик тутиш, мўлжални аниқ олиш, ғалаба учун интилишни шакллантиради.

## Елкада кураш

*Наманган вилояти Янгиқўргон тумани  
Исковат қишилогидан ёзиб олинди.*

Ўйинда тўққизта бола иштирок этади. Улардан бири ўртабоши. Қолган болалар икки гурухга бўлинади. Ўртабоши ҳар икки гурухнинг сардорини ёнига чақириб бирор бир топишмоқ айтади. Масалан,

– Бир қушим бор ажабгина, думлари гажаккина, – дейди ўртабоши.

Топишмоқнинг жавобини қайси гурух сардори топса, ана шу гурух ўйинни бошлайди. Яъни гурух сардорларининг кузатуви остида жисмоний бақувват болалар гурух учун улов, бошқалар эса суворий бўладилар. Ҳар икки гурухнинг “суворий”лари “улов”ларига миниб олади.

– Қани бошланглар, – дейди ўртабоши.

Ҳар икки гурухнинг аъзолари майдонга тушади. “Суворий”лар ўз “улов”ларида рақиб жамоа билан елкада курашга киришади. Яъни рақиб жамоа “суворий”сини елкаси билан туртиб “улов”дан йиқитишга харакат қиласи. Қайсики бола “улов”дан йиқилиб тушса, ўйиндан четлашади. Демак, бир вақтнинг ўзида иккита бола ўйиндан чиқади.

Ана шу тариқа ўйин болалар то толиқиб қолгунча давом этади. Бу ўйин болаларда жисмоний қувватнинг, ботирлик, жасурлик хислатларининг ошишига ҳисса кўшади.

## **Чучмомо**

*Сурхондарё вилояти Бойсун туманидан ёзиб олинди.*

Ўйинда қиз болалар билан бирга ўғил болалар ҳам иштирок этишлари мумкин. Аввало болалар адолатни назорат қилиш учун ўйинбоши танлаб оладилар. Шундан сўнг иштирокчилар икки гурухга бўлинадилар. Ҳар бир гурухнинг ўз сардори бор.

Ўйинбоши ҳар иккала сардорни олдига чақириб топишмоқ айтади ёки кафтига тош беркитади. Қайси сардор топса, ўйинни ўша томон бошлайди. Айтайик, мана тош топилди. Энди ҳар иккала гурух орада ўттиз метрча масофа қолдириб бир қатор бўлиб турадилар.

Ўйинни бошлайдиган гуруҳ аъзоси қўлидаги чучмомони кўз-кўз қилганча рақиб гуруҳ томонга турли муқомлар, ҳазил харакатлар билан яқинлаша бошлайди. Унинг жамоадошлари:

*Чучмоможсон, чучмомо,*

*Гўзалликка ўч, момо.*

*Қизлар сени тақмаса,*

*Ҳуснинг бекор, пўч момо,*

дэя қўшиқ айтиб турадилар.

Чучмомо олиб бораётган йигит рақиб гурухдан бирор-бир қизга чучмомони тутади. Аммо қиз уни дарров олмайди. Ерга қараб уялиб туради. Мана ниҳоят, қиз гулни қабул қилди. Шарт шулки, чучмомо элтган йигит дархол ўз гурухи томон қочиши керак. Чунки, рақиб гуруҳ йигитлари уни қувлашга шай бўлиб турадилар. Мабодо, улар чучмомо элтган болани

ушлаб олсалар, гурухларига қўшиб оладилар. Бордию, у чақонлик қилиб, тутқич бермаса, гулни қабул қилган қизни ўртабоши харидор тарафга олиб бориб беради.

Ўйин ана шу тарзда давом этади. Ўйин ҳаракатли, шу билан бирга воситали ўйинлар сирасига киради. Восита сифатида чучмомодан фойдаланадилар.

## **Кўк қани?**

*Қарши шаҳридаги Ҳарамжўй қишилогидан ёзib олинди.*

Бу ўйин баҳор бошланиши билан бир неча ўғил болаларнинг келишуви асосида ўйналади. Унга битта болани ўртабоши қилиб тайинлайдилар. Айтайлик, бешта бола ўйинга киришди. Улар ўйин бошланган дақиқанинг ўзида чўнтакларига исталган ўт-ўланнинг баргларидан солиб оладилар.

– Кўк қани, дейилганда топиб беролмаган бола сўраган дўстига битта олма ёки чақа беради, – дейди ўртабоши.

Болалар ана шу келишув асосида тарқаладилар.

Айтайлик, ўйиндаги иштирокчи Абдуғани яшайдиган уйнинг дарвозаси кечкурун тақиллаб қолди. Абдуғани ҳеч нарсани ўйламай дарвозани очди. Қараса “кўк қани” ўйинидаги дўсти Асрор турибди.

– Абдуғани, кўк қани? – сўрайди Асрор.

Ана шу пайт Абдуғани чўнтағидан исталган ўт баргидан чиқариб кўрсатиши керак. Агар унинг ёнида ўт бўлмаса, кўйлагининг рангими, тугмасими кўк бўлиши керак. Абдуғани ана шу кўк рангни кўрсата олмаса, Асрорга олма ёки келишилган чақани бериши керак. Мабодо Абдуғани бу ерда ҳеч қандай гувоҳ йўқ, деб ғирромлик қирмоқчи бўлса, Асрор уни ўртабошининг олдига етаклаб боради. Ўртабоши эса масалага ойдинлик киритади.

Ўйинда иштирок этаётганлар қаерда, қандай шароитда бўлмасин чўнтакларида ўтнинг баргидан олиб юришлари керак. Акс ҳолда ютқизиб қўядилар. Ўйин баҳор бошланишидан адогигача давом этади.

“Кўк қани?” ўйини болаларда зийрак ва масъулиятли бўлишни тарбиялайди.

### **Чим-чим**

*Қарши шаҳридаги Ҳарамжўй қишлоғидан ёзиб олинди*

Бу ўйин айни баҳор пайтида, қир-адирларда ўйналади. Ҳар бир бола ердан лойи билан чим ковлаб олади. Унда саккиз нафар бола икки жамоага бўлинадилар. Уларни ўртабоши назорат қилиб туради.

Болалар ўзаро келишиб оладилар. Айтайлик, ўйин учун қушлар мавзуси танланади. Ўйинни қайси жамоа бошлиши эса ўртабошининг кафтига беркитилган чўпни қайси сардор топишига боғлиқ. Мана ниҳоят ўйин бошланди. Ўйинни бошлаган жамоадан битта бола:

– Чумчук, – дейди.

Рақиб жамоадан битта иштирокчи чумчук каби чуғурлаб, унинг сакраб-сакраб юришларини кўрсатиб беради. Агар бу нариги жамоага маъқул келса, яхши. Мабодо маъқул келмаса:

– Чим-чим, – деб бақирадилар ва иштирокчилардан бири чумчук образини тўғри ифодалай олмаган болани чим билан уради.

Бундай ҳолатда ўйинни яна дастлаб бошлаган жамоа давом эттиради. Улар рақиб томонга қараб:

– Бургут, – дейдилар.

Рақиб жамоа ўзаро келишиб битта аъзосига топшириқ беради. У бургутнинг қандай учиши, атрофга қандай қараши, ҳатто ўлжасини қандай овлашини тўғри кўрсатиб бериши керак. Агар унинг бургутни ифодалиши рақиб томонга ёқса, чим билан калтакланмайди.



Ўйин ана шу тариқа давом этади. Гоҳида унда бош мавзу қилиб ёввойи ҳайвонлар, ҳатто қишлоқдошлар мавзуси ҳам танланади. Яъни бирорта қишлоқдошнинг исми айтилади. Иштирокчи эса ўша ҳамқишлоғининг юриш-туришини, қилиқларини ишонарли қилиб кўрсатиб бериши керак.

Бу ўйин болаларда атрофдаги ва табиатдаги ҳодисаларга нисбатан кузатувчан бўлишни ўргатади.

## ***Сир олиш***

*Қарши шаҳридаги Ҳарамжўй қишилогидан ёзиг олинди.*

Ўйинда беш нафар бола иштирок этади. Уни ўртабоши бошқариб боради. Айтайлик Ҳасан ва Ҳусан, Тоҳир ва Зоҳид иштирокчи. Ўртабошининг назорати остида Ҳасан ва Ҳусан бир тарафга, Тоҳир ва Зоҳид иккинчи тарафга кетадилар. Улар ўзаро пицирлашиб битта сўзга келишиб оладилар. Ҳасан ва Ҳусан “арслон” сўзини, Тоҳир ва Зоҳид эса “учбурчак” сўзини танлади дейлиқ. Фақат улар қандай сўзни танлаганларини атрофдагилардан сир тутадилар.

Ҳар тўртта иштирокчи ўртабошининг олдига етиб келади. Ўртабоши эса иштирокчиларнинг куч-куввати, гавдасига қараб:

- Хўш, Ҳасан, Ҳусан дўстларингизнинг сирини билолдингизми? – деб сўрайди.
- Йўқ, билолмадик, – жавоб беради Ҳасан ва Ҳусан.
- Унда сирини олинглар, – дейди ўртабоши.

Ҳасан ёки Ҳусан келишиб қай бири ким билан олишишни маслаҳатлашадилар.

– Мен Тоҳир билан олишаман. Чунки унинг кучи менинг кучим билан баравар, – дейди Ҳасан.

– Тўғри, мен эса Зоҳид билан олишаман, – дейди Ҳусан.

Болалар шу тариқа олиш-кураш бошлайдилар. Ҳасан билан Ҳусан рақиб томоннинг сирини билишга интилса, Тоҳир билан Зоҳид уларнинг сирини билишга интилади. Олишиш чоғи ҳар икки бола:

– Сириңгни айт, – дейдилар.

Ким ожиз бўлса, дарҳол сирини айтиб қўяди. Бу ўйин болаларда ўз сирини бошқалардан сақлай билиш масъулиятини тарбиялабгина қолмай, уларнинг жисмонан кучли бўлишига замин яратади.

### *Asip-asip*

*Карши шаҳридаги Ҳарамжўй қишилогидан ёзib олинди.*

Бу ўйин ҳам ўғил болаларнинг мард, шижаотли, жасур бўлиб вояга етишига хизмат қиласди. Ўйинда ўн бир нафар бола иштирок этади. Уни ўртабоши бошқарив боради.

– Келинглар, болалар аввал икки гурухга бўлиниб оламиз, – дейди у.

Шундай деб:

*Ўсма али жонона,  
Бувам каби омона,  
Чилдир чуман час,*

деб шеър ўқиёди.

Охириги сўз кимга тўғри келса, ўша бола ўнг томонга ўтади. Ва токи болалардан беш нафари танлангунча шеър айтиш давом этади. Мана ниҳоят болалар икки жамоага бўлиндилар.

– Мана бу айлана қалъа. Қайси гурухнинг болалари қалъага ҳеч кимнинг кўзига кўринмай келса, ўша томонғолиб бўлади. Агар қайси бирингизнинг бошингиз, кийимингиз кўриниб қолса, кўлга тушган ҳисобланасиз ва ўйиндан чиқасиз. Сизлар ҳув чолдевор томонга сизлар эса жарлик томонга бекининглар, – дейди ўртабоши.



Икки жамоа икки томонга югуриб кетади.

– Ўйин бошланди, – деб товуш беради ўртабоши.

Ҳар икки гурухнинг болалари ўртабошининг қўзига кўринмай “қалъа”га етиб келишга интилади. Қайси гурухдан болалар кўпроқ етиб келса, ўша томон ғолиб бўлади. Ғолиб жамоа мағлуб жамоа болаларига ўз шартларини айтадилар. Бир оёқда ҳаккалаш, зувиллаб югуриш, опичлаб айлантириш каби шартлар айтилади. Мағлуб жамоа бу шартларни адо этадилар.

Бу ўйин болаларда чаққонлик ва масъулият ҳиссини тарбиялайди.

## Уруши-уруш

*Карши шахридаги Ҳарамжўй қишилогидан ёзигб олинди.*

Бу ўйин ҳам ўғил болаларда қўрқувни енгиш, жасур бўлиш хислатини тарбиялайди. Ўйинда ўн битта бола иштирок этади. Улардан бири ўртабошилик вазифасини бажаради. У болаларни кучига қараб teng икки жамоага бўлади.

– Сизлар ўнг томонда, сизлар эса чап томонда бўласиз. Ҳар икки жамоа ўз худудини ҳимоя қилиши керак. Мана бу чизиқ чегара, рақиб томон чегарадан ўтишига йўл қўйманг. Ҳар бир жамоа чегарадан беш метргача узоқликка кетиши мумкин. Ундан узоқлаган иштирокчи ўйиндан чиқади, – дейди ўртабоши.

У шундай деб қўлидаги тугилган белбоғни ўнг томондаги жамоага отади. Ўнг томондаги жамоа ушбу восита билан рақиб жамоадан бирор болани мўлжалга олади. Белбоғ теккан рақиб жамоа иштирокчиси ўйиндан чиқади. Мабодо тегмаса, белбоғни отган бола ўйиндан чиқади. Шу тариқа жамоалардаги болалар сони камайиб боради. Охирги натижага қараб ким ғолиб бўлганлиги маълум бўлади.

Бу ўйин ўғил болаларда ўз остонаси, мамлакати худудини ҳимоя қилиш масъулиятини шакллантиради.

## **Бўрон**

*Наманган вилояти Янгиқўргон тумани  
Исковат қишлоғидан ёзиб олинди.*

“Бўрон” воситали, ҳаракатли, шу билан жанговар ўйин ҳисобланади. Унда чўплардан тўртбурчак қўрғон курилади. Ўйинда ўн битта бола иштирок этиб уни ўйинбоши бошқариб боради. Унинг назорати остида болалар икки жамоага бўлинадилар. Айтайлик, оқ либосдагилар бир томон, кўк либосдагилар иккинчи томон.

Чўплардан курилган “қўрғон” эса ўртабошига яқин жойда жойлаштирилади. Ўртабоши ҳар икки жамоани огоҳлантириб қўлидаги тугилган белбоғни уларнинг ўртасига ташлайди.

Хар икки жамоа иштирокчилари шиддат билан белбоғга ташланадилар. Кимки уни қўлга киритсаю “қўрғон”га элтишига кўзи етмаса, жамоадошига иргитади. Ўз ўрнида у ҳам қулайроқ турган жамоадошига узатади. Рақиб жамоа эса тугилган белбоғни қўлга киритиш учун жон-жаҳди билан курашади.

Ўйин жуда шиддатли бўлиб, болалардан кучли жисмоний тайёргарликни талаб қиласди. Қайси жамоа аъзоси белбоғни “қўрғон”га олиб келса ўша томон ғолиб бўлади. Ғолиб жамоанинг барча шартларини мағлуб жамоа аъзолари бажарадилар.

Бу ўйин ўғил болаларда жанговарлик хислатларини тарбиялаши билан аҳамиятлидир.



## Қалъани эгаллаш

*Карши шаҳридаги Ҳарамжўй қишилогидан ёзиг олинди.*

Ўйинда тўққиз нафар бола иштирок этади. Болалар тўрттадан икки гурухга бўлинадилар. Тўққизинчи бола ўртабошилик вазифасини бажаради.

Болалар текис ерга эни тўрт, бўйи тўрт метр кела-диган тўртбурчак чизадилар. Тўртбурчак тайёр бўлгач ўртабоши ҳар икки гурухнинг сардорини олдига чор-лайди.

— Кафтимда тош бекитилган. Ким топса, шунинг жамоаси “қалъя”га киради, — дейди ўртабоши.

Жамоалар сардорлари тош унинг қайси кафтига бекитилганлигини топишга уринадилар. Қайси сардор топса, унинг жамоаси “қалъя” ҳимоячиси бўлади. Ҳимоячи гурух тўртбурчак ичига кириб оладилар. Рақиб гурух эса уларга куч ишлатиб “қалъя” ичига кириб олишга уринадилар. “Қалъя” ичидагилар уларни куч билан ташқарига итарирадилар. Ана шу тариқа кучлар тўқнаш келади. Агар “қалъя” ичидагилар кучли бўлса, рақиб томонни енгадилар ва “қалъя”ни омон сақлайдилар. Мабодо акси бўлса, рақиб томон “қалъя” ичига кириб олади.

Бу ўйин оstonани, она Ватанни ҳимоя қилиш ғояси-га асосланади.

## Дукурди

*Қамаши туманидаги Бадахшон қишилогидан ёзиг олинди.*

Бу ўйин воқеага асосланади. Унда учта образ мав-жузд. Бу бобо, унинг невараси ва ёши кекса дук урувчи отахон образлари. Кунлардан бир куни “бобо” “нева-ра”сига:

— Тойчоғим, қорин сочинг ўсиб қолибди. Уни қишлоғимизнинг энг кекса отахонига олдириб ташлаймиз. Қани, кетдик, – дейди.

— Хўп бўлади, “бобожон”, – дейди невара образидаги бола.

Улар гўё кекса отахонникига кетаётгандек гаплашиб кетадилар.

— Дук уришларидан қўрқмайсанми, бўтам? – сўрайди “бобо”.

— Йўқ, “бобо”жон, – дейди “nevara”.

— Қўлоғингни кесиб олишидан қўрқмайсанми? – сўрайди яна “бобо”.

— Йўқ “бобожон”, – дейди “nevara”.

Шу тариқа “бобо” билан “nevara” у ёқ бу ёқдан узоқ сухбатлашадилар. Бунда қишлоқда содир бўлаётган янгиликлар, кимнинг нима қилаётганилиги мавзу қилиб олинади. Улар ниҳоят манзилга етадилар.

— Ассалому алайкум, “отахон”, – дейди “бобо”.

— Ваалайкум ассалом, “биродар”. Келинг, қайси шамоллар ўчириди? – сўрайди “кекса отахон”.

— Шу десангиз тўнғич ўғлимнинг ўғилчасининг қорин сочини сиз олиб қўясиз, деб ният қилган эдик. Шунинг учун уйингизга келдик, – дейди “бобо”.

— Жуда яхши-да, – қувонади “кекса отахон”. Ва гўёки қўлига қайчи олгандек болани ёнига ўтиргизади.

— Хўш, полвон, отанг иш буюрса нима дейсан? – сўрайди “nevara”дан.

— Хўп бўлади, дейман, – жавоб беради “nevara”.

— Онанг иш буюрса нима дейсан? – сўрайди “кекса отахон”.

— Хўп бўлади, дейман, – жавоб беради “nevara”.

— Катта бўлсанг нима қиласан? – сўрайди “отахон”.

— Аввал мактабга бораман, сўнг катта ўқишларда ўқийман, – жавоб беради “nevara”.

— Катта бўлиб ким бўласан? – сўрайди яна.



– Яхши одам бўламан, – жавоб беради “невара”.

Ана шу тариқа болага яхши фазилатлар эгаси бўлиш уқтирилади. Ва ниҳоят, кекса отахон образидаги бобо гўёки бола бошининг ўнг томонидаги сочга дук, яъни қайчи уради. Унга яхши дуолар айтади.

Бу воқеабанд ўйин болаларнинг одоб-ахлоқли бўлишига ҳисса қўшади.

## *Сартарош*

*Наманган вилояти Янгиқўргон тумани*

*Исковат қишилогидан ёзиб олинди.*

Ўйин воқеага асосланади. Ўйинни бир нечта болалар ўйнаса бўлади. Унда икки нафар бола иштирок этиб, бири сартарош, иккинчиси мижоз.

Сартарош образидаги бола ҳиргойи қиласди.

*Сарвиравон ҳа-ҳа,*

*Оромижон ҳа-ҳа...*

У гўё елкасида сочиқ, қўлидаги ўткир қайчини ўйнатаётгандек турли муқомлар қиласди.

– Эҳ, бирор сахий мижоз келсайди. Сочини тартибга солиб, соқолини чиройли қилиб қиртишлаб қўярдим. Ўзиям кулинг ўргулсин сартарошман-да, – деб ўзига ўзи гапиради.

Шу тоб гўёки эшик очилиб “мижоз” кириб келади.

– Ассалому алайкум, – қўлини кўксига қўйиб салом беради “мижоз”.

– Ваалайкум ассалом, келсинлар. Сочингизни калта қиласми, соқол-мўйловни қиртишлаймизми? – сўрайди “сартарош”.

– Сочимнинг ўсган жойларини оласиз, – дейди “мижоз”.

– Э, бу қандай соч олиш? Соч олганда ҳамма томон бирдек олинади. Бошнинг бир томони олиниб, иккинчи томони қолдирилмайди, – дейди “сартарош”.

Улар ўз феъл-атворларидан келиб чиқиб тортишадилар. Ахийри “сартарош” “мижоз” айтгандек сочнинг айрим жойларини олади. Нарх тўланиш масаласида ҳам улар анча тортишадилар. Ниҳоят “мижоз” ўзи билганидек тўлаб чиқиб кетади.

Болалар навбати билан “сартарошхона”га кирадилар. Ҳар бир бола ва “сартарош” ўртасида бири-бирига ўхшамаган сухбатлар бўлиб ўтади. Ўйин ана шу жиҳати билан қизикдир.

Бу ўйин болаларда вазиятга қараб гап топа билиш, яхши сухбатдош бўлиш маданиятини шакллантиради.

## ***Сичқон-мушук***

*Наманган вилояти Янгиқўргон тумани  
Исковат қишилогидан ёзиб олинди.*

Харакатли ўйин ҳисобланадиган “Сичқон ва мушук”да ўндан ортиқ болалар иштирок этадилар. Уни ўйинбоши бошқариб боради. У сичқон ва мушук образидаги болани шеър айтиш йўли билан аниклайди.

*Мушукчамиз жуда пачоқ,  
Сичқончамиз жуда қочоқ.*

Шу тариқа ўртабоши қайси болага “қочоқ” сўзи тўғри келса, уни чеккага чиқаради. Охирги қолган иккита боланинг бири сичқон, бири мушук. Аммо уларни белгилаш ҳам юқорида айтилган шеър асосида танланади. Кимга “қочоқ” сўзи тўғри келса, у – сичқон, иккинчи бола мушук. Асосий образлар аниқ бўлгач барча болалар айлана бўлиб ерга ўтириб оладилар.

Ўртабоши бошланди ишорасини бергач, сичқон образидаги бола бор кўчи билан қочади, “мушук” эса уни қувлаб кетади. Айлана шаклида ўтирган болалар уларни қўллаб-қувватлаб туради. Агар “сичқон” кучли ва чақон бўлса, узоқ вақт қочиб, сўнгра айлана бўлиб



ўтирган болалар гурухига кириб олади. Бунда “мушук” образидаги бола ўйиндан чиқади. Мабодо “мушук” кучли ва чаққон бўлса, уни тутиб олади. Бундай ҳолатда сичқон образидаги бола ўйиндан чиқади.

Демак, улардан биттаси қолди. У айлана бўлиб ўтирган болалар ичидан танлайди. Қочиш ва қувлаш ана шу тариқа барча болалар билан кечади.

Бу ўйинни эрталабдан кечгача ўйнаса бўлади. У болаларда тезкорлик, чаққонликни оширади, уларнинг кучига куч қўшилишига сабабчи бўлади.

## **Қозон қоровул**

*Тошкент шаҳаридаги Файзиобод маҳалласидан  
ёзуб олинди.*

Бу ўйинда саккиз нафар бола иштирок этади. Иштирокчиларнинг келишувига кўра улардан иккитаси жамоа сардорлари этиб белгиланади. Икки сардор иштирокчилардан четроққа чиқиб ўзларига сўз танлаб оладилар. Айтайлик, бир сардор ўзига “тилос” сўзини, иккинчиси “олма” сўзини танлади.

Шундан сўнг улар болалар олдига келиб:

– Қани бир айланиб келинглар. Кимга гилос, кимга олма? – деб топшириқ берадилар.

Олти нафар иштирокчи иккитадан бўлиб айланиб келади. Ана шу айланиб келиш чоғида қай бири олма, қай бири гилос сўзини танлашини келишиб оладилар. Шундан сўнг иштирокчилардан иккитаси, айтайлик Бахтиёр билан Беҳзод сардорлар олдига келади.

– Кимга олма, кимга гилос? – сўрайди сардорлар.

Беҳзод:

– Менга олма, – дейди.

Сардорлардан қай бири “олма” сўзини танлаб олган бўлса, Беҳзод ўша томонга ўтади.



Бахтиёр:

– Менга гилос, – дейди.

Ўз навбатида Бахтиёр қайси сардор “гилос” сўзини танлаган бўлса, ўша томонга ўтади. Ана шу тариқа жамоалар шакллантирилади. Шундан сўнг икки жамоа ўртадан чизиқ тортади. Ва бир-бирини огоҳлантирган ҳолда саккиз нафар иштирокчининг ҳар бири ракиб жамоадан қўшимча куч тортиб олишни бошлайди. Ҳар икки томон ҳам бутун қувватини ишга солиб рўпарасида турган рақиб жамоа аъзосини ўзи томонга тортиб олишга интилади. Ким кучсиз, ожиз бўлса чизиқнинг нариги томонига тортиб олинади. Бундай ҳолатда қайси жамоада бешта, иккинчисида учта иштирокчи ҳам бўлиб қолиши мумкин. Гоҳо эса ҳар икки жамоада тўрттадан иштирокчи қолиши ҳам мумкин.

Бу куч синашиш тугагач эни икки метр, узунлиги ҳам икки метр келадиган бурчак чизадилар. Тўғри тўртбурчакнинг чап томондаги биринчи қирраси Бахтиёрга, ўнг томондаги иккинчиси қирраси Беҳзодга тегишли деб белгиланади. Ана шу қирра чеккасига айлана чизилиб, уни рамзий маънода “қозон” деб атайдилар. Ҳар икки жамоа рақиб томоннинг худуди саналган айлана, яъни “қозон”га кириб олишга интилади. Бу осон эмас. Рақиб жамоа бир вақтнинг ўзида ҳам ўз “қозон”ини ҳимоя қиласиди, ҳам бирор аъзосини нариги томон айланасини ишғол қилишга интилади.

Ўйин давомида икки жамоа ҳам ўз рақибини айланадан суриб чиқаришга ҳаракат қиласиди. Ана шу пайт болаларнинг жисмоний кучи тўқнашади.

Қайси жамоа аъзоси рақиб “қозон”ига оёқ босиб “қозон” деб қичқирса, ўша томон ғолиб бўлади. Ўйин болаларнинг жисмоний қуввати ошишга хизмат қиласиди.



## ҚИЗ БОЛАЛАР ЎЙИНЛАРИ

### *Арқон ташлаш*

*Тошкент шаҳри Сирғали тумани  
Шоштепа маҳалласидан ёзиб олинди.*

Ўйинда исталганча қизлар иштирок этиши мумкин. Буни ҳам даврабоши қиз бошқариб боради. Иштирокчилардан икки нафари қалин арқонни айлантириб турадилар. Ва айлантириш давомида қўшиқ айтадилар:

*Бир бой бобо бор эди,  
Унинг ўғли бор эди.  
Каландимог бойвачча,  
Гулмирага зор эди.*

Демак, ўйинда иштирок этаётган Гулмира исмли қиз арқоннинг айланишига мослаб сакрай бошлайди. Мабодо оёқлари арқонга ўралиб қолса, у арқонни айлантиради.

Мана иккинчи қиз даврага тушди. Қизлар:

*Бир бой бобо бор эди,  
Отдай ўғли бор эди.  
Отдан тушмас бойвачча,  
Салимага зор эди.*

Салима ҳам арқоннинг йўналишига мослаб сакрай бошлайди. Мабодо толиқиб қолиб сакролмаса, ўйиндан чиқади. Даврага эса Мадина чиқади. Қизлар:

*Бир бой бобо бор эди,  
Тойдай ўғли бор эди.  
Оқ саллали бойвачча,  
Мадинага зор эди,*

деб қўшиқ айтадилар.

Ўйин қизларнинг жисмоний қуввати ошишига хизмат қиласди. Қизларни жамоавий ҳаракат қилишларига

ундайди. Бундан ташқари уларда ижодкорлик, вазиятга қараб тез қүшик түқиш маҳоратини ҳам оширади.

Үйин ана шу тарзда давом этади. Бу үйин баҳорнинг кириб келиши билан кўкаламзорларда, кенгликларда ўйналади. У қизларнинг ҳар томонлама жисмонан бақувват бўлишига ҳисса қўшади.

## **Ҳаппак**

*Қашқадарё вилояти Қамаши туманидаги  
Бадаҳишон қишилогидан ёзиб олинди.*

Кўплаб үйинлар қаторида тош үйинларининг ўрни бўлакча. Бу үйинлар асосан ҳовлида қизлар томонидан ўйналган. У воситали үйинлар сирасига киради. Үйин учун дарз етмаган, катталиги айтарли бир хил тошлар танлаб олинади. Ҳар бир қизда бундай тошлар бештадан бўлади.

Бешта тош ёрдамида ўйналадиган бу үйин республикамизнинг жанубий вилоятларида “Ҳаппак” деб аталса, водий тарафларда “Бакки”, “Чекимтош”, “Тўппатош”, Тошкент вилоятининг айрим қишлоқларида “Қарғоч”, деб юритилади. Тошлар ёрдамида ўйналадиган “Лаппар”, “Қирқтош”, “Юзтош” ўйинларидан шартлари, мазмун-моҳияти билан фарқ қиласди.

Үйинни ўртабоши қиз бошқариб боради. Унинг ташаббуси билан қизлар икки гурухга бўлинадилар. Масалан:

*Али, бали жонона,  
Сочларида райҳона,*

деб қўшик айтади.

Қайси қизга “райҳона” сўзи тўғри келса, ўнг тарафга ўта бошлайди. Шу тариқа саккизта қиз икки гурухга ажралади.



—Ўйинни ким бошлашини белгилаб оламиз. Мана мен кафтларимга тош бекитаман. Уни қайси гуруҳ топса, ўша томон ўйинни бошлайди, — дейди.

Ўйинбоши кафтидаги тошни иккала гуруҳ сардорлари топишга ҳаракат қиласидилар. Уларнинг қайси топса, ўйинни ўша томон бошлайди.

Ўйин шартларини қизларнинг ўзлари ўйлаб топадилар. “Тандир”, “куви”, “уй”, “кўприк”, “девор”, “қайчи”, “тошбақа” шартларида ерга ташланган тошларни айнан шартга ҳамоҳанг илиб олиш керак. Яъни битта тош ўнг қўл бармоқларида илиб олинади. Чап қўл бармоқлари орқали эса тандир, куви, уй, кўприк, девор, қайчи, тошбақага ўхшаш шакл ясалади. Ўнг қўл бармоқлари орқали ана шу шаклга ягона тош ташланади. Мабодо иштирокчи шартни бажара олмаса мағлуб бўлади.

Ўйинни бошлаган қизга дугоналари:

— Қизларсора, энди куви, — дейди.

Қиз чап қўли жимжилоғини ерга қўйиб, бош бармоқ ва кўрсаткич бармоғини бир-бирига туташтириб куви шаклига келтиради. Ва “куви” ичига ягона тошни туширади. Ана шу тариқа то қизнинг ўнг қўлидаги тош тушиб кетмагунча ёки айтилган шартни бажара олмай қолгунча ўйнайверади. Шунда қизга рақиб жамоа қизлари шарт айтадилар. Масалан:

— Бизга қўшиқ айтиб беринг, — дейишади.

— Майли, фақат менга жўр бўлинглар, — дейди қиз.

Барча қизлар биргалашиб қўшиқ айтадилар:

*Тариқ қўқдан бўзаси,  
Жуда ширин мазаси,  
Олтин тупроқ косасиё  
Тилла гулдан қўзаси.*

Шундан сўнг кейинги жамоадан бирорта қиз ўйин бошлайди. Агар у ҳам ютқизса, яна шарт бўйича биргалашиб қўшиқ айтадилар:

Баҳор келди ёз келди,  
Турна келди, гоз келди.  
Олма, ўрик гуллади,  
Говмушимиз туллади.  
Туллагани бўлди соз,  
Тўпни ўйнаб кўнгил ёз...

Шуниси аҳамиятлики, республикамиз вилоятларида ўйиннинг тартибида айтарли фарқ йўқ. Балки қизлар ўз ижодкорлиги боис унга янгидан-янги шартларни киритиб борадилар.

“Ҳаппак” олтита тош воситасида ўйналади. Ўнг қўлдаги битта бошқарувчи тош қолган бешта шеригини битта-биттадан “қўрғон”га қамайди. Қўрғон – чап қўл бармоқлари ёрдамида ҳосил бўлади.

Аҳамият беринг, “Ҳаппак”да эпчиллик, чаққонликларини намойиш этадилар. Ҳар бир бармоқ орасига биттадан тош жойлаштирилади. Вазифа бажарилгач ўйин сакратиш, қамаш каби турли шартлар бўйича давом этади. Ўйин сизнинг руҳий жихатдан хотиржам, босиқ бўлишингизга ёрдам беради. Ўйин давомида қизлар қўшиқлар ҳам ижро этадилар.

## ***Сополтош***

*Тошкент шаҳридан ёзиб олинди.*

Бу ўйинни ўғил ва қиз болалар аралаш ўйнаса ҳам бўлади. Унда ўртабоши ва бешта иштирокчи бўлади. Ўйинда асосий восита тошлардир. Ўртабоши тош билан доира чизади. Доиранинг ўртасига еттига силлиқ тошлар устма-уст қўйилади. Онабоши доирадан етти қадам ташлаб, ўша жойга чўп ташлаб қўяди.

Ўйинни ким бошлиши мана бу шеър айтиш билан аниқланади. Онабоши:



*Адина бадина какона,  
Қизлар ўзи ҳайронা.  
Чум-чум чуман част.*

Охирги “част” сўзи қайси иштирокчига тўғри келса, ўйинни у бошлайди. У онабоши томонидан ташлаб қўйилган чўпнинг олдида туриб қўлидаги тош билан доира ичидаги тошларни мўлжалга олади. Иштирокчига уч марта имконият берилади. Ана шу имкониятдан у фойдалана олса, ўйинда иштирок этаверади, агар тошларни мўлжалга ололмаса, ўйиндан четлаштирилади. Қолган иштирокчилар ҳам навбати билан тош отадилар. Ким бир отишда бер неча тошни доирадан чиқарса, қизлар томонидан йифилган барча ширинликлар унга берилади.

Ўйин қизларга мўлжални аниқ олишни ўргатиши билан аҳамиятлидир.

## **Жамбил-жамбил**

*Қарши шаҳридаги Ҳарамжўй қишилогидан ёзид олинди.*

Ўйинда беш нафар қизлар иштирок этади. Уни она боши қиз назорат қилиб боради. Қизлар тош ёрдамида айланана чизадилар. Айлананинг ичига бешта тош устмаяст тахланади. Бунинг учун тошлар ялпок бўлиши керак.

— Ана энди тош қоровулни аниқлаймиз, — дейди ўртабоши. — Мен саноқ ўтказаман. Кимга тўққиз сони тўғри келса, у тош қоровул бўлади.

Қизлар рози бўлгач она боши қиз ўзини хисобга олмаган ҳолда саноқ бошлайди. Қайси қизга тўққиз сони тўғри келса у “тош қоровул” бўлади.

Шундан сўнг ўйин бошланади. “Тош қоровул” доиранинг ичидаги тошларни қўриқлаб туради. Иштирокчи қизлардан бири унча катта бўлмаган тўп билан

тошларни мўлжалга олади. Агар “тош қоровул” коптакни ушлаб олса, коптак отган қиз билан ўрин алмашдилар. Мабодо коптак тошларга тегиб, тошлар ҳар тарафга отилиб кетса, “тош қоровул” уларни чаққонлик билан устма-уст териши керак. Териб бўлган заҳоти:

– Жамбил, жамбил, – деб қичқиради.

Ана шундай ҳолатда у коптакни отган қиз билан жой алмашади. Мабодо у тошларни териб улгурмасаю қизлар “тош қоровул”ни коптак билан урса, у ўз жойида қолади.

Бу ўйин қизларда чаққонлик хусусиятини шакллантиради.

## Чертмак

*Тошкент шаҳридан ёзиб олинди.*

Ўйинда бешта қиз иштирок этади. Уларнинг бири онабоши бўлиб, тартиб-интизомни, ҳалолликни назорат қиласди. Қизлар бўр ёки кўумир парчаси билан эни икки қарич, баландлиги бир ярим қарич келадиган ўнта катак чизади. Катакларнинг энг охиргиси Қуёш ва Ой катаги дейилади.

Ўйинни ким бошлиши онабоши томонидан қуидаги шеър айтиб белгиланади.

*Эинки, беинки ўқ, камон,  
Афил, дафил доминон.  
Шаҳарларга бормайман,  
Поинали туфли киймайман.  
Тоғлар йўли сирпанчиқ,  
Келинойим қизганчиқ.*

“Қизганчиқ” сўзи кимга тўғри келса, ўйинни ана шу қиз бошлайди. Демак, ўйин бошланди. Қиз кўлидаги тошни мўлжаллаб биринчи катакка ташлайди. Ва бир оёқда сакраб тошни оёғи билан иккинчи катакка ўтка-



зади. Агар унинг тоши Қуёш катагига тушса, жони куй ган хисобланади ва ўйиндан чиқади. Мабодо Ой катагига тушса, имконияти иккитага кўпаяди. Мабодо тош катакка тушмай ташқарига чиқиб кетса ҳам қиз ўйиндан чиқади. Ва ўйинни навбатдаги қиз давом эттиради.

## **Зина**

*Тошкент шаҳридан ёзиб олинди*

Ўйинда олти нафар қиз иштирок этади. Улардан бири онабоши, қолган қизлар иштирокчилардир.

Улар бир хил катталиқда ўнта зинани кетма-кетликда чизадилар. Ўн биринчи катак эса дам олиш бурчаги, деб аталади. Онабоши:

*Осмон тўла қалдироқ,  
Араваси шалдироқ.  
Манави қизни қаранглар,  
Ҳаммадан ҳам пилдироқ.*

Бу ўйинда ҳам “пилдироқ” сўзи кимга тўғри келса, ўйинни у бошлайди. Ўйинда шарт шуки иштирокчи ўз тошини биринчи катакка ташлайди ва бир оёқда сакраганча тошни иккинчи оёғи билан тутиби, тартиб билан юқорига интилади. У ўйин давомида тошини катакларга тартиб билан тушириши шарт. Ўнта катакка ҳам тош кўнгилдагидай тушса, иштирокчи ўн биринчи катакда дам олади ва энди тошни пастдаги катакларга қараб ҳаракатлантиради.

Ўйин қизларда мўлжални аниқ олишни ўргатади.

## **Олиб қочар**

*Жиззах вилояти Фории туманидан ёзиб олинди.*

Бу ўйинда етти нафар қизлар иштирок этади. Улардан бири “қоровул” вазифасини бажаради. “Қоровул”

қиз ўртача айлана чизади. Бу унинг худуди. Айлана-нинг ичидаги кичикроқ айланага эса тухум катталигига ўнта тош қўйилган. “Қоровул” қизнинг вазифаси ана шу тошларни дугоналаридан қўриқлаш. У чўккаласб ўтирганча атрофида айланәтган дугоналаридан тошларни ҳимоя қиласди. Қизлар ҳам жон ҳолатда тошларни олиб қочишга ҳаракат қиласдилар. Агар “қоровул” қизнинг кўли қайси иштирокчига тегса, ўша иштирокчи ўйиндан чиқади.

Бу ўйин қизларни тезкорликка, чаққонликка ўргатади. Қизлар ўзаро келишган ҳолда коровуллик вазифасини бажарадилар.

## *Дурра отар*

*Қарши туманидаги Чорагил қишлоғидан ёзиб олинди.*

Ўйинлар орасида ватанпарварлик, элпарварлик, остонани ҳимоя қилиш каби юксак фазилатларни тарбиялайдиганлари талайгинадир.

Ушбу ўйинда етти нафар қиз иштирок этади. Келинг, воқеани ҳикоя қиласмиз. Бир катта боғда “она” ва унинг учта “қизи” яшайди. Кунлардан бир куни боғга уч нафар “ўғри”лар хужум қиласди. “Ўғри” қизлар лахтаклардан тайёрланган юмшоқ коптоткчани рўмолчага боғлаб она ва қизлари яшаётган боғ томон отади. “Боғ эгалари” отилган тугунни чаққонлик билан ушлаб оладилар. Демак рўмолни отган “ўғри” ўйиндан чиқади. Энди қизлар рўмолни “ўғри”лар томон отишади. Агар “ўғри”лар ҳам рўмолни ушлаб ололса, “она”нинг “қиз”ларидан бири ўйиндан чиқади.

Мана ниҳоят учала “ўғри” ҳам ўйиндан чиқди. “Она”нинг катта “қизи” уларни ушлаб келтиради. Ва:

— “Она”жон, биз боғимизга ҳужум қиласган “ўғри”ларни тутдик. Уларга не жазо кўрасиз? — деб сўрайди.



– Уларнинг ҳар бирига беш даррадан урилсин. Ва эслатилсинки, бирорнинг мулкига қайтиб кўз олайтиришмасин, – дейди.

Киз бояги рўмол билан “ўғри”ларни беш даррадан уради.

Энди агар ўйин давомида онанинг қизлари рўмолни тутиб ололмай енгилса, боққа “ўғри”лар ҳукмронлик қиласди.

Ўйин болаларда ҳар ким ўз остонасини, ўз богини, ўз сарҳадини химоя қилиш туйғусини оширади. Шунингдек, рўмолга тугилган юмшоқ коптотка бувилар, она ёрдамида тайёрланиши билан ҳам аҳамиятли.

## *Киз ва қушлар*

*Қарши туманинаги Чорагил қишилогидан ёзиб олинди.*

Бу ўйин ҳам онанинг ўз қизини ҳаётга тайёрлаши ҳақида. Ўйинда ўнтача қиз иштирок этади. Вокеа мана бундай. Бир куни бозорга кетаётган “она” тугунча тўла юмшоқ коптотчаларни жой-жойига қўйишни “қизи”га топширади. “Қиз” эса топширикни бажармай ҳовлидаги “кушлар” билан сухбатга берилиб кетади.

“Она”нинг бозордан қайтаётганини кўрган “кушлар” уни чалғитишга ҳаракат қиласдилар. Улардан бири “она”га:

– Келинг, беш тош ўйнаймиз, – деб таклиф қиласди.

“Она” у билан беш тош ўйнайди. “Қизи” томон интилганда иккинчи “куш”:

– Келинг, арқон тортар ўйнаймиз, – дейди.

Она у билан ҳам ўйнайди. Хуллас ўйиндаги саккизта “куш” образини бажараётган қизлар “она” билан куч синашиш, арқон сакраш, чиллак каби қатор халқ ўйинларидан мусобақалашадилар. Бу вақтгача “қиз” “она”нинг топшириқларини бажариб улгуради.

— Она қизим, момо қизим, баракалла, — деб “она” “қизи”ни алқайди.

Ва яна бозорга кетаётиб тугун тұла тошларни беради:

— Мана бу тошларни жой-жойига қўйгин, — деб тайинлайди.

Она қайтиб келганини кўрган “кушлар” — қизлар уни энди бошқа халқ ўйинлари билан чалғитишга ҳаракат қиласидилар. Ниҳоят “қиз” “она”нинг иккинчи топшириғини ҳам уддалайди. Шунда “куш”лар:

— Сен биз билан дўст бўлиб қолгин, — деб қизга таклиф қиласидилар.

“Қиз” ва “она”си рози бўлади. Қизлар — “кушлар”нинг ҳар бири қизга ўз билган халқ ўйинларини қайтадан кўрсатиб берадилар.

Бу ўйин тўлиқ воқеабанддир. Ундаги она, қиз ва кушлар образиларининг мукаммал ижро этилиши болаларда санъатга бўлган меҳрни уйғотади. “Куш”лар образидаги қизларнинг турли халқ ўйинларини намойиш этиши эса миллий меросимизни тарғибот қилишдир.

## ***Бургут келди***

*Нукус шаҳридан ёзиб олинди.*

Ўйинда беш-олти нафар қиз ва битта ўғил бола иштирок этади. Қизларнинг бақувват ва кучлироғи она товуқ образини бажаради. У сафнинг олдида туради. Қолган қизлар эса унинг белидан занжир шаклида маҳкам қучиб оладилар.

Шу пайт “қанот”ларини ёзганча бургут образидаги ўғил бола пайдо бўлади. У атрофда ваҳима солиб “уча” бошлайди, бургутдек ҳар хил товушлар чиқаради. “Она товуқ” эса:

— Бургут келди, қочинглар, бургут келди қочинглар, — деганча жон-жаҳди билан болаларини ҳимоя

қилиш учун икки қўлини баланд кўтариб олиб, “бургут”ни ҳайдашга ҳаракат қиласди.

Унинг белидан қучиб олган “жўжа”лари “она”нинг ҳаракатига мос равишда айланад бошлайдилар. Яъни “она” қайси тарафга ҳаракат қиласа, “жўжа”лар ҳам паравоз шаклида шундай ҳаракат қиласидилар. Аммо “бургут” кўрқмас, жасур, кучли ва чаққон. У “она”нинг орқасида турган “жўжа”ларнинг энг охиргисини ушлаб олишга ҳаракат қиласди. Мана у “жўжа”лардан бири-нинг елкасидан ушлади. Демак мана шу “жўжа”ни “бургут” кўлидан ушлаб бир чеккага олиб бориб қўяди.

Аммо “она товук” тушкунликка тушмайди. Яна “бала”ларини “бургут” келгани, эҳтиёт бўлиш кераклигини айтиб огоҳлантирганча ўйинни давом эттиради.

Ўйин барча қизлар “бургут”нинг қўлига тушиб, она товук ёлғиз қолгунча давом этади. Ва ниҳоят “она товук” билан “бургут” ўртасида яккама-якка жанг бошланади. Ким рақибнинг елкасидан ушлаб олса, у ғолиб саналади. Барибир бу ерда “бургут” ғолиб бўлди. Чунки “она товук” битта ўзи шундай рақиб билан олишишга кучи етмайди. Демак, “она товук” ҳамда унинг барча “жўжа”лари “бургут” уясига қамалади.

Бу ўйин воқеабанд шу билан бирга болаларда ватанпарварлик туйғуларини шакллантиради. Ҳар бир инсон ўз остонасини ташқи таъсирлардан ҳимоя қилиши керак. Бунинг учун “она товук” ҳамда унинг “жўжа”лари кучли, жисмоний бақувват бўлишлари керак эди. Ўйинни қузатиб бугуннинг долзарб масалаларидан бири “ўз ўйингни ўзинг асрা” шиори хотирга тушади.

Демак, болалар бу ўйинни ўйнаб ўз она Ватанларини ҳимоя қилиш учун қандай бўлиш кераклигини англаб етадилар. “Бургут келди” ўйинини ўғил болалар ҳам bemalol ўйнаса бўлади.

## Лайлак келди

Карши шаҳридаги Ҳарамжой қишлоғидан ёзиг олинди.

Бу ўйинда беш-олти нафар қиз иштирок этади. Улар бир-бирларининг қўлларидан ушлашиб, гир айланга бўлиб турадилар. Онабоши эса қизларни қуйидаги шеър билан санаб лайлакнинг онасини аниқлайди:

*Лайлаким лайлак,  
Тухуми лак-лак.  
Қаранг бола очибди,  
Тут бўлибди каллак.*

Демак “каллак” сўзи қайси қизга тўғри келса, у четга чиқаверади. Энг охирида қолган иккита қизнинг қай бирига “каллак” сўзи тўғри келса у четга чиқади, қолган қиз эса “она лайлак” ролини бажаради.

У қизлар қайтадан доира шаклида туриб олгач ўртага тушади ва ўзига хос тарзда саноқ ўтказади:

*Лайлак келди,  
Тухум қўйди.  
Бола очиб,  
Эркалаб сўйди.*

Сўйди сўзи кимга тўғри келса, у кафтини очиб туради. “Она лайлак”:

– Лайлак нечта туғибди? – деб сўрайди.

Кафтини очиб турган қиз:

– Бешта, – деб жавоб беради.

“Она лайлак” унинг кафтига тўрт марта шапатилайди. Охирги бешинчи шапатини уриб улгурса, у ғолиб, мабодо қиз кафтларини ўз вактида ёпиб улгурса, демак у ғолибдир. Ўйиннинг энг мураккаб жойи ҳам ана шу пайтда юз кўрсатади. Она лайлак образидаги қиз дугонасининг кафтига шапатила олмай қийналади.

Агар “она лайлак” ғолиб бўлса, шапатини қабул қилган қиз ўйиндан четлаштирилади. Ёки аксинча, бу қиз ғолиб бўлиб она лайлак образини бажаради.



Бу ўйин қизларда эҳтиёткорлик хусусиятининг шаклланишида хизмат қиласи. “Она лайлак” барча қизларни шу тартибда ўйиндан четлаштира олса, унинг айтган барча шартлари бажарилади.

## **Пир этди**

*Самарқанд вилояти Ургут туманидан ёзиб олинди*

Ўйинда саккиз нафар қиз иштирок этади. Ўйинни ўртабоши бошқариб боради. У давранинг ўртасига чиқиб:

– Қизлар, чумчук пир этди, – дейди.

Барча иштирокчилар “пир этди, пир этди” деб такрорлайдилар. Ўйинбоши уларни чалғитиши учун бир неча марта “каптар”, “мусича” каби қушларнинг номини айтади. Қизлар эса:

– Пир этди, пир этди, – деб такрорлайдилар.

Қизлар кутмаган бир ҳолатда ўртабоши:

– Балиқ, – дейди.

Қизлардан бирортаси шошилиб “пир этди” деса, ўйиндан чиқади. Ўйин ана шу тарзда давом этади. Ўйинбоши турли хил қушларнинг номини айтади. Қизлар “пир этди” деб турадилар. Яна тўсатдан бирорта ҳайвон номи айтилса, адашган қиз ўйиндан чиқади.

Ўйин иштирокчиларда зийраклик хусусиятини шакллантиради.

## **Күшим боши**

*Тошкент шаҳридан ёзиб олинди*

Ўйинда саккиз нафар қиз иштирок этади. Уни иккита ўртабоши қиз бошқариб боради. Иштирокчилар давра бўлиб ўтириб оладилар. Ўртабоши қиз қўлидаги қийиқнинг учига бармоғини буклаб, бирор қушнинг

боши, танаси шаклини күрсатади. Ва иккала ўртабоши ўзларига маъқул келган бирор қушни танлайдилар ва унга шеър айтиб таъриф берадилар. Айтайлик, қизлар мусичага мана бундай таъриф берадилар:

*Күшим боши кичикгина,  
Күничагинам беозоргина,  
Қадамлари майдагина.*

Колган иштирокчилар шеър қандай қушга нисбатан айтилганини топиши керак.

- Бедана, – дейди иштирокчилар.
- Тўғри, – дейди ўртабоши.

Ва яна шеър айтади:

*Күшим боши каттагина,  
Қараашлари ўткиргина,  
Учишлари дадилгина.*

Қизлар бирпас ўйланиб қоладилар. Улардан бири:

- Бургут, – дейди.
- Тўғри, – дейди ўртабоши.

Ўйин давомида шеърдаги таърифга мос келмаган қушни айтган иштирокчи ўйиндан чиқади.

– Яна шеър айтаман. Диққат қилинглар, – дейди ўртабоши. Ва:

*Күшим боши майдагина,  
Қанотлари чипоргина,  
Ўзи чаққон, абжиргина.*

Қизлар ўйланиб турадилар. Улардан бири:

- Қалдирғоч, – дейди.

Шу тариқа бургут, чумчук, каклик, қарға, қалдирғоч каби қатор қушларга шеърий йўл билан таъриф берилади.

Бу ўйин қизларда тезкорлик билан шеърий матн тузиш ва матннинг мазмунини тез англашни ўргатади. Ўйинда восита сифатида рўмол ёки қийиқча иштирок этади.



## Ким кучли?

*Қарши туманидаги Чорагил қишлоғидан ёзиб олинди.*

Бу ўйин қизлар, шу билан бирга ўғил болалар учун ҳам мос келади. Аввало ўйин учун лахтаклардан ўн дона юмшоқ коптоқчалар ясалади. Улар ранг-баранг бўлса болаларнинг кўзини қувнатади. Ўйинбоши бешта юмшоқ коптоқчани айтайлик Шарқ тарафга, яна бештасини унинг рўпарасига териб қўяди. Коптоқлар орасидаги масофа тўрт метр бўлиши керак. Ўйинбоши ўртага узун чизик чизади. Ана шу чизик ёнида иккита қиз бир-бирига орқа ўгириб тик туради. Ўйинбоши уни тугилган арқонни иккаласининг белидан ўтказади.

Ўйинбоши қўлини баланд кўтариб туширганда белларига арқон боғланган иккала қиз ҳам ерга тиз чўкканча коптоқлар томон эмаклади. Демак битта қиз Шарқ тарафдаги, яна бири Ғарб тарафдаги коптоқлар томон интилади. Шуниси аҳамиятлики, эмаклаш давомида рақибингизни ҳам судраб кета, олишингиз керак. Бунинг учун сиз кучли, жисмонан бақувват бўлишингиз талаб этилади. Агар ким ожиз бўлса, иштирокчилар олдида изза бўлади.

Қизлар бу ўйинни ҳовлида, сўриток соясида бемалол ўйнай оладилар. Коптоқчаларни тайёрлашга эса бувилари, оналари, опалари ёрдам беришлари мумкин. Унутмангки, қизларга ғолиблик учун қурашиш кераклигини ва ҳаётда ҳам ғолиб бўлишнинг мароқли эканлигини сингдира олиш зарур.

## Латта коптот

Тошкент шаҳридаги Қоратоши маҳалласидан ёзиг  
олинди.

Ўйинда исталганча ва исталган ёшдаги қизлар иштирок этиши мумкин. Аввало бувилар ва оналар ёрдамида ҳар бир иштирокчи қиз учун лахтаклардан юмшоқ коптотчалар тайёрланади. Коптотчалар қопламаси сариқ, қўқ, яшил, оқ матолардан тайёрланса. киши кўзини қувнатади.

Энди қизлар ўртага ким тушишини қуидагича аниқлайдилар:

*Қизга қизиқ билгани,  
Олмаси бор қиз қани?*

“Қани” сўзи қайси қизга тўғри келса, у чеккага чиқа бошлади. Ва энг охирида қолган қиз ерга чўқ тушиб ўтиради. Ўйинбоши унинг бошига битта олма қўйиб қўяди. Қолган қизлар айлана бўлиб турадилар. Энди ҳар битта иштирокчи:

*Шошилмай юзта сана,  
Олмаси бор қиз мана,*

деганча ўз қўлидаги коптотчаси билан қизнинг бошидаги олмани мўлжалга олади.

Бу ўйинда шарт шуки, бошида олмаси бор қиз билан мўлжалга олаётган қиз ўртасидаги масофа икки метрдан кам бўлмаслиги керак. Ҳар бир қиз олмани бир мартадан мўлжалга олиш хуқуқига эга. Мўлжалда у адашдими, навбатдаги қиз олма учун курашади. Айтайлик, олма тезда мўлжалга олинди. Шундай ҳолатда ўйин яна давом этади.

Бу ўйинни бемалол ҳовлида опа-сингиллар биргаликда ўйнасалар бўлади. У қизларнинг бичиш-тикишга маҳоратларини оширади ва масофани тўғри танлай олиш, мўлжалда адашмаслик, руҳий хотиржамликка ўргатади.



## Ўртага тушар

Қашқадарё вилояти Қамаши туманидаги  
Бадахшон қишилогидан ёзib олинди.

Бу ўйинда етти, саккиз нафар қизлар иштирок этадилар. Уни ўйинбоши бошқарib боради.

Қизлар айлана бўлганча коптокни бир-бирларига ҳаволатиб узатиб ўйнайдилар. Қайси қиз коптокни дугонасига етказа олмаса, у ўртага тушади. Ўртага тушган қиз коптокнинг йўналишини диққат билан кузатиши керак. Чунки копток ўйнаётган қизлар исталган пайт копток билан урадилар. Ана шу дақиқада қиз коптокни илиб олиши керак. Илиб олса коптокни отган қиз эса ўртага тушади.

Бу ўйин қизларда чаққонликни оширади, уларда серҳаракатлиликни тарбиялади.

## Топдим-топмадим

Қарши шаҳридаги Ҳарамжой қишилогидан ёзib олинди.

Бу ўйинда ўнтача қиз иштирок этиши мумкин. Она боши ўйинни бошлайдиган қизни мана бундай тартибда аниқлади:

Ким қўринса чопмадим,  
Тилла узукни топмадим.

Шу тахлитда қизлар саноқдан ўтади. Яъни қайси қизга “топмадим” сўзи тўғри келса, у бир чеккага чиқиб туради. Охирида иккита қиз қолганда “топмадим” сўзи кимга тўғри келса, у чеккага чиқади, қолган қиз эса ўйинни бошлайди. У иккита қўлини қовуштириб олади. Ташланадиган узук ана шу ёпиқ кафтнинг ичиди. Бошқа қизлар қатор бўлиб турадилар. Қиз уларнинг кўзига қараб:

*Күёңчадай чополдим,  
Тилла узукни тополдим.  
Тилла узук қайдадир  
Кафтиңгизда пайдодир,*

деганча кафтларини қизларнинг ярим очилган кафтларига енгил уриб ўта бошлайди. Ўйин давомида қизлар шу даражада сехрлангандек бўладиларки, узук ўз кафтида пайдо бўлганини сезмай қолади. Нихоят, барча қизлар кафтларини очиб қарайдилар. Узук кимнинг кафтида бўлса, уни ташлаган қизнинг олдига келади. Улар чеккароққа чиқиб бирор-бир топишмоқли саволга келишиб оладилар. Ва биргаллашиб қизларга савол беришади.

Масалан:

– “Хамса” кимнинг асари? У нечта достондан иборат?

– Қамашидаги Ҳазрати Лангар ота зиёратгоҳининг тарихини биласизми?

– Шаҳрисабздаги Оқсаройни ким қурдирган?

– Тошкентнинг болалиги деб қайси хароба тилга олиняпти?

– Тошкент қачон ва нима сабабдан Ислом маданияти пойтахти дейилган?

Мана шу каби саволларнинг бири айтилади. Қайси қиз жавоб топса, у узук солувчи бўлади. Агар мабодо ҳеч ким тўғри жавобни тополмаса, барча қизлар бирор кўшиқ айтиб бериши, рақсга тушиши мумкин.

Бу ўйин қизларнинг интеллектуал салоҳияти ошишига хизмат қиласиди.



## Сандал-сандал

Қамаши туманидаги Гиштли қишлоғидан ёзиг олинди.

Одатда айнан қиши фаслида, куннинг совуғида ўйинлар билан машғул бўлиш мураккаблашади. Бундай пайтда танча, яъни сандал атрофида бошқотирма ўйинлар ўйналади.

Бу ўйин бошқотирмага асосланган. Уни истаса опасингил, ака-укалар кўплашиб ўйнайдилар.

– Битта бошқотирма айтаман. Ким топса мукофот олади. Қишлоғимиздаги симёғочда ўнта қалдирғоч қўниб турган эди. Валижон шундай уйдан чиқдию. уларга қараб тош отди. Симёғочда нечта қалдирғоч қолди?

– Тош нечта қалдирғочга теккан эди? – сўрайди сингил.

– Битта қалдирғочга, – жавоб берди ака.

– Тўққизта қолди, ака, – деди сингил.

– Йўқ менимча саккизта қолган. Қалдирғочнинг ёнидаги қуш ҳам қўрқиб учиб кетган, – деди укаси.

– Менимча битта ҳам қалдирғоч қолмаган. Чунки уларнинг ҳаммаси қўрқиб, учиб кетган, – деди опа.

– Тўппа-тўғри. Чунки ростдан ҳам қушлар кўтарилган шовқиндан баравар қўрқиб кетишади. Мана сизга битта олма, – дейди ака. – Яна битта бошқотирма. Олма дараҳтининг энг баланд шохида ўн бешта олма бор эди. Салим чиқиб шохни силкитди. Шохда нечта беҳи қолди?

– Беш-олтида қолган бўлса керак, – деди сингил.

– Ҳаммаси тушиб кетган, – гапга қўшилди ука.

– Олмада беҳи мева бўлмайди, – деди опа.

– Баракалла. Мана сизга яна битта олма, – деди ака.

– Ростдан ҳам олма дараҳтида олма, беҳи дараҳтида беҳи пишади. Бу бошқотирмалар одамни яхшилаб ўйлашга ўргатади. Шунинг учун саволни эшитганда дик-

қат билан жавоб беринглар. Мана яна битта бошқотирма. Бир коса қумда бир миллион дона заррача бор. Ундан ярим пиёла олиб қўйилса, косада нечта қум зарраси қолади.

- Миллиондан камроқ, – деди сингил.
- Саккиз юз мингта бўлса керак, – деди ука.
- Қум заррасини санаб бўлмайди, – деди опа.
- Тўппа-тўғри. Агар мен косада қумнинг оғирлигини айтиб, пиёлага олингач қанча грамм қолди, десам бошқа гап эди. Ростдан ҳам қум заррасини санаб бўлмайди, – деди ака.
- Ўйинни яна давом эттирамиз. Катта ўрик дарахти бор эди. Унинг бир шохидა ўнта олма, иккинчи шохидада учта шафтоли, учинчи шохидада бешта шотут бор эди. Дарахтни Али бир силкитган эди, ҳамма мевалар дув этиб тўкилди. Жами нечта мева тўкилди? – сўради ака.
- Ўн саккизта мева тўкилади, – деди ука билан сингил шошилиб.
- Йўқ, бир дарахтда турли мевалар пишмайди, – деди опа.
- Тўппа-тўғри. Ростдан ҳам бир дарахтда бир неча хил мева пишмайди. Мана бу олма яна сизга, – деди ака.
- Ана шундай бошқотирма ўйинлар болаларнинг берилган саволни диққат билан тинглашга, ўйлаб жавоб беришга ўргатади.

## *Сўзма-сўз*

*Қашқадарё вилояти Қамаши тумани Баҳрин  
қишилогидан ёзib олинди.*

Қиши фаслида қўпроқ бошқотирма ўйинлар ўйналади. Бу ўйин ҳам бошқотирмага асосланади. Уни оиласда ака-укалар, опа-сингиллар ўйнаса бўлади. Ўйинда восита сифатида қофоз, қалам ишлатилади.



– Ҳозир сизларга бир нечта сўз айтаман. Шундан тезда гап тузасизлар. Ким биринчи бўлиб гап тусса, ўшанга совға бор. Демак бошладик. Мактабнинг, йил, синфига, бораман, мен, бу, биринчи. Ёзib олдингларми? Унда бошладик, – дейди опа.

Барча бараварига сўзлардан гап тузишга тушиб кетади. Ниҳоят кимдир биринчи бўлиб улгурди.

– Мен топдим, – дейди у.

– Қани, ўқи-чи, – дейди ака.

– Мен бу йил мактабнинг биринчи синфига бораман, – дейди улгурган одам.

– Баракалла, мана бу анор сенга, – дейди опа. – Яна диққат қилинг. Ёзинг энди. Каналлар, ўралган, билан, қишлоғимиз, икки, бизнинг, дарё, ариқлар, томондан. Қани тез ёзинглар, – дейди опа.

Ўйинда қатнашаётганлар апил-тапил ёзишга тушиб кетадилар. Ниҳоят гап тузишга моҳир иштирокчи улгуради.

– Бизнинг қишлоғимиз икки томондан дарё, ариқлар, каналлар билан ўралган, – жавоб беради у.

– Баракалла. Мана бу анор сенга, – дейди опа.

Ўйин ана шу тариқа давом этади. Унда ниҳоятда мураккаб гап тузиш ҳам белгиланади. Бу эса болаларнинг она тили ва адабиётидан билимлари пухта бўлишига туртки бўлади.

## Тапир-тупур қалдирғоч

Тошкент шаҳрининг Файзиобод маҳалласидан ёзив олинди

Ўйинда ўн нафар қизлар иштирок этади. Улар айланада бўлиб ўтириб оладилар. Ўртабоши эса кафтларига узук солганча қизларнинг атрофида айланади. Ва ҳар бир қизнинг кафтига кафтларини тегизиб:

*Тапир-тупур қалдирғоч,  
Ола қанотингни оч.  
Қиргий келди қиёдан,  
Чаққон бўлиб тезроқ қоч,*

деб қўшиқ куйлайди. Бу қўшиққа қизлар маҳлиё бўладилар. Ва ўртабоши кимнинг кафтига узук ташлаганини билмай қоладилар. Бу пайтда қизлар кафтларини ерга урганча ўртабоши куйлаган қўшиқни куйлай бошлайдилар.

*Тапир-тупур қалдирғоч,  
Ола қанотингни оч.  
Қиргий келди қиёдан,  
Чаққон бўлиб тезроқ қоч.*

Ана шу жараёнда узук кимнинг кафтида эканлиги маълум бўлади. Барча иштирокчилар дикқатларини жам қилган ҳолда, қўшиқ куйлаб турадилар. Ўртабоши ҳам худди ҳеч нарса билан иши йўқдек атрофда айланниб қўшиқ куйлаб юради. Ва тўсатдан кафтларига узук ташланган қизнинг қўлларидан тортиб даврадан узиб олишга ҳаракат қиласи. Агар ўртабоши бақувват ва тезкор бўлса, қизни даврадан ажратиб олади. Мабодо иштирокчилар узукли қизнинг этакларидан тортиб қолса, ўйин қайтадан давом этади.

Айтайлик, ўртабоши қизни дугоналари сафидан ажратиб олди. Энди улар барча қизларнинг оёқ кийимлари қўйилган жойга борадилар. Исталган бир пой оёқ кийимни олиб:

- Кимники? – деб сўрайдилар.
- Қизлар таваккалига:
- Наргизанинг ковуши, – дейишади.

Ана шу оёқ кийимни сифадими, йўқми, каттами, кичикми Наргиза отлиғ иштирокчи кийиб олади. Бундай пайт кимгадир икки пой оёқ кийим, кимгадир ранги турли тусдаги оёқ кийим тушади. Бу эса қизларнинг кулгусига сабаб бўлади.



Бу ўйин қизларни зийрак, чаққон, кучли бўлиб вояга етишига ёрдам беради.

## Қадамба-қадам

*Қашқадарё вилояти Қамаши туманидаги  
Бадахшон қишилогидан ёзиб олинди.*

Ўйинда олти нафар қиз иштирок этади. Улардан бири онабоши бўлиб, ҳалолликни назорат қиласди. Ўйин катта доира майдонида бўлиб ўтади. Бешта қиз доиранинг ўртасида бошларини ерга эгиб ўтириб оладилар. Онабоши:

– Кизлар, диққат, беш карра беш? – дейди.

Кизлар бир овоздан:

– Йигирма беш, – дейдилар ва доиранинг хоҳлаган тарафиға югуриб бориб туриб оладилар.

Улар бирдан бешгача бўлган рақамларни танлаб оладилар. Ким бир рақамини танлаган бўлса, икки рақамини танлаган дугонасига қараб:

– Мен сенга уч қадам ташлаб етиб оламан, – дейди.

Шарт шуки, бир рақам эгаси учинчи қадамни ташлаганда икки рақам эгасининг оёғини босиши керак. Икки рақам рақам эгаси эса бир рақам эгаси учинчи қадамини ташлаётганда икки оёқлари орасини очиб олиши мумкин. Шундай ҳолатда ҳам биринчи рақам эгаси иккинчи рақам эгасининг оёғини босса, иккинчи рақам эгаси ўйиндан чиқади. Агар биринчи рақам эгаси унинг оёғини боса олмаса, ўзи ўйиндан чиқади.

Ўйин ана шу тарзда давом этади. Охирида қолган қиз ғолибdir. У дугоналарига истаган шартларни айтади. Мағлуб қизлар унинг айтган шартларини бажаришлари шарт. Бу ўйин қизларда мўлжални тўғри олишни ўргатади.

## Кўз бойланди

Самарқанд вилояти Ургут туманидан ёзиб олинди.

Ўйинда олти нафар қизлар иштирок этади. Улардан бири онабоши, бири она, қолган тўрт нафари унинг “фарзанд”ларидир. Онабоши “она” турган ҳудудга белги қўяди. Бу белги тош, рўмол ҳам бўлиши мумкин. Иштирокчилар ҳудудни яхшилаб қўриб оладилар, неча қадамлигини тахмин қиласилар. Шундан сўнг “она” уларнинг барчасининг кўзини рўмол билан боғлайди. Ва болаларига илон, қўён, чумчук, қарға, деб ном қўяди.

Онабоши болаларнинг фикрини чалғитиш учун ҳар хил кулгили гаплар айтади. Ва тўсатдан:

– Илон, – дейди.

Ўйиннинг шарти шуки илон образидаги қиз:

– Мумкинми? – дейиши керак.

Онабоши:

– Мумкин, – дейди.

Шундан сўнг илон образидаги қиз илондек судрабиб онабоши қўйган белги томон ўрмалайди. Агар у “мумкинми?” дейишни унутса ўйиндан чиқади.

У манзилга етгач ўйин бошқа иштирокчилар билан давом этади.

Бу ўйин мазмун, моҳиятига кўра қизларга ҳушёрлик, зийракликни ўргатади. Қолаверса, табиатда яшайдиган қушлар, ҳайвонлар, жониворларнинг ҳатти-харакати, қадам ташлашини ҳам билиб оладилар.

## Олди-солди

Самарқанд вилояти Булунгур туманидан ёзиб олинди.

Бу ўйин ҳам “Топдим-топмадим” ўйинига ўхшаб кетади. Унда узук ўрнига тош, бирор бир ўсимлик танланиши ҳам мумкин. Онабоши қиз мана бундай тартибда тош солувчи қизни танлайди:



*Бир, икки, уч, дедим,  
Ёнгоқ ичи пуч, дедим.  
Тош кафтингга тушганда  
Орқасидан уч, дедим.*

Демак, сўнгти “дедим” сўзи қайси қизга тўғри келса, у четга чиқади. Охирида иккита қиз қолганда бу шеър такрорланади ва “дедим” сўзи қайси қизга тўғри келса у четга чиқади, кейинги қиз эса тош соловчи бўлади. У кафтлари орасига тош, узук ёки бирор бир ўсимлик баргини солиб шеър бошлайди. Бу пайт барча иштирокчи қизлар кафтларини ярим очиб турадилар. Тош соловчи қиз:

*Солай, солай, кимга солай,  
Қорни семиз бойга солай.  
Бойдан менга нима наф бор?  
Ошиб, тошган сойга солай,*

дейдию, тошни дугонасининг кафтига ташлаганча белгиланган манзил томон чопади. Айтайлиқ, манзил қилиб ҳовлидаги бирорта дарахт танланиши мумкин. Шарт шуки, қочаётган қиз дарахтни айланиб ортга қайтиши, қувлаётган қиз ҳам аввал дарахтни айланиб сўнг дугонасига етиб олишга ҳаракат қилиши керак. Ана шу вақт мобайнинда қизни тутолмаса у дугоналарининг айтган шартини бажаради. Тутиб олса қочган қиз шартни бажаради. Масалан, “ҳовлинин супуриб ташла”, “ошхона деразасини арт”, “чой қўйиб кел”, “совуқ сув келтир”, каби шартларни бажаради. Шартларни бажаргач у тош соловчи ролини ўтайди.

Кўп ҳолда қизлар қўшиқ айтадилар, ютқизган қиз эса ўйинга тушади.

*Яйраб, яйраб ўйнаймиз,  
Қувнаб, қувнаб ўйнаймиз.  
Бой буванинг эчкисидай,  
Сакраб, сакраб ўйнаймиз.*

“Олди-солди” ўйини воситали, шу билан бирга ҳаракатли ўйинлар сирасига киради. Бу ерда восита тош, узук ёки ўсимлик барги ҳисобланади. Шу билан бирга қизлар югуриш билан шуғулланадилар ва ўз соғликларини тиклайдилар.

## *Занжир*

*Тошкент шаҳридан ёзиб олинди.*

Бу ўйинда ўнлаб қизлар иштирок этишлари мумкин. Ўйинни онабоши бошқарив боради. Онабоши қиз ўйин худудидан йигирма қадамча нарида шайланиб туради. Қолган қизлар сачраб қочадилар. Онабоши улардан биттасини тутади ва улар қўл ушлашиб бошқаларни қувладилар. Қувлаш жараёнида ҳар иккаласи бир вақтнинг ўзида иккита қизни тутиб олишлари мумкин. Шунда қувлаш занжир ҳолатида давом этади. Тасаввур қилинг, етти-саккиз қиз бир-бирининг қўлидан ушлаганча бошқаларни қувлаб тутишга ҳаракат қиласидилар. Шарт шуки, занжир узилиб кетмаслиги яъни улар қўлларини қўйиб юбормасликлари керак. Барча қизлар ушлангач охирида ушланган қиз онабоши ўрнини эгаллаб ўйин давом этади.

“Занжир” ўйини тўлиқ ҳаракатли ўйинлар сирасига киради. Мазмун моҳиятига кўра у бирдамлик, аҳилликка чорловчи ўйиндир. Яъни инсон қанчалик бирлашса, шунчалик кучли бўлишига ишорадир. Бу ўйинни бемалол ҳовлида, боғ кўчаларда ўйнаса бўлади. У қизларнинг соғлигини тиклашга бевосита хизмат қиласиди.



## ***Сават***

*Тошкент шаҳар Сирғали туманидаги Шоштепа  
маҳалласидан ёзib олинди.*

Бу ўйин асосан ҳунармандчилик ривожланган жойларга ҳосдир. Беш-олти нафар қиз иккита тўрт метрлик чизимча арқондан эни йигирма беш сантиметр келадиган йўлакча тайёrlайдилар. Онабоши саватни бошига қўйиб йўлакча ичидан ўтади. Қолган иштирокчилар унинг исмими такрорлаб, олқишилаб турадилар. Иштирокчи саватни бошига қўйишдан олдин қаддини тик тутиб олиши, қадамларини мўлжаллаши зарур. Мана у тайёр бўлди. Энди йўлакдан ўта бошлайди. Шарт шулки у йўлак томон қўз ташламасдан, бошини баланд, қаддини тик тутиб ҳаракатни бажариши керак. Мабодо у арқонни босиб кетса, ўйиндан четлаштирилади. Шунингдек, бошидан сават тушиб кетган қиз ҳам ўйиндан чиқади.

“Сават” ўйини қизларга қаддини тик тутиш, мувозанатни ушлаш, ерга қарамасдан туриб ҳис қилиш каби қатор фазилатларни ўргатади. Ўйин давомида қизлар вазифани уddaрай олмаган иштирокчига турли шартлар белгилаши, ўйин-кулгу қилишлари мумкин. Бу ўйин учун саватни ҳунарманд ота-оналар тўкиб берсалар янада яхши.

## ***Ким урди?***

*Қашқадарё вилояти Қамаши туманидаги Бадахшон  
қишилогидан ёзib олинди.*

Бу ўйинда ёши, бўйи teng қизлар иштирок этадилар. Аввало улар мана бундай шеър айтиб “коровул”ни аниқлайдилар:

*Моманг келибди Турди,  
Монови қизди ким урди?*

Кизлардан қайси бирига “урди” сўзи тўғри келса, у бир чеккага чиқа бошлади. Демак, охирги қиз “коровул” образини бажаради. Қолган қизлар орқада саф тортадилар. “Коровул” икки қўли билан кўзларини бекитгач қизлардан бири аста келиб унинг ўнг ёки чап чаккасига оҳиста шапатилайди. У жойига боргач қизлар бараварига бор овозда қўшиқ айтадилар:

*Моманг келибди Турди,  
Манови қизни ким урди?*

деб бор овозда қўшиқ айтадилар.

“Коровул” қиз бекилган кўзини очиб ҳар бир қизнинг чехрасига диққат билан разм солади. У бутунлай руҳий дикқатини ишга солиши, қизларнинг кўзига тикилиб бу ишни бажарган иштирокчини топа билиши керак. Агар топса, қиз билан “қоровул” ўрин алмашадилар. Ўйин исталганча давом этади.

Бу ўйинни бемалол ҳовлида ўйнаса бўлади. Унинг аҳамиятли томони қизларда руҳий имкониятни оширади, англай, илғай билиш қобилиятини ўстиради.

## ***Кўз бойлагич***

*Қарши шахридан ёзиб олинди.*

Ўйинда етти нафар қиз иштирок этади. Каттагина айлана чизилади. Қизлар ўзаро келишиб бир қизни “кўр момо” деб белгилайдилар. Унинг кўзини рўмол билан боғлаб “кўр момо, кўр момо” деб масҳаралаб доира ичидаги қочадилар. Агар “кўр момо” билмай доирадан чиқиб кетса, уни орқасидан туртиб доира ичига киритиб қўядилар.

Шарт шуки “кўр момо” иштирокчилардан бирор тасини ушлаб олиши керак. Энг муҳим жиҳат шундаки, кўр момо образидаги қиз кўзидаги рўмолни ечмасдан дугонасининг юз кўзини пайпаслаб унинг



кимлигини айтиши керак. Агар нотўғри айтса, ўртабоши:

—Нотўғри айтдинг, уни қўйиб юбор, —дейди.

Ўйин ана шу тариқа давом этади. Бу ўйин қизларда сезувчанлик хусусиятини оширади.

### **Чум-чум палак**

*Наманган вилояти Янгиқўргон туманидаги  
Исковот қишилогидага ёзиб олинди.*

Ўйинда етти нафар қиз иштирок этади. Улар икки жамоага бўлинниб ўтириб оладилар. Демак, ҳар бир жамоада уч нафардан қиз бор. Еттинчи қиз эса она боши. У ҳар икки томонга ҳам ён босмаслиги керак. Онабоши кафтига узук ёки тош яширади. Қайси жамоа сардори уни топса ўйинни бошлаб беради. Яъни онабоши қўлидаги рўмол билан ўша тарафдаги қизнинг кўзини боғлайди. Ва қўли билан ишора қилиб рақиб томондан битта қизни чақиради. Чақирилган қиз аста келиб кўзи бойланган қизнинг бошига чертади. У то жойига бориб ўтириб олгунча онабоши қизнинг кўзларини рўмолдан озод қилмайди.

Нихоят рўмол ечилгач рақиб томон:

*Чум-чум палак,*

*Чум-чум палак,*

деб қўшиқ куйлайдилар.

Бундай пайт қўзи боғланган қизнинг жамоадошлиари ким чертганини айтмасликлари керак. Бу адолат мезони онабоши томонидан назорат қилинади. Агар қайси қиз шивирлаб буни айтса, у турли хил шартлар билан жазоланади. Масалан, ҳовлини супуриш, гулларга сув қувиш, совуқ чой олиб келиш каби. Ва кўз боғлаш қайтадан ўтказилади.

Демак, қиз ўрнидан туриб рақиб жамоанинг барча аъзоларининг кўзига дикқат билан тикилиб қарай бош-

лайди. Иштирокчиларнинг қайси бири чертганини уларнинг кўзидан, ҳатти-ҳаракатларидан илғашга ҳаракат қиласди. Ким чертганини топиш анчайин мураккаб иш. Бунинг учун излаётган қизда руҳий англаш кучли бўлиши керак. Айтайлик, мана у топди. Топилган қиз барча иштирокчиларнинг келишувига биноан бирор бир шартни бажаради. Мабодо, қиз тополмай адашса, шартни ўзи бажаради.

“Чум-чум палак” ўйинида шартларга адабиёт, санъат, шеър ва топишмоқ айтиш, тез айтиш, рақсга тушиш каби талаблар киритилади. Бу эса ўз-ўзидан қизларнинг фикран илғор бўлишига, хотирани мустаҳкамлашларига сабабчи бўлади. Бу ўйин иштирокчиларда руҳий англаш ҳиссини ҳам ривожлантиради.

## *Дашинмовуқ*

*Қашқадарё вилояти Қамаши туманидаги  
Бадахшон қишлоғида ёзib олинди.*

Бу ўйин республикамизнинг айтарли барча вилоятларида оммалашиб, “Яширинмачок”, “Бекинмачок”, жанубий вилоятларимизда “Дашинмовуқ” номлари билан машҳурдир. Уни фақат қизлар эмас ўғил болалар ҳам ўйнасалар бўлади.

Ўйинда турли ёшдаги қизлар иштирок этишлари мумкин. Энг аввало улар “топувчи”ни белгилаб оладилар. Бунинг учун онабоши қуйидаги шеър айтиб қизлар орасида саноқ ўтказади:

*Дашинмачоқ даштда пичоқ,  
Уйингизда нечта пичоқ?*

Охирги “пичоқ” сўзи кимга тўғри келса у бир чеккага чиқиб туради. Охирида қолган қиз эса қувловчи вазифасини бажаради. Бу иш бажарилгач онабоши туфалак ўрнини белгилайди. Қувловчи қиз туфалак жойида туриб қўллари билан кўзларини юмганча ўнгача санайди.



Мана шу вақт мобайнида барча қизлар ҳовлиниң турли бурчакларига беркиниб оладилар. Беркиниш учун ғўзапоя ғарами, тандир-ўчоқ олди, чорпоя таги, ўсиб ётган маккапоядан фойдаланиш мумкин. Фақат уй ичиға кириб бекиниш таъқиқланади.

Мана қувловчи қиз туфалак майдонидан узоқлашмай қизларни излай бошлади. Маккапоядан Салиманинг кўйлаги этаги кўринди. Қувловчи қиз:

— Салима, маккапоя ичидан чиқ, — деса у ўйиндан чиқади.

Ўйиннинг мураккаб томони шундаки қизлар қувловчининг назарига тушмай туфалак майдонига яқинлашиши ва:

— Туфалак, — деб ерни тепиши керак.

Шундагина у ўйин қайтадан бошланганда бемалол иштирок эта олади. Қувловчи томонидан топилган қизлар эса онабоши томонидан қайтадан саноқдан ўтказиладилар. Охирги “пичоқ” сўзи кимга тўғри келса, ўша қиз янги қувловчи бўлади.

### **Ажина-гужина момо**

*Қашқадарё вилояти Қамаши туманидаги Бадахшон қишилогидан ёзib олинди.*

Бу ўйин иссиқ ёз фаслида, ҳовлида ўйналади. Бешолти нафар қиз узунлиги йигирма сантиметр келадиган ғўзапоя чўпларини ўzlари учун танлаб оладилар. Ва чўпнинг бош қисмидан икки сантиметр пастликда кичкина тугма ўрнатадилар. Тугмани маҳкам ушлаганча чўпнинг олд-орқа қисмини бемалол бекита оладиган газмол парчасини чўп устига ташлаб, ғалтак ип билан ўрайдилар. Яна битта узунлиги беш сантиметр келадиган чўпчани ясалган хомаки қўғирчоққа қўл қилиб ўрнатадилар. Бунинг учун ҳам ғалтак ипдан фойдаланадилар. Агар газмол гулсиз, оч тусда бўлса, тугма

устига қош-күз, оғиз, бурунча чизиб оладилар. Демак, ҳар бир киз ўзига “ажина-гужина момо” ясаб олди.

Қизлар бу қўғирчоқчаларга қишлоқдаги момоларнинг отини қўйиб оладилар. Демак, бу қўғирчоқчалар қизлар ёрдамида турли образларни бажарадилар. Қизлар момоларнинг гапириш оҳангини, ишлатадиган сўзларини, феълларидағи ўзига хос характерни жонлантириб ўйин ўйнайдилар. Биринчи қўғирчоқ эгаси:

— Қизларгул, кеча Лойқага тўйга бордингиз? Қандай ўтди?

Иккинчи қўғирчоқ эгаси тилга киради:

— Бай-бай, мен айтай сиз эшитинг. Катта кураш, кўпкари бўлди.

Учинчи қўғирчоқ эгаси:

— Байбичанинг қўйган сарполари шундай яхши. Битта келиннинг олдига чиқкан экан<sup>1</sup>. Шуниям чақириди. Оёғи остига қўй сўйди.

Тўртинчи қўғирчоқ эгаси:

— Келинглар, бошқа нарсадан гаплашайлик. Тўқилган ипларимни бўяб бўлдим. Қизил рангни ўрикнинг томиридан, сариқ рангни рўян ўсимлигининг гулидан олдим.

Биринчи қўғирчоқ эгаси:

— Ўрмакни қачон курасиз?

Тўртинчи қўғирчоқ эгаси:

— Эртага. Ҳамма бизникига келсин. Келиним ош дамлайди. Сизлар тўқиб кўрсатасизлар, невараларим давом эттиради.

“Ажина-гужина момо” ўйинини кузатсангиз қишлоқда бўлаётган турли воқеалар, янгиликлардан боҳабар бўласиз. Ким турмушга чиқяпти, ким ўқимоқчи, кимнинг каштаси қандай тикилибди, кимнинг гилами

---

<sup>1</sup> Бадахшонда келинчаккка қўёв тарафдан рамзий янги она белгиланади.



қандай тўқилиб, кигизининг гули қандай чиқибди, хуллас, бир олам янгилик мана шу ўйинда.

Хўш, бу ўйин қизларга нимани ўргатади? Аввало қизлар оддий ғўзапоя чўпи, битта тугма, арзимаган ғалтак ип ва бир парча мато орқали қўғирчоқ ясадилар. Қўғирчоқларни тилга киритиш, момоларнинг бир-бирларига муносабатларида адашмаслик эса қизларда санъатга бўлган иштиёқ, меҳр, кузатувчанликни ўйғатди. Бу ўйинда қизларнинг ёши танланмайди. Шуниси аҳамиятлики, қизларнинг оналари қўғирчоқлар ясашда ва образларни тилга киритишда яқиндан ёрдам берсалар ўйиннинг мазмуни янада ошади. Яъни қизлар ҳар бир момонинг гапириш услуби, бирор аҳамиятли ҳатти-ҳаракатини онасидан эшитиб тақрорласа, бу ўйиннинг жонли чиқишига ёрдам беради.

## **Яхии она**

*Қашқадарё вилояти Қамаши туманидаги  
Бадахшон қишилогидан ёзиб олинди.*

Ўйин воқеабанд бўлиб унда иккита образ иштирок этади. Она ва қизи образи. Воеа бошланишидан олдин “қиз” ўзича кир ювгандек ҳаракат қилиб туради. Шу пайт дарвоза очилиб “она”си кириб келади.

- Ассалому алайкум, онажон, – дейди “қиз”.
  - Ваалайкум ассалом қизим, – дейди “она”.
  - Онажон, қўлингиздагиларни менга беринг, – дейди “қиз”.
  - Ола қол, қизим, – дейди “она”.
- “Қиз” гўё унинг қўлидагиларни олгандек ҳаракат қиласди. “Она”сига иссиққина чой тутгандек бўлади.
- Қизим, уйларни йиғиштирдингми? Кирларингни ювиб бўлдингми? – деб сўрайди.
  - Ҳамма ишларни қилиб бўлдим, онажон, – дейди “қиз”.

— Каштангни тикишни бошладингми? — сўрайди “она”.

— Бошладиму сал чўчиб турибман. Косаларининг рангини тўғри танладимми, деб, — дейди “қиз”.

— Унда бу ёққа олиб кела қол, — дейди “она”.

“Қиз” гўё каштани олиб келади.

— Қизим, каштангнинг авраси оч қизил. Косаларингнинг ранги тўқроқ бўлиши керак, — дейди “она”.

Ўйин ана шу тариқа давом этади. “Она” “қизи”га кашта тикиш, овқат пишириш, гулларга сув қуишини ўргатади. Бу ўйин воқеабанд бўлиб, қизларни рўзгорга тайёрлашдан сабоқ беради. Қолаверса, қизлар ўйин орқали билмаганларини билиб олади, муомала маданиятидан сабоқ олади. Шу билан бирга аҳиллик, иноқликни ўрганадилар.

## *Мехмон келди*

*Қашқадарё вилояти Қамаши туманидаги  
Бадаҳишон қишилогидан ёзиб олинди.*

Ўйинда турли ёшдаги, бир нечта қиз иштирок этиб, унда адолат мезонини онабоши назорат қиласади. Аввало ўйиндаги асосий образ уй эгасини танлаш учун онабоши топишмоқ айтади:

*Чин қушим, чинни қушим,*

*Чин тепага қўнди қушим.*

*Тумиузгини ерга тираб,*

*Халққа салом берди қушим.*

Уй эгаси ролини бажаришга қизиқкан қизлар топишмоқни топишга ҳаракат қиласадилар. Мабодо иккита қиз бирдан айтса, онабоши бошқа топишмок айтади. Мана ниҳоят уй эгаси образини ким бажариши аниқланди. У иштирокчиларнинг ҳар бирига бемалол қизим, келиним, жияним, неварам деб мурожаат

қилишга ҳақли. Бу образлар эса уй эгасининг барча топшириқларини бажарадилар. Қай бирлари гүёки чой дамлайди, яна бирлари гүёки нон ёпади, яна бирлари дастурхон ёзади. Қисқаси, меҳмон кутаётган хонадон қандай юмушларни бажарса, ана шу ишлар рамзий маънода бажарилади. Уй эгаси образини бажараётган қиз уларнинг камчилигини айтиши, дакки бериши, буйруқ бериши, бажарган ишидан кўнгли тўлмай қайтадан “бажартириши” мумкин.

Гоҳо ўйин чинакам жонли чиқиши учун қизларнинг қай бирлари помидор-бодринг, қай бирлари нон, бирлари дастурхон, ҳатто чойнак-пиёла ҳам келтирадилар. Улар росмана меҳмон кутгандек иш тутадилар.

Хўш, уй эгаси образи қачон алмаштирилади? Қачонки, у “она” сифатида бирор гапни ёки ҳатти-ҳаракатни нотўғри бажарганда онабоши томонидан қайтадан “синов” ўтказилади.

Бу ўйин қизлар томонидан эрталабдан-кечгacha ўйналса бўлади. Ўйин шуниси билан аҳамиятлики иштирокчиларнинг ҳар бири худди санъаткорлардек образни ижро этадилар, жаҳлни, меҳрни, фидойиликни бажарган ишлари билан кўрсатадилар. Демак, ўйин қизларда санъаткорлик қобилиятининг ривожланишига ҳисса қўшади.

## ***Холакам***

*Тошкент шаҳридаги Файзиобод маҳалласидан ёзиб олинди.*

Бу ўйин ҳам воқеабандлиги билан ажralиб туради. Уни фақат дугоналар эмас, опа-сингиллар ҳам ўйнаса бўлади. Опа:

– Кел, холакам-холакам ўйнаймиз, – дейди.

Сингил:

– Хўп бўлади, – деб рози бўлади.



– Қандай ўйнаймиз? – сўрайди опаси.

– Ўқитувчи-ўқувчи бўла қолсин, – дейди сингил.

Демак опа ўқитувчи, сингил эса ўқувчи образини бажарадилар. Улар худди синфда бўлгани каби мулоқотга киришадилар.

– Хўш, кеча қандай вазифа берилган эди? – сўрайди опа.

– Ота-оналарни хурмат қилиш ҳақида топшириқ берган эдингиз, – дейди сингил.

– Унда доскага чиқинг. Ота-оналарни хурмат қилишни гапириб беринг, – топшириқ беради опа.

Сингил худди ўқувчилардек доскага чиқади:

– Устоз, бизнинг уйда ота-оналаримизни хурмат қилишни болалигимиздан ўргатишади. Отамиз, онамиз иш буюрса, албатта бажарамиз. Агар кучимиз етмаса, катталардан ёрдам сўраймиз. Ота-онамиз ишдан келгандарига югуриб чиқиб салом берамиз, кўлларида олдиларига югуриб чиқиб салом берамиз. Чанқаган бўлсалар дарров совуқ чой ёки шарбат берамиз, – дейди сингил.

– Жуда яхши, баҳонгиз аъло, – дейди “ўқитувчи” опа.

Опа-сингил ана шу тариқа ўйнайдилар. Улар истасалар мавзуни мутлоқо ўзgartириб, ўйинни давом эттиришлари мумкин. Гоҳида бу ўйинда оиласвий мухит ҳам акс этади. Бу ўйин қизларда зукколик, ҳозиржавобликни тарбиялайди.

## ***Она ва бола***

*Тошкент шаҳридаги Шоштепа маҳалласидан ёзиб олинди.*

Бу ўйин ҳам воқеага асосланади. Катта опа она образини, синглиси эса қизи образини бажарадилар.

– Хўш, “қизим” бу ёққа келинг, – чақиради “она”.

– Лаббай “онажон”, – унинг олдига келади “қизи”.



- Соchlарингиз тўзиб қолибдими? – дейди “она”.
- Вой, “оийжон”, соchlаримни яхшилаб майдалаб ўриб қўйинг, – дейди “қиз”и.
- “Она” гўёки “қиз”ининг соchlарини яхшилаб тараб, ўриб қўяди.
- Раҳмат, “оийжон”, – дейди қиз.
- Вой, “қизим” кўйлагингиз эскириб қоптими?

Яқинда ҳайит байрами келади, – дейди “она”.

- “Оийжон”, менга янги кўйлак тикиб беринг, – дейди “қиз”.

“Она” гўёки қўл машинада кўйлак тикади. Ва “қиз”ига кийдириб қўяди.

- Раҳмат, “оийжон”, – дейди “қиз”.
- Вой, “қизим”, қошларингиздаги ўсма кетиб қопти-ку, – дейди “она”.
- “Оийжон” қошимга чиройли қилиб ўсма кўйиб қўйинг, – дейди қиз.

– Кела қолинг, она “қизим”, – дейди “она”.

У гўёки “қиз”ининг қошига ўсма кўйгандек ҳаракатлар қилади. Ўйин ана шу тариқа давом этади. Иштирокчилар “она ва бола” ўртасидаги мулоқотга истаган мавзуларини киритишлари мумкин.

Бу ўйин қизларда ҳозиржавоблик, тез фикрлаш қобилиятини шакллантиради.

### ***Совчи кутиши***

*Қашқадарё вилояти Қамаши тумани  
Бадаҳишон қишилогидан ёзиб олинди.*

Бу ўйин воқеага асосланади. Унда беш-олти нафар қизлар иштирок этади. Улардан бири мезбон аёл, қолганлари совчилар образини бажарадилар.

- Гўёки дарвоза тақиллайди.
- Ким у? – товуш беради “мезбон” аёл.

Ва гүёки дарвозани очади. Қараса беш-олти нафар “аёллар” турибди.

– Ассалому алайкум, келинглар, – деб уларга қучоқ очади “мезбон”.

– Ваалайкум, ассалом, айланай. Сизнинг боғингизда гул очилибди, шу гулни сўраб келдик, – дейди “совчи”лар.

“Уй эгаси” уларни гүё ичкарига бошлайди. Гүё улар дастурхон атрофида сухбатлашиб ўтирибдилар.

– Сир бўлмаса, қаерлардан сўраймиз? – дейди “уй эгаси”.

– Биз Шойим чавандознинг опа-сингиллари бўламиз. Акамнинг ўғли олий маълумотли, мактабда дарс беради. Шу боланинг бошини иккита қиласиз, деб отонаси ҳалак, – дейди “совчи”лардан бири.

– “Жияним” жуда яхши бола. Спорт билан шуғулланади, кўпкарида улоқ чопади, – дейди “аёл”лардан бири.

– Бундан ташқари мактабда болаларга спортниям ўргатади. Хуллас, ўғлим бор деса дегудай, айланай, – дейди яна бири.

“Мезбон аёл” ҳам қимтиниб гап бошлайди.

– Билмасам, момо-буvasи, отаси бор. Мен улардан ўтиб бир нарса деёлмайман. Қани маслаҳатлашиб кўрамиз, – дейди “уй эгаси”.

– Майли, айланай, маслаҳатлашиб кўринг. Лекин йўқ деманг. Қизим тинч, баҳтли бўсин десангиз эркакларни қўндиринг, – дейди “совчи” аёллар. – Бўлмаса бизарга овмин айтинг, айланай.

“Мезбон аёл”:

– Сизлардан бўла қолсин, – дейди.

– Илоҳи омин, қадамимиз қутлуғ бўлсин, ёшлар кўша қарисин, тўй бўлсин, шу ховлига қўйлар келсин, – дейди “совчи” аёллар.



Улар шундай деб хайрлашиб чиқадилар.  
Бу ўйин қизларни муомала маданиятига тайёрлаши билан аҳамиятлидир.

## **Келин-келин**

*Тошкент шаҳридағи Файзобод маҳалласидан ёзиб олинди.*

Бу ўйин ҳам воқеага асосланади. Қизлар ўйиндаги мавзуни танлашда ўз оиласарида, бувилари, келинойилари ўртасида бўлиб турадиган мулоқотга асосланадилар. Бу ўйинда бир нечта қизлар иштирок этади. Улардан бири қайнона, қолганлари келинлар, яъни овсинлар образини бажарадилар.

– Келинларим, бугун бозор куни. Ҳамма ўз иши билан банд бўлсин. Хўш, Ферузахон сизнинг нима ишингиз бор? – сўрайди “қайнона”.

– “Ойижон”, кирларим тўпланиб қолган. Шуларни ювиб-чайиб оламан, – дейди “келини”.

– Гулнорахон сиз-чи, болам? – сўрайди “қайнона”.

– “Ойижон”, рухсат берсангиз бирров бориб отаонамни кўриб келардим. Дадамнинг сал тоблари йўқ экан, – дейди “келин”.

– Ҳа, тузук. Унда тезроқ боринг. Ота-она ҳам ғанимат. Қудаларимга салом деб, сўраб қўйинг, – дейди “қайнона”.

– Раҳмат, “ойижон”. Борингизга шукур. Зерикиб ўтирмай, мен билан боринг, “ойижон”, – дейди “келин”.

– Кейинги сафар, “болам”. Сал тобим келишмай турибди, раҳмат “қизим”, – дейди “қайнона”.

– Дилнозахон болам, сиз-чи? – сўрайди “қайнона”.

– Ойи, уйни қоқиб-суқаман. Ҳадеб сўрайверасиз-а, – лабини чўччайтиради иккинчи “келини”.

— Ҳа, болам, ёши катта одам шунақа сўраб турадида, — сал ранжиган бўлиб гапиради “қайнона”.

— Уф-ф, — дейди “келин”.

— Ойижон, қўйинг, Дилнозахон ўйламай гапириб кўйдилар, — “қайнона”нинг кўнглини олади “катта келин”.

— Майли, болам, қўяверинг, ўзи қайнона бўлганда келини гап қайтарса билади, — дейди “қайнона”. — Машҳурахон, сизнинг нима ишингиз бор?

— Ойижон, неварачаларингизни чўмилтираман, ўғлингизнинг, ўзимнинг, болаларнинг кийимларини дазмоллайман. Агар бирор ишингиз бўлса айтаверинг, — дейди “Машҳура” келин.

— Ҳа, йўқ, болам, сиз ишингизни қиласверинг. Менинг майда-чўйда ишимни “кенжা келин” қиласди, — дейди “қайнона”.

— Ойижон, ҳозир тезгина кирларни ювиб, дарров овқатга уннайман. Бугун нима егингиз келяпти? — сўрайди “кенжা келин”.

— Умрингиздан барака топинг, чарчамасангиз чучвара қила қолинг, — дейди “қайнона”.

Ўйин давомида барча “келин”лар гўё ўз юмушлари билан банд бўлади. Шу орқали ҳар бири ўз феъл-автори, ҳаётга қарашини ифодалайди. Ўйиннинг қизиқарли жиҳати ҳар бир қиз ўз феъл-авторидан келиб чиқиб муомалада бўлади. Гоҳо ошириб юборсалар, бу кулгуга ҳам сабаб бўлади. Бу эса ўйиннинг жонли ва қизиқарли кечишига туртки бўлади.

Ўйин қизларни ҳаётга тайёрлаши, бир-бирларидан муомала маданияти, одоб-ахлоқни ўрганиши билан аҳамиятлидир.



## Ҳамсоя-ҳамсоя

Қашқадарё вилоятининг Қамаши туманидаги  
Бадахишон қишилогидан ёзиб олинди.

Бу ўйин ҳам воқеага асосланган. Унда бир нечта қизлар иштирок этадилар. Гўёки кечки пайт. Барча иштирокчилар бирин-сирин бир жойга тўпланишади. Қизлардан бири уйидан келтирган шолчани ерга тўшайди.

– Келинглар, ҳамсоялар, гурунглашиб ўтирамиз, – дейди биринчи қиз.

Улар шолчага жойлашиб ўтириб оладилар.

– Ҳамсоялар, қишлоқда нима гап? – сўрайди бири.

– Эшитдингларми, Шоди буванинг невараси хизматдан келибди. Эртага ош беришар экан, – дейди иккинчи қиз.

– Уйлантирсаям керак? – сўрайди бири.

– Ҳа, боланинг гаплашадигани бор. Зубайдада холанинг невараси Зархол бор-ку, шу билан гаплашган экан.

– Зубайдада хола неварасининг бошига ёнғоқ чақади, – дейди бири.

– Нимага? – сўрайди бири.

– Шоди буванинг уруғида кал бор, – дейди қизлардан бири.

Бу гапдан барча қизлар куладилар.

– Эшитдиларингми, бугун эрталаб Хадича момо неварасининг сочига дук урдирди, – дейди қизлардан бири.

– Ким урибди? – сўрашади.

– Тошманхон эшон...

– Ҳа, ҳаммаям Тошмонхон эшонга ўхшаб ўғилли, қизли, неварали бўлсин, дейди-да, – дейди бири.

– Бизларни ҳамсоя момолар дук урдиргани Лангар отага борармиш. Неварасининг қорин сочи шу ёққа айтилган экан, – дейди бири.

– Нечта момо борармиш?

– Ўнтача момо. Ҳаммаси неварадарини кийинтириб, ясантириб ётибди. Кечадан бери патир, қаллама, бўғирсоқ пишириб келинларининг тинкаси қуриди, – дейди қизлардан бири.

Шу тариқа қишлоқда, ён-атроф қишлоқларда содир бўлган, бўлаётган янгиликлар ўйинга кўчади. Қизлар янгиликларни бир-бирларига “катта аёл” ёки “момо” тилидан етказадилар. Бу эса кулгуларга сабаб бўлади.

Бу ўйин қизларда содир бўлаётган воқеаларга муносабатни шакллантиради ва уларни ана шу воқеаларнинг ўйиндаги иштирокчисига айлантиради.

## *Бола боқар*

*Қашқадарё вилояти Қамаши туманидаги  
Бадаҳишон қишилогидан ёзib олинди.*

Ўйинда бир нечта қизлар иштирок этадилар. Ҳар бир қизнинг ўз қақир-қуқурини солиб юрадиган тугунчалиси бор. Ана шу тугунча ичидаги ғўзапоя, гугурт чўпи, турли латта-путталардан ясалган қўғирчоқлар солинган. Рўмоллар ёзилиб, ҳар бир қиз ўз рамзий “уий”ни жихозлайди. Гугурт кутисини сандиқча ўрнида қўйиб, унинг устига қўғирчоқнинг жажжи “кўрпа-кўрпа-ча”ларини йифиб қўяди. Гўёки кўрпача тўшаб унинг устига қўғирчоғини, яъни “бола”ни ётқизади.

Ҳар бир қиз ўз уйида онасидан эшитган гапларни айтиб қўғирчоғини эркалайди.

– Асал қизим, ширин қизим, – эркалайди бири.

*Оқ буғдойнинг дони,*

*Бадаҳишоннинг нони.*

*Ҳамма ёмон кўрсаям,*

*Энасининг жони,*

деб иккинчи қиз ўз қўғирчоғини эркалайди.



— Менинг ўғлим ҳаммадан яхши. Ҳали бувасига ўхшаган бир кўпкаричи бўлсин, тоғасига ўхшаб бир курашчи бўлсин, — дейди яна бири.

— Ҳа, болам, маззанг йўқми? Нимага йўталиб қолдинг? Ке, орқангга мой суртиб қўяман, — дейди яна бири.

— Энажон, кеча Даминкўлда чўмилувдим, томоғим оғриб турибди, — деб қўғирчоқ тилидан ҳам гапириб қўяди.

Иштирокчи қиз қўғирчоғини қўлига олиб унинг елкаларини силайди.

— Ҳа, сенгинани нима қилсан бўлади, нимага мактабга бормадинг? — дейди бошқа қиз ўз қўғирчоғига.

— Кечада футбол ўйнаб оёғимни майиб қилибман, — дейди қўғирчоғи тилидан. — Эртага бораман, эна, уришманг.

*Бир ёри бор Қўқонда,  
Панжарали дўконда.  
Ҳали келса қўрасиз,  
Кула-кула ўласиз,*

деб қўғирчоғини эркалайди яна бири.

— Вой, ёри масхарабозми? — унинг гапига қўшилади қизлардан бири.

— Ҳа, энди энам айтадиган қўшиқ-да. Мен қаердан билай? — дейди шеър айтган қиз.

Ана шу тариқа ўйинда она ва бола ўртасидаги мулоқотлар бўлади. Бу ўйинни кузатсангиз ҳар бир қизнинг уйидаги ижтимоий муҳит, оила аъзоларининг бир-бирига муносабати, бир-бирини асрashi, яхши кўриши, ёки аксингча жихатлар ҳам кўзга ташланади.

Ўйин қизларда синчковлик, атрофдаги одамлар ҳаётини кузатишни ўргатади. Бу эса ўз-ўзидан қизларни ҳаётдаги муносабатларга ўргатади.

## Каштачи

Наманган вилояты Поп тумани Уйгур қишилөгидан ёзиб олинди.

Үйин воқеага асосланади. Унда бир нечта қизлар иштирок этадилар. Улардан бири “каштачи”, қолгандари “харидор”лар.

– Ассалому алайкум, Замира опа, – чувиллашади қизлар.

– Ваалайкум ассалом, келинглар қизлар, – дейди “каштачи”.

– Кашталарингизни кўргани келдик, – дейишади қизлар.

– Жуда яхши қилибсизлар. Мана кўринглар. Мана буниси ўн олти оймомоли. Уйнинг деворини тўлик қоплади. Қаранглар, ипаги ҳам тоза, – гўё каштасини мақтайди “каштачи”.

– Чиройли экан, – дейишади қизлар.

– Лекин бу жуда катта. Менга сал кичикроғи керак эди, – дейди қизлардан бири.

– Менимча ўзларингиз ҳам кашта тикишни ўргансангиз яхши бўларди, – дейди “каштачи”.

– Вой, яхши бўларди, ўргатасизми? – чувиллашади қизлар.

– Албатта. Ҳунарни ўргатиш савоб-ку, – дейди “каштачи”.

У шундай деб қизларга гўё ипакни ювиш, уни қайнатиш, рангга бўяшни ўргатади. Сўнг гўё ипакни қандай қилиб ортиқча қипиқлардан тозалашни ўргатади. Қизлар эса бундан суюнадилар.

– Кашта тикиш учун аввал гулсиз газмолга шакллари чизиб олинади. Сўнг қайси шаклга қандай ранг беришни ёзиб чиқилади. Косагулларни аниқ тасаввур қилиш керак. Айрим ранглар уни хира қилиб қўяди.



Шунинг учун етти ўйлаб бир кесиб ёзиш керак, - дейди “каштачи”.

Албатта, ўйинда қизлар кашта тикмайдилар. Лекин оиласида бувиси, ойиси кашта тикадиган қизлардан турли маълумотлар оладилар. Ана шу тариқа кашта тикиш ҳақида ўзларича тасаввурга эга бўладилар. Бу ўйин қизларнинг маълум маънода кашта ҳақидаги тасаввурлари бойишига хизмат қилади.

### **Кўрпа тикиар**

*Кўқон шаҳар Дангара туманидан ёзиб олинди.*

Бу ўйин ҳам воқеага асосланади. Унда бир нечта қизлар иштирок этадилар. Унда гапга уста, сўзамол қиз ўртабошилик қиласиди. У гўё она образини бажаради.

– Аммажонлари, холажонлари кейинги ойга тўй белгиланди. Бугун кўрпа тикишни бошлаймиз. Мана газмол, мана игна-ип, мана машина, – дейди она образидаги қиз.

– Аввал бахмал кўрпаларни тикамиз, – дейди қизлардан бири.

Улар гўё бахмал кўрпа тикаётгандек сўзлашадилар.  
– Зўр бахмал экан, – дейди бири.  
– Қалинлигини қаранг, – дейди иккинчиси.  
– Ялтирашини қаранг, – дейди учинчиси.  
– Тахмонда жуда чиройли кўринади, – дейди учинчиси.

Қизлар шу тариқа гўё бахмал кўрпани тикиб тамомлайдилар.

– Энди атлас кўрпаларни тикамиз, – дейди она боши.

Қизлар гўё ростдан ҳам атлас кўрпа тикаётгандек сўзлашадилар.

– Авра билан астарни маҳкам бирлаштиринг. Бўлмаса сирғалиб кетади, – дейди иккинчи қиз.

— Ипни атлас рангига мосини танланг, — дейди учинчи қиз.

Хуллас, ана шу тариқа тўйлардан олдин ўтказиладиган “Кўрпа тикиш” маросими ўйинга кўчади. Қизлар ўз уйларида бувиси, онаси, аммаси, холаси қандай гапирса, худди шундай ўзаро муомалада бўладилар.

Бу ўйиннинг аҳамиятли томони қизларда кузатувчанлик, тез илғаб олишни шакллантиради. Қолаверса, турли матоларнинг бир-биридан фарқи, ўзига хос жиҳатлари ҳақида сухбатлашадилар.

### ***Нина ва ип***

*Тошкент шаҳри Файзиобод маҳалласидан ёзигб олинди.*

Ўйин ҳаракатга асосланган. Шу билан бирга ўйинда образлар ҳам мавжуд.

Ўйинда ўнтача қиз иштирок этади. Уни ўйинбоши қиз бошқариб боради. Иштирокчилар орасида иккита қиз нина ва ип образида иштирок этади. Етти нафари бир-бирларининг қўлларидан тутганча занжир бўлиб турадилар. Нина образидаги қиз билан ип образидаги қиз бир-бирининг қўлини тутганча қизлар ҳосил қилган “занжир”нинг тагидан ўтиб олиши керак. Мабодо рамзий занжир тагидан “нина” ўтолсаю, “ип” ўтолмай қолса у ўйиндан чиқади. Ўйин ана шу тариқа давом этади.

У қизларда чаққонлик хусусиятини шакллантиради.

### ***Момом бозордан келди***

*Қарши туманидаги Чорагил қишлоғидан ёзигб олинди.*

Ўйинда тўрт-беш нафар қиз ва “мома” иштирок этади. Улар турли хил лахтаклардан бир нечта, айтайлик ўттизтacha юмшоқ коптоқчалар ясайдилар. Бунинг



учун латта-путта қийқимларидан унумли фойдаланадилар. Копточалар тайёр бўлгач “момо” уларни ёйиб ташлайди. Гап шундаки, “момо”нинг чўнтакларида ёнғоқ, туршак, майиз бор. Неваралар эса ана шу нарсаларга эришмоқчи. Аммо “момо” уларга турли шартлар айтиб бажаришга ундейди. Ким бу шартларни улдаласа ширинликлар уники. Ва қизларга шеърий йўл билан шарт айтади:

*Қани қизим, Салима,  
Чаққон-чаққон сакраб ўт.  
Бирор бир копточани,  
Икки оёгинга тут.*

Кизлардан бири турган жойидан сакраб копточалар ёйилган жойга келади. Ва икки оёғи орасига битта копточкини илиб олиб, уни туширмасдан белгилangan манзилга етказади. Момо:

*Гуллим, гуллим Ойгулим  
Ўзинг ҳаммадан сўлим.  
Эгилганча ишилагин,  
Копточани тишилагин.*

Киз икки оёқда сакраб келиб эгилганча коптоклардан бирини тишлайди ва қолган коптокларни босиб олмасликка ҳаракат қилиб, эмаклаб манзилга етади.

Момо:

*Тилло қизим Гулмирам,  
Ақллисан сен бирам.  
Бир оёқда оралаб,  
Гуллар тергин саралаб,*

дейди.

Навбатдаги қиз бир оёқда сакраб, қўллари билан копточаларни тера бошлайди. Бунда қиз эгилиши мумкин, аммо ўтириб коптокларни олиши мумкин эмас.

Ўйин ана шу тарзда давом этади. “Момо” бу ерда ҳар бир қизининг исмига, феъл-авторига қараб шеър

түкиши, унинг кўнглини кўтариши, шиддатли ишларга рағбатлантириши мумкин. Ҳатто у невараларини Тўмарис, Барчиной қизим деб шеърга киритиши мумкин.

“Момом бозордан келди” ўйини қизларга қийин вазиятлардан чиқиш, турли жисмоний ҳаракатларни қийналмай бажариб, соғлиқларини тиклашга ёрдам беради. Агар қизлар “момо”нинг топширигини бажаришни уддалай олмасалар қайтадан уриниб кўрадилар. Бу ўйин оналарнинг ижодкорлигини ҳам оширади. Қолаверса, қизларнинг оналари билан биргаликда коптакчалар тайёрлаши уларнинг эпли, ҳунарли бўлишларига замин яратади.

“Момом бозордан келди” ўйинини bemalol ҳовли сатҳида ўйнаса бўлади.

### ***Рўмолча ташлаш***

*Самарқанд вилояти Ургут туманидаги  
Сойғус қишлоғидан ёзib олинди.*

Бу ўйинда етти-саккиз нафар қизлар иштирок этадилар. Уни онабоши қиз бошқариб боради. У:

*Алакам акки,  
Кистангѓа пакки  
Рўмолча ташладим  
Бермагин dakki,*

деб шеър айтиб қизларни санай бошлайди. Қайси қизга “дакки” сўзи тўғри келса, у бир чеккага чиқиб туради. Ниҳоят охирида қолган иккита қиздан қайси бирига “дакки” сўзи тўғри келса, у четга чиқади, қолган қиз эса ўртага тушади.

Қолган қизлар доира шаклида ўтириб, қўллари билан кўзларини юмиб оладилар. Ўртадаги қиз эса дугоналарининг орқа тарафидан айланана бошлайди. Ва рўмолчани исталган бир қизнинг орқасига ташлаб:



*Рўмолча ташланди,  
Энди ўйин бошланди,*

деганча қочади. Барча қизлар орқаларига ўгирилиб карайдилар. Қайси қизнинг орқасида рўмолча турган бўлса у қочаётган қизни қувлаб кетади. Бошка қизлар ҳар иккаласини – бирини тезроқ қочишга, бирини тезроқ тутиб олишга ундовчи сўзлар билан олқишлийдилар. Агар қочаётган қиз яна югуриб даврага қўшилиб олса, қувлаган қиз бирор бир шартни бажаргач ўйинни бошқатдан давом эттиради. Мабодо уни тутиб олса, тутилган қиз аввал шартни бажариб сўнг рўмолча ташлашни давом эттиради.

Шартларни қизларнинг ўzlари танлайдилар. Истасалар вазифани эплолмаган қизга шеър, қўшиқ айтиш, рақсга тушишни топширадилар. Бу эса қизларда ҳаракатчанликни ошириб, уларнинг адабиёт, санъатга бўлган қизиқишини оширади.

### ***Ҳаммом пиш***

*Қамаши туманидаги Бадахшон қишлоғидан ёзиб  
олинди.*

Бу ўйин қизлар, шунингдек ўғил болалар томонидан ҳам ўйналади. Аввало қизлар тупроқ уюмига сув қўшиб, лой қорадилар. Лой яхши пишиши учун хамирдек муштлайдилар. Лой силлиқ бўлиб етилгач ўйин учун тайёр бўлади. Ўйинни онабоши бошқариб боради.

– Энди хамирдан зувала тайёрлаймиз, – деб буйруқ беради у.

Барча қизлар ўз зувалаларини тайёрлаб оладилар.

– Хозир шеър айтаман, пиш сўзи тўғри келган қиз чеккага чиқаверади, – дейди онабоши.

У мана бундай тартибда шеър айтади:

*Томга чиқдим тарози қурсин,  
Манави қизнинг арози қурсин.*

Қизил қўйлак томдан туши,  
Зувалангдан ҳаммом пиши.

Демак, шеър айтиш давомида “пиш” сўзи кимга тўғри келса, у бир чеккага чиқа бошлайди. Охирида қолган иккита қизлардан қай бирига “пиш” сўзи тўғри келса у чеккага чиқади, қолган қиз эса ўйинни бошлайди.

Киз ҳам ўйинни мана бундай шеър билан бошлайди:

Қизил қиз томдан тушибди,

Хамирим, хамир пишибди,

дейди-да қўлидаги зувалачани бор кучи билан ерга уради. У пақиллаб гумбаз шаклида тушиши ва бош томонидан лой сачраб, оғзи очилиши керак. Агар шундай бўлмаса бу қиз иштирокчиларнинг турли шартларини бажаради. Шартлар адабиёт, санъат билан боғлиқ бўлиши ва қизларнинг ҳоҳишига кўра ўй-рўзгор ишлари бўлиши ҳам мумкин. Бошқа қизлар ҳам навбати билан ўйинда иштирок этадилар.

“Ҳаммом пиш” ўйини аслида кулоллар ҳаёти билан боғлиқдир. У иштирокчиларнинг қўллари уқувли бўлишига хизмат қиласи. Шу билан бирга меҳнатнинг маҳсулни борлигини ҳам ёшларга эслатиб туради.

## Ошқовоқ узди

Наманган вилояти Янгиқўргон туманидаги Исковорот қишлоғидан ёзиг олинди.

Бу ўйинда беш-олти нафар қиз иштирок этади. Улардан бири рўмолини ҳовлида ўсиб ётган ёввойи супурги танасига боғлайди. Қолган қизлар паравоз шаклида бир-бирларининг белларидан қучиб ўтириб олади.

Улар ўйинга тайёр бўлгач ўйинбоши қиз гўёки эшик тақиллатади:

– Так, так, так.



- Ким у? – сўрайди “паравоз”нинг бошидаги қиз.
- Бу мен, қўшнингизман.
- Нимага келдингиз?
- Ошқовоқ пишдими?
- Йўқ, энди гина пиёладай бўлди, ҳали узмайсиз, – дейди.

“Ошқовоқ” образидаги қизлар ўзаро сўзлашиб турадилар. Ўйинбоши яна эшик тақиллатгандек овоз чиқаради.

Ҳали ошқовоқ пишмади, энди косачадай бўлди, – дейди рўмолини боғлаган қиз.

Қизлар яна сўзлашиб турадилар. Ниҳоят учинчи марта эшик “тақиллайди”.

– Ошқовоқ пишди, қозондай бўлди, – дейди сафнинг бошидаги қиз.

Ошқовоқнинг “харидори” хурсанд бўлиб кетади:

– Жуда соз, унда узишни мана бунисидан бошлаймиз, – дейиши билан қизлар бир-бирларининг белларидан маҳкамроқ кучоқлаб оладилар.

Ошқовоқнинг “харидори” сафнинг орқасида турган қизнинг белидан кучоқлаб сафдан ажратишга ҳаракат қиласди. Қиз жон-жаҳди билан дугоналарининг белидан маҳкамроқ ушлайди. Агар қизлар кучли бўлсалар “харидор” ошқовоқни узишга қийналади, мабодо жисмонан соғлом бўлмаса шартта узиб олади. Ана шу тахлит барча “ошқовоқ”лар узиб олинади.

Бу ўйин куз мавсумида, пишиқчилик пайтида ўйнлади. У қизларни жисмонан ҳаётга тайёрлаши билан аҳамиятлидир. Қолаверса, “харидор” ва “ошқовоқ” образини бажарган барча қизлар ҳам ўз вазифаларини артистона маҳорат билан уddyалайдилар. Демак, у қизларда санъатга бўлган меҳрни ҳам уйғотади.

## Мен сенда кўряпман

Тошкент шаҳар Ҳадра маҳалласидан ёзиг олинди.

Ўйинда беш-олти нафар қизлар иштирок этади. Аввало ўртабошини белгилаб олишади. Бунинг учун гоҳо топишмоқ айтадилар. Жавобини топган қиз ўртабоши бўлади. Мана ўртабоши тайинланди. Энди қизлар қатор бўлиб ўтирадилар. Ўртабоши эса қаторнинг бошида ўтирган қизнинг олдига келиб:

– Ман санда кўрвомман. З. ҳарфи. Ўнгача санайман, – дейди.

Ўтирган қиз тез ўйлай бошлайди. Ўртабоши эса бармоқлари билан ўнгача санаб туради. Жавобга бошқаларнинг қўшилиши мумкин эмас. Агар кимдир жавобга ёрдам берса, ўйиндан чиқарилади. Ўтирган қиз тезлик билан жавоб айтиши керак:

– Зирақ.

Ўртабоши унинг жавобини тўғри деб қабул қиласди. Энди у иккинчи қизга рўпара бўлади:

– Ман санда кўрвомман. Т.ҳарфи. Ўнгача санайман, – дейди.

Ўтирган қиз жавоб айтишга қийналяпти. Ўртабоши эса ўнгача санайверади.

– Тополмадим, – дейди.

– Тугма, – дейди ўртабоши.

Ана шунда ўртабоши жавоб тополмаган қизнинг бир пой оёқ кийимини олиб чеккага қўяди. Ана шу тариқа жавоб тополмаган қизларнинг бир пойдан оёқ кийими чеккага текис қилиб қўйилаверади. Фақат бир пой оёқ кийимларнинг қандай тартибда терилганини иштирокчи қизлар кўрмайди. Мана ўтирган қизларнинг ҳаммасининг бир пойдан оёқ кийими растага тергандек тахланди. Энди ўртабоши чеккага тахланган оёқ кийимларни санайди. Ва қизлардан сўрайди:



- Рухсора, сизга нечанчи рақам?
- Биринчи, – дейди Рухсора.

Ўртабоши Рухсорага терилиган оёқ кийимларнинг биринчиди турганини келтириб беради. Шубҳасиз, бу оёқ кийим бошқа қизники. У оёқ кийимнинг бир пойини кийиб олади. Қизлар ўртасида кулги бошланади. Ўртабоши барча қизларга айтган рақам бўйича оёқ кийимни олиб келади. Гоҳо айрим қизларга ўзининг иккинчи пойи тушиб қолади. Ана шундай ҳолда унинг айтган шартларини барча қизлар бажаради.

## **Бўзаними, қўзани?**

*Тошкент шаҳар Сирғали тумани Шоши маҳалласидан ёзил олинди.*

Ўйинда ўн икки нафар қизлар иштирок этади. Ўйинни иккита сўзамол, гапга чечан қиз бошқариб боради. Ўртабоши қизлар ўзларига исталган гул ёки мевали дараҳтлар номи билан исм танлайдилар.

Масалан бири:

- Менинг исмим райхон, – дейди.

Иккинчиси эса:

- Менинг исмим чучмомо, – дейди иккинчиси.

Аммо уларнинг бу келишувини бошқа иштирокчилар билмайдилар. Шундан сўнг ҳар икки дугонабоши қизларни ёнларига чақирадилар:

– Қизлар, ҳозир икки жамоага бўлинамиз. Буни қандай амалга оширамиз. Сизлар иккитадан бўлиб навбати билан бизнинг олдимизга келасизлар, – дейди улар.

Барча иштирокчи қизлар иккитадан бўлиб дугонабошиларнинг олдига кела бошлайди.

– Ўйинда иккита жамоа тузилди. Бирининг оти “Райхон”, иккинчисиники “Чучмомо”. Ўйинда қай бир

жамоада иштирок этишни хоҳлайсиз? – сўрайди дуго-набошилар қизлардан.

Қизлар турган гапки бири у жамоани, иккинчиси бу жамоани танлайди. Шу тариқа барча қизлар икки жамоага бўлинниб оладилар. Дугонабошилар эса икки жамоанинг ўртасига рўмол ташлайдилар. Шунда барча иштирокчи қизлар бир-бирларига рўпара бўлиб турадилар.

Ўртабошилар жўрлигига иштирокчилар қўшик айтадилар:

*Рўмолим бор сўзани,  
Аканг ичмас бўзани.  
Аканг ичса бўзани,  
Синдиради қўзани.*

Кўшиқ матнидаги сўнгги сўз айтилиши билан барча қизлар ҳайкалдек қотиб қоладилар. “Райхон” ва “Чучмомо” жамоасининг сардорлари рақиб томон иштирокчиларининг ҳар бир ҳаракатини диққат билан кузатади. Қайси жамоа иштирокчиси кулса, қимиirlаса нариги жамоа сардори уларга шарт айтади. Шарт бўйича қизлар қўшиқ куйлайдилар, рақсга тушадилар, топишмоққа жавоб айтадилар. Қизларнинг қайфиятига қараб жисмоний шартлар ҳам айтилади. Ўйин давомида қизлар завқланадилар, бир-бирлари билан аҳилиноқ бўладилар.

Қолаверса, ўйин қизларни сабр-тоқатли бўлишга ҳам ўргатади.

### **Хола-холакам**

*Тошкент шаҳар Ҳадра маҳалласидан ёзиб олинди.*

Бу ўйинда беш-олти нафар қизлар иштирок этади. Уни ўртабоши бошқариб боради. Унинг танлови билан иштирокчилар буви, она, амма, хола образларини



ўйнайдилар. Ўйин воқеабанд бўлиб айтилган шахсларнинг феъл-автори, ўзига хослиги акс эттирилади.

Ўйин бошланишидан олдин дугонабоши:

– Кизлар, келинглар бирорта мавзууни танлаб оламиз, – дейди.

Улар кўплашиб “совчи келган кун” мавзусини белгилашади. Иштирокчилардан бири совчи образини бажаради. У гўёки қиз яшайдиган ўйнинг эшиги олдини супуради. “Дарвоза олди” тоза бўлиб қолганини кўрган “қизнинг онаси”:

– Ассалому алайкум, эрталабдан нима қиляпсиз? – деб сўрайди.

“Совчи аёл”:

– Айланай, эшигингизга қулчиликка келдик, – дейди.

“Қизнинг онаси” “совчи аёл”ни ичкарига таклиф этади.

– Келинг айланай, қани чойдан ичинг, дастурхонга қаранг, – деб мулоҳамат қиласи “қизнинг онаси”.

Шундан сўнг ўйиндаги буви, амма, хола образларидаги қизлар ҳам совчи аёл билан гўёки мулоқотга киришадилар. “Бўлажак куёв”нинг нима иш билан бандлиги, ўқиган ўқимаганлиги, уй-жойининг аҳволи, нимани яхши кўриши, нимани ёмон кўриши каби икирчикирларни сўрайди. “Совчи аёл” ҳам эринмай жавоб беради. Ўйин ана шу тариқа узоқ давом этади.

Ўйинни кузатган киши қизларнинг санъаткорона маҳорат билан ёндашаётганларини, ҳар бир иштирокчи ўз образини қойилмақом қилиб ижро этаётганини кўриб туради. Демак, ўйин қизларда ҳаётда ўзини тутиш, муомала маданиятидан сабоқ беради.

## Мұлжасал-мұлжасал

Карши шаҳар Ҳарамжүй қишилогидан ёзіб олинди.

Бу ўйин жамоавий бўлиб, унда тўққиз нафар қизлар иштирок этади. Ўйинни танланган онабоши бошқариб боради. У қўлидаги таёқ билан ерга чизиқ чизади. Чизиқ устидан уч қадам ўлчаб катталиги бир хил иккита айланади. Шундан сўнг қизларни икки жамоага бўлиш учун мана бундай шеър айтади:

*Осмондаги ой,  
Абдукаримбой,  
– Нима қиляпсиз?  
– Олма еяпман.  
– Олмадан беринг.  
– Берироқ келинг.  
– Шундай узатинг,  
– Ўзизди тузатинг...*

Шеърнинг охирги сўзи қайси қизга тўғри келса, ўнг томондаги айланага киради. Шеър иккинчи марта айтилганда “тузатинг” сўзи қайси қизга тўғри келса, у чап томондаги айланага киради. Ана шу тариқа навбати билан саккизта қиз ҳам икки айланадан жой олади. Демак, қизлар иккита гурухга бўлинди. Уларнинг номини шартли равишда “Олча” ва “Олма” гурухи деб аташ мумкин.

– Ана энди, тош отишни бошлаймиз. Аввал “Олча” гуруҳидагилар отади, – дейди онабоши.

“Олча” гуруҳининг қизлари чизиқ устида турганча белгиланган ўз айланаси томон навбати билан тош отади. Барча жамоа аъзолари тош отиб бўлгач, она-боши доира ичига тушган тошларни санайди.

– Энди навбат “Олма” гурухига, – эълон қиласиди онабоши.



Бу гурӯҳ ҳам навбати билан ўз доирасига тош отади. Барча қизлар отган тошларни онабоши санайди. Қайси гурӯҳ қизлари айланага қўп тош туширган бўлса ўша жамоа ғолибдир. Онабоши ва гурӯхбошиларнинг келишувига биноан мағлуб жамоага шартлар айтилади. Шартлар шеър, топишмоқ, қўшиқ айтиш, рақсга тушишдан бўлиши мумкин.

Бу ўйин орқали қизлар мўлжални тўғри олишни ўрганади, шу билан бирга адабиёт, санъатдан хабардор бўладилар.

## Йигирма-чилдирма

*Toшкент шаҳридаги Тирсакобод маҳалласидан ёзиб олинди.*

Ўйинда ўн уч нафар қиз иштирок этади. Улар тенг икки жамоага бўлинадилар. Кўп ҳолларда сардорлар ўзлари истаган қизларни жамоасига қўшиб оладилар. Демак, ҳар бир жамоада бештадан аъзо ва уларнинг ўз сардори бўлади. Улар ўз жамоаларига ном қўйиб оладилар. Ўйинни онабоши бошқариб боради. Аввало узоқлиги ўн метр чамалик ҳудуд белгиланади. Ҳудуднинг ҳар икки томонига бирор-бир восита қўйилади ёки чизик чизилади. Ҳудуднинг ўртасига доира шаклида айлана чизилади. Ҳар бир жамоа ўзи учун энебўйи ўнга ўн қилиб кесилган қалин картон қоғоздан йигирма донасини тайёрлаб олади. Картонларга бир сонидан йигирма сонигача қалин қилиб ёзиб чиқилади. Шундан сўнг онабоши қиз ҳар икки жамоанинг сардорини олдига чақиради:

– Мана бирингиз “Лола”, бирингиз “Атиргул” жамоасининг сардорисиз. Кафтимга тош бекитганман. Ким тошни топса ўйинни ана шу жамоа бошлайди. Нариги жамоа ўз вакилини ўртага туширади. Келишдикми? – деб сўрайди.

Сардорларга бу гап маъқул келса:

– Келишдик, – дейдилар.

Мабодо қайси сардорга бу усул маъқул келмаса, ўз таклифини айтади. Гоҳо сардорлар “Топишмоқ айтинг” ёки “Тез айтишдан беллашайлик” қабилида таклифлар ҳам айтиши мумкин. Демак, қайси жамоа сардори зийрак, ақлли, топкир бўлса ўйинни бошлайди. Айтилиқ, “Лола” жамоасининг сардори ғолиб чиқди. Бу жамоа аъзолари бўлган қизлар белгиланган худуднинг икки чеккасига жойлашадилар. “Атиргул” жамоаси вакили эса худуднинг ўртасига тушади. У жамоаси билан тайёрлаган картон қофозлардаги рақамларни очик ҳолда кўрсатиб, тартиби билан айлана ичига теради. Шундан сўнг онабоши:

– Қани “Лола”чилар бошладик, – дейди.

Коптокни қўлида ушлаб олган “Лола”чилар худуднинг икки чеккасида турганча ўртадаги “Атиргул”чи қизни копток билан мўлжалга оладилар. Қиз эса коптокка чап бериб айлана ичидаги картон қофозларни тартиби билан тескари ўгира бошлайди. Биринчи бўлиб “1”, кейин “2”, сўнгра “3”, хуллас йигирмагача бўлган сонларни тартиб билан ўгириб улгуриши керак. Гоҳо ўртадаги қиз коптокни тутиб олиб, узоқликка отиб юборади. Чунки “Лола”чилар узоқлашган коптокни олиб келгунча, ўртадаги қиз картон қофозларни тескари ўгириб улгуради. Агар копток ўртадаги қизга тегса, унинг ўрнига жамоадоши тушади. Шарт шуки, айлана ичидаги сон ёзилган барча картонлар жамоа аъзоларининг ҳаммаси ўртага тушгунча тескари ўгириб улгурилиши керак. Факат ўйиннинг вақтини сунъий чўзиш мумкин эмас. Ўз вақтида вазифани бажариб улгурган жамоа қизлари бараварига:

– Йигирма-чилдирма, – деб қичқирадилар.



Агар улгуримаса, баҳо камайтирилади ва нариги жамоа ўртага тушади. Ўйин ана шу тариқа давом этади. У қизларни чаққон, тезкор ва тартибли харакат қилишга ўргатади.

## Черта

*Тошкент шаҳридаги Тирсакобод маҳалласидан ёзиб олинди.*

Ўйинда беш нафар қиз иштирок этади. Уни онабоши бошқариб боради. Қизларнинг барчаси иштирокида ўнта катақдан иборат чизма чизилади. Биринчи ва иккинчи катақ устма-уст, учинчи ва тўртинчи катақ ёнма-ён, бешинчи катақ боғловчи, олтинчи ва еттинчи катақ ёнма-ён, саккизинчи катақ боғловчи, тўққизинчи ва ўнинчи катақ ёнма-ён чизилади. Энди онабоши бошлигигида ўйинни бошлаш тартиби белгилаб олинади.

– Қизлар ҳозир мен топишмоқ айтаман. Ким уни топса ўйинни биринчи бошлайди. “Қоравой отдан тушди, болалари югуришди”, – дейди онабоши.

Қизлар бир дам ўйланиб қолишади. Айтайлик, Зухра:

– Мен топдим. Бу идиш-товоқлар, – дейди.

– Тўғри. Демак, Зухра ўйинни биринчи бўлиб бошлайди. Энди айтадиган топишмоғимни топган қиз иккинчи бўлиб ўйнайди. “Қозиқ устида қор турмас”, - дейди онабоши.

Айтайлик, бу топишмоқнинг жавобини Гавҳар топди.

– Гавҳар иккинчи бўлиб ўйинни давом эттиради, – дейди онабоши. – Энди айтадиган топишмоғимни ким топса, учинчи бўлиб ўйнайди, тополмаган одам тўртинчи бўлиб ўйнайди, – дейди онабоши.

Айтилган топишмоқни Гулмира топди. Демак, у учинчи бўлиб ўйнайди, тополмаган қиз охирги бўлади.



Үйинда шарт шуки, иштирокчи қиз биринчи ва иккинчи катакка кетма-кет бир оёқда, учинчи ва түрткүнчи катакка икки оёқда, бешинчи катакка бир оёқда, олтинчи ва еттинчи катакка икки оёқда, саккизинчи катакка бир оёқда, түккизинчи ва ўнинчи катакка икки оёқда түхтамай сакраши ва ўша тезлик билан ўгирилиб юқоридаги тартиб билан биринчи катаккача сакраб келиши керак. Агар у сакраш давомида бирорта чизикни босса, оёғи чизикдан ташқарига чиқса, мувозанатини йўқотиб қўйса ўйиндан четлаштирилади.

Ўйин қизларни чаққонлик, тезкорлик, ўз мувозанатини сақлашга ўргатиши билан аҳамиятлидир.



## Теран илдизлар

Халқнинг ўзлигини англашда асрлар давомида синов ва тажрибадан ўтган қадриятлари, боболардан қолган ўлмас мерос ҳамда авлоддан-авлодга, отадан-ўғилга, оғиздан-оғизга ўтиб келаётган фольклор асарлари пойдевор вазифасини ўтайди. Шу боис ўзбек халқининг минг йилликлар билан бўйлашадиган теран илдизлари, озиқланган бебаҳо қадриятларининг борлиги, айниқса, улар ичидаги халқ ўйинлари сингари тенгсиз бойликнинг мавжудлиги миллат идентикилигининг ўқ томири, битмас-туганмас ноёб манбаидир.

Бу ноёб миллый ўйинлар каттаю кичикка олам ва одамга ҳурмат моҳиятини англаш, юртга садоқат, элсеварлик туйғуларини шакллантириш, табиатни севиш, уюшиб жамоа бўлиш, қийинчиликларни биргаликда енгиб ўтиш, ҳозиржавоблик кўникмаларини ўстириш, тезкор қарор қабул қилиш, жамоадошларга елкадош бўлиш, инсоннинг тани соғлиги, ҳаракатчанлигини таъминлаш имкониятини беради.

Миллатнинг ўзлиги билан боғлиқ ана шундай ўйинларимизга кейинги пайтларда эътибор бир оз пасайди. Жондан азиз фарзандларимиз ҳам кўпроқ ҳаракат талаб этмайдиган электрон ўйинларга берилиб кетди. Бу ҳолатни юзага келишида болалар ўйинларига бағишлиланган содда ва ўғил-қизларимиз тушунадиган тилда баён этилган адабиётларнинг йўқлиги ва ОАВларда халқ ўйинларини тарғиботи сусайганлиги ҳам сабаб бўлмоқда.

Шу жиҳатдан, элшунос-фольклоршунос журналист Гулжаҳон Мардонованинг “Ўзбек миллий ўйинлари” китоби муҳим аҳамият касб этади. Муаллиф қатор йиллар давомида юртимизнинг водийю воҳаси, туману кентлари, қишлоқу овулларини кезиб, унутилиб кетаётган миллый ўйинларимизни ниҳоятда дақиқлик билан йиғиб чиқди.

Китобдан воситали, ҳаракатли, касб-хунарга оид, бошқотирма, воқеабанд, мавсумий 118 та – 67 та ўғил, 51 та қиз болаларга хос ўйин жой олган.

Китобнинг муҳим жиҳатларидан бири унда миллий ўйинларимиз орасида йилнинг барча фаслларига мос ўйинлар ҳамда ҳар бир мавсумга хос ўйинлар ҳам келтирилганида ҳам намоён бўлади. Чунончи, баҳор фаслига тегишли ўйинлар кенг ўтлоқлар, сой бўйлари, қирларда ўйналган. Чунки баҳор ўйинларининг шавқи қўклам руҳияти билан ҳамоҳанг бўлади. Бу пайтда болалар кайфиятининг ўзи ҳам кенг далаларни хоҳлайди. Ўйинлар учун танланадиган либосларда ҳам табиат гўзаллиги акс этади.

Китобдан ўрин олган ҳалқ ўйинларининг мазмун-мундарижаси, тартиби, уларнинг ўз олдига қўйган мақсадидан ҳалқнинг тарихи, ҳаётга қарашлари, жамият ҳаётидаги иштироки, руҳиятини билиб олиш мумкин бўлади. Чунки ўйинлар давомида иштирокчининг қандай қарорга келиши, нимани танлаши, нимани инкор этиши орқали унинг маданияти, маънавий олами, тарбияси, руҳияти, ички кечинмалари ҳам намоён бўлади.

Китобнинг бу сингари ютуқли жиҳатлари ниҳоятда кўп. Китоб мундарижасига қараб ҳам унда ниҳоятда катта материал тўпланганлигини кўриш мумкин. Юқоридагиларни ҳисобга олиб, Гулжаҳон Мардонованинг “Ўзбек миллий ўйинлари” китобини ўқиш ва уқишига тавсия этаман.

*Кудратулла Омонов,  
филология фанлари доктори, профессор*



## Нашр этилган асарлари

1. Нур тўла уй (1992 й.).
2. Хушрўйлик сирлари (1995 й.).
3. Алла айтай, жоним болам (1996 й.).
4. Ори қўшиқ бўлган юрт (2009 й.).
5. Ори қўшиқ бўлган юрт (тўлдирилган ва қайта ишланган нашири, 2010 й.).
6. Фарзандингизга ўйинлар (2009 й.).
7. Оиласда болаларни алла воситасида маънавий-ахлоқий тарбиялаш (2010 й.).
8. Миллий-маънавий қадриялар ва комил инсон тарбияси (ҳаммуаллифликда) (2010 й.).
9. Истиқлолдан яшинаётган юрт (2011 й.).
10. Нур тўла уй (тўлдирилган ва қайта ишланган нашири, 2011 й.).
11. Онам айтган аллалар (2012 й.).
12. Ўзбек халқ қўшиқлари (2015 й.).
13. Қуёшим – энам (2021 й.).

**МУНДАРИЖА**

Болалар ўйинлари – ҳаёт машқлари. М.Қуронов	3
ҮФИЛ БОЛАЛАР ЎЙИНЛАРИ.....	13
Белбоғ.....	13
Икки белбоғ.....	14
Зар қалпоқ.....	15
Қалпоқ отди.....	17
Чагалай.....	18
Чуррак.....	19
Чўлоқ қарға.....	20
Чўлоқ қарға.....	21
Чўлоқ қарға.....	22
Касал эчки.....	24
Эчки, унинг боласи ва бўрилар.....	25
Бўри, эчки ва унинг болалари.....	26
Оқсоқ бўри ва кўйлар.....	28
Чўпон ва оқсоқ бўри.....	29
Қари бўри.....	30
Ўйлаб топ.....	31
Мўлжал.....	33
Ўрда ошиқ.....	34
Соққа ошиқ.....	35
Ёнфок.....	37
Тўрт тош.....	38
Ганг.....	39
Тош отар.....	40
Тўп отар.....	40
Қармоқча.....	41
Кўлоқ чўзма.....	43
Чертмак.....	44
Гулдир-гуп.....	45
Жуфтпар.....	46
Жойингни топ.....	47
Хайкал.....	48
Подшо-вазир.....	49
Подшо-вазир.....	51



Подшо-вазир.....	52
Яхши ота.....	53
Ташлама таёқ.....	54
Қадама таёқ.....	56
Таёқ тепди.....	57
Таёқлар жанги.....	58
Пода тўпи.....	58
Ўн икки чўп.....	60
Чиллак.....	62
Чўнка-шувоқ.....	63
Чўпон таёқ.....	64
Коровул.....	65
Хамир-патир.....	66
Оқ суяқ.....	67
Оқ суяқ.....	68
Чавандозлар.....	70
Эшак минди.....	71
Калла кўпкари.....	72
Чавандоз ва эгарчи.....	72
Хўролзар жанги.....	75
Ер олар.....	75
Елкада кураш.....	77
Чучмома.....	78
Кўк қани?.....	79
Чим-чим.....	80
Сир олиш.....	81
Асир-асир.....	82
Уруш-уруш.....	83
Бўрон.....	84
Қалъани эгаллаш.....	85
Дук урди.....	85
Сартарош.....	87
Сичқон-мушук.....	88
Қозон қоровул.....	89
ҚИЗ БОЛАЛАР ЎЙИНЛАРИ.....	91
Арқон ташлаш.....	91
Ҳаппак.....	92
Сополтош.....	94

Жамбил-жамбил.....	95
Чертмак.....	96
Зина.....	97
Олиб қочар.....	97
Дурра отар.....	98
Қиз ва күшлар.....	99
Бургут келди.....	100
Лайлак келди.....	102
Пир этди.....	103
Қушим боши.....	103
Ким кучли.....	105
Латта коптот.....	106
Үртага тушар.....	107
Топдим-топмадим.....	107
Сандал-сандал.....	109
Сўзма-сўз.....	110
Тапир-тупур қалдирғоч.....	111
Қадамба-қадам.....	113
Кўз бойланди.....	114
Олди-солди.....	114
Занжир.....	116
Сават.....	117
Ким урди.....	117
Кўз бойлагич.....	118
Чум-чум палак.....	119
Дашинмовуқ.....	120
Ажина-гужина момо.....	121
Яхши она.....	123
Меҳмон келди.....	124
Холакам.....	125
Она ва бола.....	126
Совчи кутиш.....	127
Келин-келин.....	129
Ҳамсоя-ҳамсоя.....	131
Бола боқар.....	132
Каштачи.....	134
Кўрпа тикар.....	135
Нина ва ип.....	136



Момом бозордан келди.....	136
Рўмолнча ташлаш.....	138
Ҳаммом пиш.....	139
Ошқовоқ узди.....	140
Мен сенда кўряпман.....	142
Бўзаними, кўзани?.....	143
Хола-холакам.....	144
Мўлжал-мўлжал.....	146
Йигирма-чилдирма.....	147
Черта.....	149
Теран илдизлар. К.Омонов.....	151

**Гулжаҳон Мардонова**

# **ЎЗБЕК МИЛЛИЙ ЎЙИНЛАРИ**

**Оммабоп-адабий нашр**

**Мухаррир:**

*Исломжон Ҳувайтov*

**Дизайнер**

*Илҳомжон Ашурматов*

**Рассом**

*Умиджон Сулаймонов*

**Мусаххиха:**

*Гулмирахон Исломбекова*

**“Bookmany print” нашриёти**

Нашриёт тасдиқнома рақами № 022246. 28.02.2022 й.

Босишига рұксат этилди: 4.08.2022.

“Times New Roman” гарнитураси. Қоғоз бичими: 84x108 <sup>1/32</sup>

Нашриёт босма табоги 5,3. Шартли босма табоқ 8,3.

Адади 500 нұсха. Офсет усулида босилди.

Тошкент шаҳри, Учтепа тумани, 22-мавзе, 17-б уй.

“BOOKMANY PRINT” МЧЖ босмахонасида чоп этилди.

Тошкент шаҳри, Учтепа тумани, 22-мавзе, 17-б уй.